


83.3(59)6

X. 51

**МУМИН ҲОШИМХОНОВ
ГУЛЧЕҲРА ИБРАГИМОВА**



**МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ВА
АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ**




83.3/54/6

У. 71

МУМИН ҲОШИМХОНОВ
ГУЛЧЕҲРА ИБРАГИМОВА

МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ВА
АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ
(монография)



Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

Тошкент — 2007

83.3(5У)6

X-71

Такризчилар:

У.Қосимов – филология фанлари номзоди, доцент

А.Нурмонов – педагогика фанлари номзоди, доцент


Ҳошимхонов, Мўмин.

Миллий уйғониш ва Абдулла Орипов
шеърляти: (монография)/ М.Ҳошимхонов. – Т.:
А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти, 2007. – 136 б.

ББК 83.3(5У)6

ISBN 978-9943-06-064-7

№648-2007/1090 Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси



© Мўмин Ҳошимхонов,
Гулчеҳра Ибрагимова

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2007

КИРИШ

XX аср ўзбек халқи тарихининг энг муҳим, энг мураккаб ва энг зиддиятли давларидан бўлиб қолади. Чунки бу аср халқимиз ҳаётида кўпчилик яқдилик билан эътироф этган "Уйғониш", "Миллий уйғониш" билан боғланади. Тарих шундай бир имкон бердики, дунёнинг бешдан бир қисмини эгаллаган "Халқлар турмаси" деб ном олган мустабид Россия салтанати 1917 йилнинг февралида барбод бўлди. Мазлум миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш имконияти туғилди. Бироқ ҳокимиятни большевиклар эгаллаб олдилар. Оқ салтанат Қизил салтанат билан алмашди. Чор мустамлакачилик тузуми ўрнига советлар номи билан ҳарбий тоталитар идора ўрнатилди. Миллат, диний қадриятлардан узоқ, социалистик меҳнат ва коммунистик мафкуралар бирлаштириб турадиган совет кишисини "ясаш" йўлга қўйилди. Бироқ миллатлар устидан ўтказилган бу тажриба ўзини оқламади. Тўғри, диктатура фан ва ишлаб чиқаришда маълум самаралар берди. Космосга чиқдик, улкан қурилишлар бунёд қилинди. Лекин буларнинг барчаси инсонни инсон, халқни халқ қиладиган миллий, диний қадриятларни, маънавиятни босқичма-босқич йўқотиш ҳисобига амалга оширилди. Жамият ич-ичидан чириб борди. Асрнинг иккинчи ярмида, 60-йилларда "Ёвузлик салтанати" (Рейган)нинг михлаб ташланган деразаларида тирқишлар пайдо бўлиб, озгина шабада ичкарига кириши билан жамият бағридаги музлар эриши бошланди. Бу ҳол гоҳ тезлашиб, гоҳ секинлашиб, охир-оқибат 90-йилларда мустақилликка олиб келди. Шу жиҳатдан асрнинг боши билан охири ўртасида ажиб бир ўхшашлик бор. Президентимизнинг машҳур сўзларини эслайлик. Юртбошимиз "Тафаккур" журнали бош муҳаррири саволларига жавоб берар экан, шундай деган эди: "Мен Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир" деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир".¹ Хўш, аср бошида уйғонишни ким тайёрлади?

¹ И. А. Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат этишга хизмат этгани. Т. "Шарқ", 1993, 39-40-бетлар.

Адабиёт тайёрлади. Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Мунаввар Қори, Чўлпон каби ўнлаб ижодкор зиёлиларнинг асарлари тайёрлади. Улар эҳтиросли адибларгина эмас, маърифат дарғалари ҳам эдилар. Бу ҳаракат ўз даврида тарихан аниқ ва конкрет бўлган "жадидчилик" номини олган эди.

Айни пайтда жадидчилик янги адабиётга замин бўлди. Анъанавий шеърга инқилобий ўзгаришлар, янгиланган замонанинг шиддатли руҳи кириб келди. Миллатнинг аҳволи, кадр-қиммати, келажак тақдири адабиётнинг бош мавзуга айланди. Бир томондан миллат дардига "Миллий шакл ва ифода беришга эҳтиёж кучайиб, аруз ўрнини эски бармоқ эгаллай борди. Иккинчи томондан Европа маданиятига хос реалистик проза, янги адабиёт, театр, публицистика кириб кела бошлади. Қисқа муддатда янги адабиёт қарор топди. Беҳбудий, Авлоний, Ҳамза каби ижодкорларимиз XX асрнинг ўнинчи йилларида янги адабий тур ва жанрлар ифода воситаларининг дастлабки намуналарини яратдилар. Бироқ янги адабиётимизнинг тўла шаклланиши 20-йилларда Туркистонда шўро ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш авж олган даврга тўғри келди. Мутахассислар ўринли қайд қилганларидек, Абдулла Қодирий ўзбек романчилилик мактабига асос солди. Фитрат ўзбек саҳна адабиётининг энг сара намуналарини яратди. Янги адабиёт, эстетик адабий-танқидий тафаккурни бошлаб берди. Чўлпон янги ўзбек шеъриятига асос солди. Жадидчилик борасида ўтган асрнинг 90-йилларида янгиланган фикр асосида бир қатор ишлар қилинди."¹

¹ Улар орасида проф. Б.Қосимовнинг "Жадидчилик" ("Ёшлик", 1990, № 7) мақоласи, Б.Эргашевнинг "Жадидизмнинг ижтимоий-сиёсий ғоялари" шаклланиши ва тараққиёти тарихидан, "Ёш бухороликлар мафкураси" мавзuidaги, фалсафа фанлари доктори (Т.1993), Д.Тошқуловнинг "Ўзбекистон халқларининг XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг биринчи чораги сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг асосий йўналишлари" номи, юридик фанлари доктори (Т.1995) С.Аъзамхўжаевнинг "Туркистон мухторияти: озодлик ва мустақиллик учун кураш" мавзuidaги, тарих фанлари доктори (Т.1996) илмий даражасини олиш учун ёқлаган диссертациялари алоҳида ўрин эгаллайди. Абдулла Орипов. Қуш тили. Т., "Чўлпон", 1991, Э.Воҳидов. Изтироб. Т., "Ўзбекистон", 1992. Қаранг. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустақиллачилиги даврида. Т. "Шарк", 2000 Б. 10-428. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Т. "Шарк", 2000. Б. 366-551. Мамажонов С. Ранглар ва оҳанглар. Т., 1978. Назаров Б. Ҳаётининг безавол мезон. Т., 1985. Норматов У. Қалб инқилоби. Т., 1986. Ғафуров И. Лириканинг юраги. Т., 1982. Раҳимжонов Н. Шоир ва давр. Т., 1983. Ҳаққулов И. Бадий сўз шукуҳи. Т., 1987. Сафаров М. Дунё кирмоқдадир шоир қалбига. Т., 1997. Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги. Т., 1988. М.Қўшжонов, С.Мели. Абдулла Орипов. Т., «Маънавият». Э.Тулаков. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини. Филология фанлари доктори ...Автореферат Т., 1994. Норбоев Б. Ҳаётини поэтик талқин этиш таомиллари ва маҳорат муаммолари (60-80-йиллар ўзбек шеърияти мисолида). Филология фанлари доктори ...Автореферат Т., 1996); Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида Миллий тафаккур ва унинг бадий талқини (А.Чўлпон. Ғафур Ғулом, А. Орипов шеърияти мисолида), филология фанлари номзоди ...Автореферат.

Нихоят, тарихчиларимизнинг ғайрат ва ташаббуси билан юзага келган Ўзбекистоннинг уч жилдлик янги тарихида бу масала ўзининг ҳаққоний талқинини топди.¹ Жадидчилик ва бадий адабиёт ҳамкорлиги эса Б. Қосимов,² Н.Каримов,³ Э. Каримов,⁴ Ҳ. Болтабоев,⁵ Б.Дўстқораев,⁶ А. Алиев,⁷ Ш. Ризаев⁸ каби адабиётшунослар ишларида ёритилмоқда.

60–80-йиллар ўзбек шеърлятида миллий уйғониш ва унинг поэтик ифодаси жараёни ҳақида сўз борганда эса ўзбек халқининг миллий озодликка бўлган интилишини намойиш этувчи собиқ тузум разилликларини фош қилувчи кўплаб шеърый асарлар тадқиқига бағишланган бир қатор илмий-таҳлилий асарларни тилга олиш лозим бўлади.

Булар жумласига Иззат Султондан Ботир Норбоевгача, Озод Шарафиддиновдан Яшар Қосимовгача бўлган кўплаб мутахассисларнинг ишларини киритиш мумкин.⁹

Шоирларимизнинг ўзлари ҳам замон ва ижод борасидаги теран боғланишга оид нозик кузатишларни "Қуш тили" билан айтилган "Изтироб"ли мулоҳазаларини эълон қилдилар.¹⁰

Миллий уйғониш шоири бўлган Абдулла Орипов шеърлятта кириб келганига қарийб қирқ йил бўлди. Шу жараёнда шоирнинг кўплаб миллий уйғониш, истиқлол ҳақидаги шеърлярига

¹ С.Қосимов. Бехбудий ва жадидчилик. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1990. 19-26 январь.

² Б.Қосимов. "Излай-излай тоганим". Т. 1983 й.

³ Н.Каримов. XX аср ўзбек адабиёти таракқиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиқлол мафқураси. Докторлик диссертацияси автореферати. Т. 1993 й.

⁴ Э.Каримов. Развитие реализма в узбекской литературе. Т. 1975.

⁵ Ҳ.Болтабоев. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослигида Фитратнинг илмий мероси, докторлик диссертацияси автореферати. Т.1996 й.

⁶ Б.Дўстқораев.Мухаббат осмонининг гўзал Чўлпони: китобда Абдулхамид Чўлпон. Хур Туркистон. Т. "Маънавият", 1997 й.

⁷ А.Алиев. Махмудхўжа Бехбудий. Т. 1994. 32-бет. Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат. Т. 1991 й.

⁸ Ш.Ризаев. Жадид драмаси. Т. "Шарк", 1997 й. 316-бет.

⁹ 1. Иззат Султон. Қайта туғилиш арафасида. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1999 й. 19 март. 2. Б.Қосимов ва бошқ. Салом келажак. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1986 й. 3. Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. 11-синф учун дарслик. Т., "Ўқитувчи", 1997 й. 4. Яшар Қосимов. Уйғониш садолари. Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991 й. 5. О.Шарафиддинов. Сардафтар саҳифалари. Т., "Ёзувчи", 1996 й. 6. Б.Норбоев. Истиқлол ва истеъдод тарбияси. Т., "Ўқит.", 1992 й.

¹⁰ 1. Абдулла Орипов. Қуш тили. Т., "Чўлпон", 1991 й. 2. Э.Воҳидов. Изтироб. Т., "Ўзбекистон", 1996 й.

бағишланган илмий тадқиқотлари эълон қилинди. Бу борада таниқли адабиётшунос олимлар Салоҳиддин Мамажонов, Бахтиёр Назаров, Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров, Нўъмон Раҳимжонов, Иброҳим Ҳаққулов, Михли Сафаров, Ботирхон Акрамов кабиларнинг тадқиқотлари аҳамиятга молик.¹

Матёқуб Қўшжонов, Сувон Мели кабилар у ҳақда махсус китоб ёздилар.²

Бирок, 60–80-йиллар ўзбек адабиёти, хусусан, Абдулла Орипов шеърятти ХХ аср боши ўзбек адабий тафаккурининг узвий давоми сифатида ўрганилган эмас. Ҳолбуки, бу боғланишларни аниқлаш, биринчидан, кўп асрлик ўзбек адабиётининг яхлит ҳодиса эканлигини англашга ёрдам беради. Иккинчидан, адабиётнинг миллий уйғонишдаги роли ва ўрнини белгилашга хизмат қилган бўлур эди. Тўғри, бу масалалар қисман И. Тўлаков, Б. Норбоевларнинг докторлик, Г. Эрназарованинг номзодлик диссертацияларида тилга олинган.³

Бирок бу борадаги махсус тадқиқотлар олдинда турибди.

Демак, биринчидан, XIX аср сўнгги чораги ва XX аср илк чораги жадид шоирлари ва кейинги 60–80-йиллар ўзбек шеъряттида миллий уйғониш, ўзликни англаш ва истиқдол ғояларига хизмат этувчи поэтик фикрлар орасидаги боғланиш ва узвийликни тадқиқ қилган махсус ишнинг йўқлиги 60–80-йиллар шеърятти, хусусан, А. Орипов асарлари халқимизнинг миллий уйғониши билан қиёслаб ўрганилмаганлиги, бугунги кунда бунга жуда катта эҳтиёж борлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад ХХ асрнинг биринчи чорагида Туркистон миллий уйғонишини тайёрлаган жадид адабиёти, хусусан, шеъряттининг шу аср сўнгги чораги адабий ҳаракатчилиги билан узвийлигини Абдулла Ориповнинг 60–80-

¹ С. Мамажонов. Ранглар ва оҳанглар. Т., 1978. Назаров Б. Ҳаётининг безавол мезон. Т., 1985. Норматов У. Қалб инқилоби. Т., 1986. Ғафуров И. Лириканинг юраги. Т., 1982. Раҳимжонов Н. Шоир ва давр. Т., 1983. Ҳаққулов И. Бадий сўз шукухи. Т., 1987. Сафаров М. Дунё кирмоқдаир шоир қалбига. Т., 1997. Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги. Т., 1988.

² М.Қўшжонов, С.Мели. Абдулла Орипов. Т., «Маънавият», 2000 й.

³ И.Тўлаков. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини. Филология фанлари доктори ...Автореферат Т., 1994. Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш таомиллари ва маҳорат муаммолари (60-80-йиллар ўзбек шеърятти мисолида. Филология фанлари доктори ...Автореферат Т., 1996; Эрназарова Г. ХХ аср ўзбек поэзиясида Миллий тафаккур ва унинг бадий талқини (А.Чўлпон. Ғафур Ғулом, А. Орипов шеърятти мисолида) Филология фанлари номзоди ...Автореферат.

йиллардаги ижоди билан кўрсатиб беришдир.

Бу мақсадни амалга оширишда куйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади:

- XX аср бошидаги Туркистон миллий уйғонишининг бадиий адабиёт билан алоқаларини белгилаш;

- жаҳидчиликнинг миллий уйғониш мафкураси эканлигини аниқлаш;

- янги ўзбек шеърлятидаги миллий уйғониш ғояларини шарҳлаш;

- XX аср 60–80-йиллар ўзбек шеърлятида ўзликни англаш, миллий уйғониш ғояларини аниқлаш;

- XX аср боши ва сўнгги ўзбек шеърляти ўртасидаги муштарак ва фарқли хусусиятларни миллий уйғониш ғоялари ифодаси нуқтаи назаридан кузатиш;

- ўзликни англаш Абдулла Орипов шеърлятининг устувор йўналиши эканлигини аниқлаш;

- Абдулла Ориповнинг миллий истиқлол билан боғлиқ шеърляри бадииятини таҳлил этиш;

- Абдулла Орипов ижодида миллий уйғониш адабиётининг ўрнини белгилаш.

Ўзбек адабиётининг сўнгги бир асрлик тараққиёти илк бор ўзликни англаш нуқтаи назаридан кўздан кечирилади. Ўтган асрнинг 60–80-йилларида шеърлятимиздаги янги поэтик тафаккур биринчи маротаба миллий уйғониш ғояларининг инъикоси сифатида баҳоланади. Абдулла Ориповнинг ушбу мавзуга алоқадор шеърляри ажратиб олиниб, янги миллий уйғониш даврининг ўзига хос ифодаси сифатида ҳар томонлама таҳлил қилинади ва унинг ўзбек миллий уйғониш адабиётидаги ўрни ва роли белгиланади. Совет тоталитар тузуми даври шеърлятининг истиқлол учун курашдаги хос хусусиятлари аниқланади.

Таҳқиқотни яратишда Президентимизнинг миллий истиқлол ғояси, мафкура билан боғлиқ нутқ ва китоблари муҳим маънавий омил бўлди. И. Султон, О. Шарафиддинов, Н. Каримов, Б. Қосимов каби етакчи адабиётшуносларимизнинг мазкур мавзуга доир китоб ва мақолаларига, нашриётларимиз томонидан чиқарилган "Истиқлол фидойилари", "Истиқлол қаҳрамонлари" рукнидаги китобларга мурожаат қилдик. Шунингдек, М.Қўшжонов, Б. Норбоев, И.

Тўлаков, Я.Қосимов сингари бугунги ўзбек шеърлати таҳлилшунос-ларининг А. Орипов ижоди ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини қиёсий ўргандик. Тадқиқотни тайёрлашда шоирнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан ижодкор дўстлари айтган фикр-мулоҳазалар ҳам инобатга олинди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ўзбек миллий уйғониш адабиёти ҳақидаги турли умумлаштирувчи тадқиқотлар, дарсликлар яратишда, миллий уйғониш ғояларини тарғиб қилишда, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини ўқувчиларга етказишда, ўзбек поэзиясининг тараққиёт босқичларини ёритишда материал бўлиб хизмат қила олади.

ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ВА БАДИИЙ АДАБИЁТ

1. ЖАДИДЧИЛИК – МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ МАФКУРАСИ СИФАТИДА

Жадидчилик давлат, тузум, бошқарувни ислоҳ қилиш, миллатнинг ўз миллий тақдирини белгилаш, жамиятни тарихий-тадрижий янги тараққиёт босқичига олиб чиқувчи мақсад ва ғояларни, аниқ амалий тадбирларни ўзига жо этган ҳаракатдир.

Туркистон жадидларида Ғарб ва Оврупо фалсафаси, айниқса, француз маърифатпарварларидан ўрганилган жойлар кўп. Зеро, бир вақтлар ўз тараққиётига Шарқдан кучли турткилар олган Ғарб ва Оврупо муайян юксалиш босқичида туриб ижобий самараларини Шарқнинг ўзига яна қайтариб берди.¹

Адабиётшунос олим Б.Назаров эътирофича, “Жадидчилик ҳаракати ва ғояларининг асосини Туркистоннинг ўзида вужудга келган тарихий, ижтимоий-сиёсий вазият ва шароитлардан изламоқ тўғрироқдир”. Негаки, Туркистон Шўроғача ва ундан кейинги даврда ҳам истибдод тазйиқи остида эди. Туркистон жадидларининг бош ғояси – истибдоддан қутулиш ва мустақилликни қўлга киритиш мақсади боғланиб кетади.

Миллий ғоя ва миллат манфаатлари, унинг равақи, миллат сифатида гуллаб-яшнаши, миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий қадриятлар, анъаналар, миллий маданиятни, миллий тилни ривожлантириш жадидлар фаолиятининг бош ғояси эди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: «Фидойи жадидларимиз ҳаёти биз учун ўрнак, ёшларни истиклол, ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга, уларнинг босиб ўтган кураш йўлини ўрганиш зарур»,² – деб таъкидлаган эди.

Мустабид чор Россияси, кейинчалик Шўролар даврида ҳам миллий ғояларга мутлақо йўл берилмади.

Ўзбек халқининг зукко фарзандлари бўлган жадид

¹ Б.Назаров. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т., «Университет», 1999, 5-бет

² «Ишонч». 1999 йил 23 июл, № 99.

намояндалари – Махмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Убайдуллахўжа Асадуллахўжа ўғли, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирӣ, Элбек, Боту, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Шоислом Шоаҳмедов, Бобоохун Салимов, Полвонниёз Юсуповлар билан бир қаторда, кўпчиликка ҳали яхши таниш бўлмаган Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра ўғли, Садриддин Махсум Шарифхўжа, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Тўракул Жонузоков каби ватан фидойилари чор мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон забун аҳволга тушиб қолганлигини, халқ жаҳолат ва нодонлик қўйнида эркисизлик туфайли эзилиб ётганини чуқур англаб етдилар ва бундай ҳаётни ўзгартириш, батамом янгилаш, миллий истиқлолга эришиш зарурлиги ҳақидаги ўз миллий маърифий-мафкуравий қарашлари ва ғояларини илгари сурдилар. Улар халқ бахтини ўз бахтлари деб билдилар. Халқимизнинг кўкрагига озодлик, ҳурлик шамоли тегадиган бахтли кунлар, саодатли дамлар келишини зўр интизорлик билан кутдилар. Халқни маърифатли қилиш, билим савиясини кўтариш, фикр доирасини ўстириш, миллий истиқлолга эришишнинг зарур шартларидан бири деб тушундилар ва тинмай ҳаракат қилдилар. Туркистоннинг келажак тақдири, миллат истиқболи, миллий истиқлолимизга замин яратдилар.¹

Профессор Б.Қосимовнинг эътироф этишича, Туркистоннинг кўзи очиқ зиёлилари оқ империяни ҳам, қизил империяни ҳам қабул қилган эмас. Шу сабабли Октябрнинг дастлабки кунлариданок миллатнинг ватанпарвар фарзандлари истиқлол йўлларини қидирдилар.²

Туркистон жадидларига Исмоилбек Ғаспирали, Аҳмад Заки Валидий Тўғон каби машҳур жадид арбобларининг таъсири бениҳоя катта бўлди.

Абдулла Авлоний «Таржимон» газетасини ўқиб, замон ва макондан хабардор бўлганлигини, ерли халқлар орасида эскилик-янгилик жанжали бўлиб, янгиликни билувчиларни, газета ўқувчиларни муллалар «жадидчи» номи билан атаганликларини ёзди.³

¹ Ж.Туленов, З.Ғафуров. Фалсафа. Т. «Ўқитувчи» 1997, 94-бет.

² Қаранг. Б.Қосимов. Жадидчилик: ислохот, янгилаш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 112-бет.

³ Юқоридаги асар. Ўша жой.

Маҳаллий зиёлиларга «Вақт», «Таржимон» газеталари билан бирга Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистон ва Мисрда нашр этилган газета ва журналлар ҳам келиб турган.

XX аср бошларида Туркистонга етиб келган тараққийпарвар газеталар Бехбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон сингари ёшларни дунёнинг бошқа ҳудудларида яшовчи халқлар ҳаёти, маърифатпарварлик ғоялари билан таништира бошлади.

Адабиётшунос олим Н.Каримовнинг изоҳлашича, сиёсий идора кишиларидан бири Н.И.Ильминский маслакдоши Победоносцевга мактубида: «Олимлардан ва ўта билимли ўқитувчилардан эҳтиёт бўлинглар. Ўта одобли ва муккаси билан динга берилган оддий одамларга қараганда уларни қаттиқ кузатув остига олинглар», – деб ёзилган эди.¹

Россия Ички ишлар полицияси департаменти Туркистондаги ҳар бир маърифатли кишини сиқувга олди. Боқчасарой, Уфа ва бошқа шаҳарларда чоп этилган нашрларнинг Туркистонга кириб келмаслиги чораларини кўрди.

«Келажак муҳожир рус қишлоқилари ерли халқ кишиларидан кўра бойроқ бўлиши керак», деган шиор мустамлакачилик шиори эди. 1906-1913 йилларда Туркистонда 116 та рус қишлоғи вужудга келди.

Туркистонда маҳаллий халқнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий аҳволи чидаб бўлмас даражада оғирлашди.

Туркистон халқларининг ўша давр ҳаёти жадид адабиёти намояндалари Бехбудийнинг «Падаркуш», Фитратнинг «Мунозара», Чўлпоннинг «Қурбони жаҳолат», «Дўхтир Муҳаммадиёр» каби асарларида ёритиб берилди.

Аср бошларидаги чидаб бўлмас бундай турмуш манзараларини кўрган зиёлилар «Таржимон», «Вақт» сингари газеталарни ўқигач, уларни бартараф этиш йўлларини изладилар.

Маҳаллий, ерли халқ ичида дастлабки жадидлар пайдо бўлди. Лекин бу мактаблар ва уларни ташкил этган жадидларнинг миллий уйғониш ҳаракати намояндалари сифатида шаклланиши осон кечмади.

Русия мустабидлари, мустамлакачилар, халқни,

¹ Ҳ.З.Зиёев. Жадидчилик: ислохот, янгилаш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 31-бет.

хурфикрлиларни зулм билан маҳв этиб келдилар. Қанчалик қийин шароит бўлмасин, жадидлар, ўқув тизимини ислоҳ қилиш, янги мактаблар очиш, халқни маърифатлаштиришга қаратилган дастур билан чиқишлари, жадид мактаби, жадид матбуоти, жадид адабиёти ва жадид театрига пойдевор қўйишлари, уларнинг улкан фуқаролик жасоратларидир.¹

Самарқандлик муфти Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистоннинг энг машхур кишиларидан эди. Бехбудийнинг муборак номи ва илмий асарлари Туркистондагина эмас, Кавказ, Волгабўйи халқлари, мусулмон мамлакатларига ҳам ёйилган.

У «Бехбудий» номли нашриёт ташкил этиб, унда ўзбек тилида дарсликлар босиб чиқаради. 1913 йилнинг апрелида «Самарқанд» газетасини, августда эса «Ойна» журналинини чиқаришга киришди.

Бехбудий Россиянинг саноат марказларига ва Яқин Шарқ мамлакатларига борди.

Фавқулудда қобилият ва истеъдодга эга бўлган сиймо Абдурауф Фитрат Бухорода ташкил этилган «Тарбияи атфол» жамиятининг саъй-ҳаракати билан Туркияга таҳсил олгани борди. У Туркияда бўлганида «Иттиҳод ва тараққий» ташкилотига аъзо бўлди, ватанига қайтганидан сўнг ҳам бу ташкилотдан алоқасини узмади, унинг тажрибасидан фойдаланди.²

Фитратнинг Бухоро амирлигидаги сиёсий, ижтимоий ва маданий муҳитни ўзгартириш зарурлигини англаш салоҳияти унинг ўзбек жадидчилик ҳаракатининг дастури бўлиб хизмат қилган «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи баёноти» сингари асарларини ёзишига имконият яратди.

Мазкур асарлар Туркияда чоп этилиб, яширин равишда Бухорода тарқатилди, улар бухоролик ёшларнинг дунёқарашида инқилобий ўзгаришларни юзага келтирди. Жадидлар тажриба орттириб ўз сафларини кенгайтира бошладилар.

Жадидчилик XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда ҳукм сурган қолоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган халқларни маърифатлаштириш, ислохотлар ўтказиш, миллий мустақиллик ғояларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган ҳаракат сифатида, тарихий вазият тақозоси билан

¹ Юкоридаги асар. 32-бет.

² Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 32-бет.

вужудга келди.

Бу ҳаракат аср бошларида, 1917 йил Февраль инқилобигача дастлабки босқичда, миллий озодлик ҳаракати сифатида узил-кесил расмийлашди.

Феврал инқилоби, чор ҳокимиятининг фалажланиши билан сиёсий мақсади – мустақил давлатни барпо этиш ғоясини амалга оширишга киришди.

Халқ оммасини ҳали уйғота олмаганлиги сабабли, мустақил ўзбек давлатини барпо этиш режаси рўёбга чиқмади. Туркистон мухториятини шўролар давлати тетапоя давридаёқ мажақлаб ташлади.

Мунаввар Қори Абдурашидхонов фикрича, жадидлар мустамлакачиларни Туркистон сарҳадидан буткул чиқариб, Туркистон халқлари ҳаётини тубдан ўзгартириб, мустақил ўзбек давлатини барпо қилмоқчи бўлдилар.

Дарҳақиқат, Туркистондаги француз разведкачиси майор Лякостанинг 1906 йилдаёқ «Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ сиёсий куч социал демократлар (большевик ва меньшевиклар) ёки социал инқилобчилар (эсерлар) ё кадет ва либераллар эмас, балки ўзбек жадидларидир»,¹ деб ёзиши бежиз эмас эди.

Тарихчи Д.Алимова фикрича, 1917 йилдан жадидлар учун мустақиллик ва мухторият, ё ҳаёт, ё мамот муаммосига айланди ва жадал сиёсий жанглار бошланди.² Улар ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ танқид остига олдилар ва Туркистоннинг Россия таркибида миллий ҳудудий мухторият олиши учун астойдил ҳаракат қилишга интилдилар.

Бу курашда бошқарувнинг пойдевори сифатида республика шакли танлаб бўлинди.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган, конституцион жиҳатдан кафолатланадиган демократик жамиятни шакллантириш устувор мақсад қилиб белгиланди.

Тарихчи Д.Алимованинг эътирофича, жадидчиликнинг феномени шундаки, кейинги уч аср ичида бу ҳаракат биринчи бўлиб, миллий давлатчилик куришга уринди, ягона мустақил Туркистон

¹ Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 40-бет.

² Д.Алимова. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996 йил 7 июнь, 23-сон.

ўқун курашди ва у миллий мустақиллик ғоясига асос солиди, уйқудаги Шарқий уйғотишга ва ҳаракатланишга, озодлик, миллий ғурур, ўз буюк аجدодлари, бой маданияти ва умуман мустамлака тузумининг тийиқи остида унутилган барча қадриятларни хотирлашга ундади. Жадидлар таълимоти ўз замонасининг ҳақиқий таълимоти эди. Чунки, у нафақат тараққийпарвар шахслар, балки фикрловчи ёшларни, зиёлиларни ўз изидан эргаштира олди.

Файзулла Хўжаевнинг таъкидича, жадидчилик Туркистонга нисбатан Бухорода кечроқ юзага келган бўлса-да, халқ ҳаётидаги оғир муҳит унинг тараққиётини тезлаштирди ва бу ҳаракат 1915 йилдан бошлаб маданиятдан сиёсатга қараб юз бурди.

Жадидчилик ҳаракатида орқага йўл йўқ эди: у маърифатчилик ва тор доирадаги маданийлаштиришдан иш бошлаб, сиёсий ҳаракатга айланди, ўз олдига жамиятни қайта қуришдек вазифани қўйди.

Жадидчилик Татаристонда «Мусулмон иттифоқи», Туркистонда «Шўрон исломия», Бухорода «Ёш бухороликлар» – инқилобчилар партиясини юзага келтирди. «Ёш бухороликлар» дастурида асосий ўрин тутган ғоя Бухорода ғарб намунасидаги капитализм ва демократияни ривожлантириш эди. Файзулла Хўжаев ҳам шу ғояларга хайрихоҳ эди.

Жадид ташкилотларининг мақсадлари кенгайиб, сиёсийлашуви сабаби иккита эди:

- биринчидан, 1914-1915 йилларда жадидчилик бошидан кечирган инқироз – гуруҳларнинг пайдо бўлиши ва янги усул мактабининг беркитилиш ҳоллари, ҳокимиятдаги парокандалик;

- иккинчидан, жадидчилик ҳаракатига хорижда ўқиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар ҳаракатлар таърибасини ўрганиб қайтган, ёш кучларнинг келиб қўшилиши. Улар ҳокимият олдига сиёсий талаблар қўйдилар. Булар солиқларни камайтириш, амалдорлар зулминини чеклаш, деҳқонлар ҳаётини енгилаштириш каби иқтисодий-сиёсий талаблар эди. Жадидлар икки оқимга – эскича фикрлайдиган ва Фитрат бошчилигидаги ёшларга ажралди.

Профессор Бегали Қосимов бу давр хусусиятларини ўрганиб, шундай хулосага келади: «Туркистонни саводли ва маърифатли, тўқ ва фаровон, озод ва обод ватанга айлантириш, биринчи навбатда мустақилликка эришиш, мустамлакачилик исканжасидан халос

бўлиш жади́дчи́лик ҳаракатининг асосий мақсад - вазифасини ташкил қилар эди».¹

Туркистонда Россия Февраль-буржуа инқилоби бўлмасдан илгарироқ 1916 йилда дастлаб Жиззах қўзғолони бўлиб ўтди. Жиззах воқеаси жади́длар кўзини очди. Уларнинг Бухоро амирига ва оқ подшога бўлган ишончини йўққа чиқарди. «Унинг кўзи очилишида 1916 йилги миллий қўзғолоннинг аҳамияти катта бўлди. Туркистон мусулмонларининг ҳам кўзларини очиб, билмажбур ҳурриятчилар қаторина киритди».²

Туркистон жади́длари оталари Беҳбудий, Мунаввар Қори рус тузумига, унинг мустамлакачилигига ашаддий қарши эдилар. Аҳмад Заки Валидийнинг ёзишича, Беҳбудий большевикларга ёт кўз билан қараб келган ва уларга нисбатан ёмон муносабатда бўлган.

“Миллат нима?” деган саволга қадимги юнон файласуфи Демокрит «ҳар бир мамлакатнинг ягона соҳиби» дея жавоб берган. Алишер Навоийни замондошлари «фахрул - миллат», «зайнул - миллат», «нурул - миллат» сифатлари билан тавсиф этганлар.

Ғоя нима? Исмоилбек Ғаспирали 1895 йилда ёзган мақолаларидан бирини «Ғоя» деб атаган эди. Унингча, халқлар ҳаётидаги барча буюк воқеаларнинг замирида муайян ғоя ётади. Энг улуғ кашфиётлар, аввало улар ҳақидаги орзу-ниятлардан бошланган.³

Миллий ғоя жади́длар фикрича, икки шартни тақозо этади: Профессор Б.Қосимов буни шундай изоҳлайди:

1. Ғоя миллатнинг туб, асл эҳтиёжларидан, туриш-турмушидан, асрий анъаналаридан, ўзлигидан ва табиийки, тафаккуридан келиб чиқади.

2. Ғоя миллат томонидан англашилиши, ҳис қилиниши, халқ онига жойлашиб, унинг юрагидаги ўтга айланмоғи, унда сўнгсиз иштиёқ ҳосил қилмоғи зарур.

Миллий эҳтиёжни англовчи миллат зиёлиси, жади́длар фикрича, «Миллий ахлоқ ва тарбия эгаси» бўлмоғи керак.

Жади́длар фаолияти ҳақиқий маданий фидойилик эди. «Таржимон» газетасининг 1884 йил 14-сонида шундай ёзилган:

¹ Б.Қосимов. Жади́дчи́лик, Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Т., 1993, 21-22-бетлар.

² Б.Қосимов. Жади́дчи́лик, - Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари. Т., 1993, 38-бет.

³ Б.Қосимов. Жади́длар ва миллий мафкура, «Тафаккур», 2000, № 3. 30-бет.

«Агар бизнинг орамизда яхши одамлар бўлсалар, бошлаб мактаб муаллимларидир. Агар бизда фойдали одамлар бўлсалар, булар ҳам улардир. Агар орамизда ўзига ҳеч бир ҳурмат, мактов, шуҳрат талаб этмай, бутун ғайратини ўқув тарбия ишига, ҳақиқат йўлига сарф этган кишилар бўлсалар, булар ҳам муаллимлардир...»¹

«Таржимон» газетасининг 1906 йил 39-сонида илм олиш, саводхон бўлиш, хорижий тил ўрганиш ҳақида шундай фикрлар айтилади: «Фуқарои Исломи сизлардан мол истамас, ош истамас. Дин – «Қуръон»дан, жон – Худодан», – деб ёзган эди Исмоилбек Бухоро ва Хива хонларига қилган хитобасида. Сиз давлатлик хонлардан аҳолига эҳсон этиладиган нарсалар наشري маорифга, тараққиёт ва камолотга омил бўлувчи олий даражалик маориф мактабларидир. Қўхна мадрасалари кўп Бухорои Шарифда ва Хивада энди бирор дорулфунуни ислония таъсис этмоқ лозим. Бу дорулфунунларга бир даража илм олган талаба қабул қилиниб, тарих, жуғрофия, кимё, ҳандаса, илми ҳуқуқ, усули идораи давлат, илми иқтисод ва бошқа фанлар, туркий, форсий, русий ва франсавий тиллар ўргатилса... Ушбу дорулфунунларда муаллим ва мударрислик қила оладиган аҳли камол бор».

Жадидлар миллат тараққиётини, уни сақлаб қолиш кафолатини миллийликда деб билдилар. «Миллият фикрига, бу азим қувватга ҳеч бир куч бас кела олмайди, – деб ёзган эди Юсуф Оқчура. – Юз мингларча ҳайбатли қўшин бу фикр қаршисида енгилди. Миллият аталмиш бу буюк қудратга бутун тўп ва милтиқ бас кела олмайди...»²

Миллат бирликни, бирлик лисоний, ирқий, диний тушунчаларни ифода этган. Миллатнинг уйғониши, ўз-ўзини англашида муҳим ўрин тутган.

Адабиётшунос О.Шарафиддинов миллатпарвар, миллат уйғонишига ҳисса қўшган жадидлар ҳақида шундай дейди: «Жадидлар ичида миллатнинг равнақи йўлида чинакамига жонбозлик кўрсатиб, ўз маблағи ҳисобидан мактаблар қурган, дарсликлар ёзган, болаларни бепул ўқитган, босмаҳоналар қуриб, газета-журналлар чиқарган, китоблар чоп этган, турли тўғарақлар

¹ Б.Қосимов. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 104-105-бетлар.

² Б.Қосимов. Жадидлар ва миллий мафкура. «Тафаккур», 2000, 3-сон, 32-бет.

40344

ташкил этиб, маърифат таркатган фидойи инсонлар кўп эди».

Бу чор ҳукуматининг маориф ва ижтимоий соҳада исломни бузиш, ерли халқни руслаштириш ишларига жавоб эди. Ўлкада кўпаяётган рус-тузем мактабларига бўлган муносабат маҳаллий зиёлилар орасида икки хил эди:

1. Жадиждларнинг муайян қисми уни қўллаб-қувватлардилар.

2. И.Ғаспирали, З.Валидий, М.Чўқаев кабилар рад этдилар.

Исмоилбек Ғаспирали бошлаб берган замонавий усули жадижд мактабларига мустамлака ҳукумати қаттиқ қарши турди. Шуларга қарамай маҳаллий зиёлиларнинг жасоратлари туфайли янги мактаблар очилаверди.

Мустамлакачилар Туркистоннинг бойликларини ўзлаштириш, тили ва маданиятини йўқ қилишнинггина эмас, халқни ҳар томонлама эзиб, сўнг уни ўз таркибига сингдириб юборишни мўлжаллаган эдилар.

Бу зўравонликка қарши 1904-1907 йилларда Самарқанд вилоятининг қишлоқларида Намоз Пиримқул ўғли бош бўлган озодлик ҳаракати авж олди.

1904 йилда Тошкентда Абдулла Авлоний етакчилигидаги яширин «жадиждлар гуруҳи» иш бошлади.



1909 йилнинг 12 майида Тошҳожигу Тўғқобоев, Низомқори Мулла Хусанов, Мулла Абдулла Авлонов, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Мулла Башрулла Асатуллаҳўжаев муассислигида 41 моддалик Низомга эга бўлган «Жамияти хайрия» ташкил топади. 1910 йилнинг 2 декабрида Бухорода мударрис Ҳожигу Рафиъ, Мирзо Абдулвоҳид, Ҳамидхўжа Меҳри, Аҳмаджон Маҳдум, Усмон Хўжаевлар «Тарбияти атфол» жамиятини туздилар.³ Ҳар икки гуруҳ ҳам Туркистонлик ёшларни хорижга ўқишга юбориш ва миллатни уйғотишга фаол ҳаракат бошладилар.

Шу билан бирга «Умид» (Тошкент), «Зарафшон» (Самарқанд), «Ғайрат» (Қўқон) ширкатлари, «Бехбудия» (Самарқанд) кутубхонаси, «Исҳоқия» (Наманган) матбааси иш бошлади.

Туркистон генерал-губернаторлиги ўлкада мустамлакачиликни қучайтириш, моддий бойликларни ўзлаштиришни режалаштириб,

¹ Ўша журнал, 77-бет.

³ Б.Қосимов. Жадиждчилик ва озодликнинг қишлоқдаги тарқалиши, мустамлакачилик ва тараққиётнинг қишлоқдаги тарқалиши. 108-бетлар.



тафтиш ўтказди.

Маҳаллий халқнинг серҳосил ерларини русларга тортиб олиб бериш қонунлаштирилди. Жадидлар шундай оғир, мураккаб шароитда сиёсий мустақилликни қўлга олиш мақсади билан иш юритдилар. 1913 йилда «Турон», 1917 йилда «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо» жамиятлари партия даражасига ўсиб чиқмаса-да, сиёсий фаол эди.

Истисносиз айтиш керак, 1917 йилги Туркистон мухториятининг ташкил топиши, 1920 йилда Бухоро ва Хоразм халқ жумҳуриятлари жадидларнинг сиёсий фаолияти самараси сифатида майдонга келди.

Чор ҳукумати 1905 йил 17 октябрда Русияда юз берган инқилобий воқеалар муносабати билан Манифест эълон қилиб, халққа демократик эркинликлар беришга мажбур бўлган эди. Туркистон жадидлари бундан фойдаландилар. Маданий уюшмалар тузилди. 1906 йилнинг 27 июнида «Тараққий» газетаси чиқди. «Бу газета тез фурсатда шундай шухрат қозондиким, – деб ёзади Абдулла Авлоний, – ҳатто газета муҳаррири бўлган Исмоил Обидийга «Тараққий» исми берилди. Ҳозиргача халқ Исмоил Обидийнинг исмини «Тараққий» деб юритадир».¹

1906 йилда Тошкентда Мунаввар Қори иккинчи муҳим газета «Хуршид»ни чиқаради. Шунингдек, «Тужжор», «Осиё» газеталари чиқа бошлади.

Жадид газета ва журналларида Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Тавалло, Хислат, Мирмулла, Абдулла Қодирий, Иброҳим Даврон, Ҳамза, Чўлпон каби машҳур ёзувчи, шоир, драматург ва бошқа арбобларнинг асарлари босилиб турди.

Жадидлар мазкур асарларида Туркистон аҳлини миллий уйғонишга, рус мустамлакаси истибдодига қарши курашга чақирдилар, халқни оёққа туришга чорладилар. Эрк ва миллий озодликни қўладилар.

Жадидшуносларимиз 1910-йиллар бошида Туркистонда янги жадид адабиёти шаклланганлигини қайд этадилар. Хусусан, 1901 йилдан Мунаввар Қорининг «Адиби аввал», «Адиби соний», Сайидрасул Азизийнинг «Устози аввал», Алиасқар Ҳалининг

¹ Б.Қосимов. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 107-108-бетлар.

«Муаллими соний», Абдулла Авлониёнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», Рустамбек Юсуфбековнинг «Таълими аввал», «Таълими соний» каби дарслик ва дарслик-мажмуалари, шу жумладан, улардаги ихчам дидактик шеър ва хикоялар янги адабиётнинг шаклланишида илк тажрибалар вазифасини ўтаганини маълум қиладилар.¹

Махмудхўжа Бехбудийнинг «Падаркуш» (1911-1913 йиллар) драмаси ўзбек драма жанрини бошлаб берди. Публицистика тараққий этди. Унинг ривожига Бехбудий, Фитрат, Мунаввар Қорининг хизмати катта бўлди.

1916 йилнинг июлида оқпошшонинг Туркистон ўлкасидан 250 минг аҳолини мардикорликка олишга Фармон бериши Жиззах кўзғолонини келтириб чиқарди. Бу миллий озодлик ҳаракати эди.

«Мардикорлар кўзғолони» деб аталмиш 1916 йилдаги миллий озодлик кўзғолонида қурбонлар бениҳоя катта бўлган, миллиондан зиёд киши ҳалок бўлган. Туркистон аҳолисидан 673 минг киши ўлдирилган, 300 мингдан ортиқ аҳоли хорижга чиқиб кетган, эски Жиззах аёвсиз тўпга тутилиб, бутунлай ёндириб ташланган.²

1918 йилда Тошкентда Фитрат ташаббуси билан «Чигатой гуруҳи» адабий-маданий уюшмаси майдонга келди ва Чўлпон, Боту, Элбек, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий, Маннон Уйғур, Қаюм Рамазон каби фан ва маданиятнинг истеъодларни ўз атрофига тўплади.

Жадидлар миллий истиқлол ҳаракатининг ғоявий мафкурачилари сифатида тарих саҳнасига чиқдилар.

Қўқон мухториятининг тор-мор қилиниши, шаҳарнинг кули қўқка совурилиши, уч кун давомида ўн мингга яқин одамнинг ўлдирилиши, ўн минглаб одамларнинг бошпанасиз, озиқ-овқат, кийим-кечаксиз қолиши большевикларнинг, қизил империянинг хуружи эди.

Туркистон мухторияти ҳукуматининг раиси Мустафо Чўқай хотираларида ёзганидек, ҳукумат аъзоларидан «Носирхон Тўра Наманганда, Герцфельд Самарқандда, Убайдуллахўжа Ашхабод – Самарқанд йўлида, Обиджон Бухорода, Шоаҳмадбек эса Қўқон кўрғони ичида экан, большевиклар қўлига тушиб қолган эдилар».³

¹ Юқоридаги асар, 109-бет.

² Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент, «Шарқ», 2000 йил, 424-425-бетлар

³ Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари. Тошкент. 1992 йил, 49-бет.

Бирок Туркистон мухторияти ҳукуматининг халқ маорифи вазири, Намангандаги “Шўрои Исломия” ташкилотининг раҳбари Носирхон Тўра Камолхонтўраев, ҳукумат хазиначиси Саидносир Мирхалилов, Туркистон Миллат мажлиси аъзоларидан Олимхон Тўра Шокирхонтўраев ва ташкилот муфтиси Садриддин Шарифхўжаев каби юқори лавозимдаги кишилар истиқлолчилар билан алоқа ўрнатишди.

Улар Фарғона водийсидаги аҳоли орасида ва кўрбошилардан Шермухаммадбек, Раҳмонкул, Парпи йигитларининг ичида бўлиб, мужоҳидларни совет ҳокимиятига қарши курашга сафарбар қилишда муҳим роль ўйнадилар.

1920 йилнинг кузида ёш бухоролик жадидлар Файзулла Хўжаев бошчилигида «Миллий иттиҳод» ташкилотини тузган эдилар.

Ташкилотнинг асосий мақсади Бухоро жумҳурияти ва Туркистонни «советлаштириш - руслаштириш» таъсиридан сақлаб қолиш, чин маънодаги мустақиллик ва истиқлолга эришиш эди.

Ташкилотда жадид йўлбошчилари Файзулла Хўжаев, Отаулла Хўжаев, Фитрат, Муинжон Аминов, Мукомил Бурҳонов, Ибод Хўжаев ва бошқалар фаол иш юритганлар.

Бухоро ҳукуматининг раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжаев, Абдулқодир Муҳиддинов, жадид етакчиси Аҳмад Заки Валидий билан маслаҳатли иш кўрадилар.

Заки Валидийнинг ёзишича, туркий халқларнинг бу уч буюк сиймоси Туркистон озодлиги ва бирлиги учун курашнинг уч қутбида туриб, фаолият олиб боришларига тўғри келади. Уларнинг ҳаёт шами дунёнинг турли манзилларида сўнди. Лекин, уларни бирлаштирган ягона ғоя бу – ота юрт Туркистон мустақиллиги ғояси эди.¹

Валидий 1921 йили «Эрк» партиясининг дастурида, жадид тараққийпарварлари нима ишларни амалга оширишлари ҳақида шундай дейди: «Ўз миллий маданиятига эга бўлиб, мустақил миллат сифатида яшаш – ҳаётнинг асоси бўлмоғи керак. Бу эса барча миллатларнинг орзусидир. Мақсадимиз Туркистонни мустақил қилиб, миллий ҳукумат тузишдан иборат. Миллат, тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одатлар бирлигига асосланади.

¹ Қ.Қ.Ражабов. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 179-бет.

«Босмачилик» тамғаси билан миллатимиз «душманларига» айланган миллий озодлик ҳаракатининг фидойи жангчилари — фарғоналик кўрбошилар Шермухаммадбек, Парпибек, самарқандлик Очилбек, Баҳромбек, Қорақулбек, ўратепалик Холбўтабеклар «элни таловчи, босқинчи» эмасликларини, балки ўз ватанига содиқ, фидойи, дунё аҳволидан воқиф кишилар эканликларини айтади.¹

Миллий-озодлик ҳаракатининг характери айрим мутаассиб рухонийларнинг амаллари оқибатида, ислом ғоялари билан чекланиб қолди.

Шўро тарихшунослиги жадиदчилик ҳаракатининг қарийб ярим асрга яқин маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, миллий озодлик ва истиқлол жабҳасида юритган кўп қиррали унумли фаолиятини бузиб талқин этиб келди.

Жадиदчиликнинг асл моҳияти қаттиқ танқид остига олинди. Аслида-чи, жадидчилик умуммиллат, умуминсоний манфаатлар ва тараққиёт муштараклигини ҳимоя этган ҳаракат эди.

Жадидларнинг бир қисми, таъкиб ва қатағонликдан қочди, хорижга чиқиб кетди. Иккинчи қисми комфирқа сафига ва шўро ҳукумати таркибига қўшилиб, миллат ва Ватан манфаатини ҳимоя қилишга бел боғлади. Беҳбудий ва унинг шериклари Шаҳрисабзда ушланиб, Қаршида Бухоро амирининг одамлари томонидан қатл этилиши жадидлар учун катта йўқотиш бўлди. Беҳбудий вафотидан кейин Мунаввар Қори жадидчилик ҳаракатининг раҳбарига айланди².

Тарихчи олим С.Холбоевнинг ёзишича, Мунаввар Қори шўро ҳокимияти даврида ҳам истиқлол учун курашишни тўхтатмади «Иттиҳоди тараққиёт», «Миллий иттиҳод», «Миллий истиқлол» номли яширин ташкилотларга бош-қош бўлди. Бу уч ном, яширин ташкилотнинг номи ўзгариб турди. Ташкилотнинг асосий мақсади мустақил Туркистон эди. Мунаввар Қорининг энг ишонган шогирдлари Лазиз Азизода, Салимхон Тиллахонов ва Ғофуржон Мусахонов эдилар.³

Лазиз Азизода устози Мунаввар Қорининг сиёсий фаолияти

¹ Қ.Ражабов. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 182-бет.

² Қ.Ражабов. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 202-бет.

³ С.Холбоев. Юқоридаги асар, 206-бет.

хақида шундай дейди: «У яширин ташкилотнинг яккаю ягона раҳбари, теран ақллик мафкурачиси, илҳомлантирувчи, стратег, уста дипломат ва бошқа шу каби жуда ижобий фазилатли киши ҳисобланади. Унинг ақл-заковати ҳар доим ҳиссиётдан устун бўлган. Шунинг учун ҳам у ўз ҳаракатида камдан-кам хатоликка йўл қўяди. Агар Мунаввар Қори ташкилотга раҳбар бўлмаганида, у бу қадар муваффақиятларга эриша олмас эди».¹

У.Хўжаев «шўро ҳокимияти ўзининг биринчи ўн йиллигига бормасданоқ албатта Оврупо буржуазияси билан тўқнашувда ҳалок бўлади, агар биринчи ўнйилликда у ҳарбий тўқнашувга дучор бўлмаса, аҳвол анча қийинлашади», – деб ёзган эди.

Бу кийин жараён 70 йилга чўзилди. Шунинг учун ҳам жадидлар «Босмачилик уруши»ни ягона қўмондонликка бўйсундиришга ва унга ғоявий, ташкилий раҳбарлик қилишга ҳаракат қилдилар.

Уларнинг баъзилари кўрбоши, бошқалари маслаҳатчи ёки бу курашга раҳбар бўлдилар. «Миллий истиқлол»нинг йирик намоянда ва раҳбарлари Мунаввар Қори, Усмонхўжа Тўхтаҳўжаев, Исроилжон Ибрагимов, Обид Саидов, Тангрикул Мақсудов, Зайнитдин Қори Насритдинов, Абдуллаҳожи Ғофуров бевосита кўрбошиларнинг йиғилиш ва қурултойларида, қароргоҳларида сиёсий раҳбар, маслаҳатчи ва алоқа боғловчи бўлиб хизмат қилдилар.²

Жадидлар Ўзбекистонда миллий руҳ ва миллий ғояга катта эътибор қаратадилар. Мунаввар Қорининг айтишича, миллий чегараланиш миллатчилик майлларининг кучайишига туртки бўлган.

20-йиллардаги шоиру ёзувчилар, матбуот ходимлари, бошқа зиёлилар асосини жадидлар ташкил этди. Бу давр адабиёти ва дарсликларда миллийлик ва миллий руҳ кучли бўлди. Кейинчалик комфирқа томонидан жадид зиёлилари шу туфайли қатағон қилинди.

Коммунистик мафкура давлат тўнтариши ясаб, ҳокимиятни қўлга киритган, «онангдан, отангдан тонасан», «Ўтмиш тарихинг, ўзлигинг, тилинг ва дини-диёнатингдан тонасан» деган мустамлакачилик сиёсатини олиб борди.

Олима Д.Алимова жадидлар назарда тутган миллий ғоя ҳақида шундай ёзади: «Қолоқлик ва консерватизм билан кураш,

¹ Юқоридаги асар, 207-бет.

² Д.Алимова. «Жадидчилик: ислохот, янгиликлар, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш». 207-бет.

миллийликни саклаган ҳолда ҳамма соҳаларда маориф, маданият ва санъатнинг янги турларини, янги ҳаётий қарашларни жорий этиш, аҳолига тарихий онгни сингдириш каби ислоҳотларни ўтказиш, Бехбудий, Чўлпон, Авлоний, Фитрат ва бошқа жадидлар миллий ғоясининг ўзаги халқни бирлаштириш ғояси эди.

Бехбудий шундай ёзган эди: «Агар биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бугундан ислоҳотга, иттифоққа қадам қўйсак, зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламоларимиз бирлашиб, дин ва миллат, Ватан ривожини учун хизмат этсак, шунда биз бошқаларга қарам бўлмаймиз».¹

Дарҳақиқат, жадидлар илгари сурган ғоялар Ватан ва Миллат тақдири билан боғланган эди.

Улар мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган халқ оmmasининг оғир ижтимоий аҳволи ва Туркистоннинг иқтисодий тараққий этган мамлакатлардан анча орқада қолиши сабабларини тушунган ҳолда, уни маърифатга ундадилар, ислоҳотларга бошладилар.

О.Шарафиддинов «мафкура» ва жадид адабиёти ҳақида тўхталар экан, «Аслида, тузукроқ ўйлаб кўрилса, «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» ҳам ва ҳатто «Обид кетмон» ҳам жадид адабиётига мансуб асарлар деган хулосага келиш мумкин эди», – деб ёзади, бу бежиз эмас. Улар адабиётнинг мўъжизавий қудратига ишонган, унинг воситасида ҳаётни ўзгартириш мумкинлигига шубҳа қилмаган чинакам романтиклар эдилар. Шу сабаб жадидлар миллат ҳаёти масаласини ўз асарларида кўтариб чиқдилар. Миллий озодлик масаласи улар орасида энг муҳими эди.

Фитрат мақолаларида халқнинг миллий онгини уйғотишни истади, унга ўзлигини танитмоқни орзу қилади. У Россия давлатининг шовинистик сиёсатини фош этиб, мустамлакачиликни кескин рад этади. «Шарқ сиёсати» мақоласида ёзади: «Уларнинг тилаклари бизга маданият олиб келиб, бизда маориф тарқатиш, бизни тараққий эттириш эмас, фоҳишахоналар, майхоналар очиб, бизнинг ахлоқимизни бузмоқ, бизнинг соғлиғимизни қуритиб, бизни ишдан чиқармоқ ва қўлларига муҳтож қилиб қўймоқдир. Улар Шарқ халқини бутун йўқ қилиб, Шарқни ўзларига моя қилмоқчидурлар».²

¹ Д.Алимова. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 197-бет.

² Фитрат. «Шарқ сиёсати» мақоласи.

Чўлпон ҳам мустамлакачилик сиёсатини фош этади. Унинг асарлари умумтурк халқининг миллий озодлик ҳаракатига бағишланди.

20-йилларда жадидларимиз томонидан яратилган ўнлаб драматик асарлар миллий театрнинг мислсиз ривожини вужудга келтирди ва бу йиллар маънавий ҳаётининг узвий қисмига айланди. Бу драматургиянинг фаол намоёндалари Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва Ҳамза Ҳакимзодалар бўлган эди.

Мунаққид О.Шарафиддинов Абдурауф Фитратнинг «Темур сағанаси», «Абулфайзхон», «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари», «Арслон» каби фожеа ва драмалари аксилмустамлакачилик руҳи билан суғорилганлигини эътироф этди. Чиндан ҳам шонли ўтмишнинг қаламга олинishi, Темур образининг, юрт мустақиллиги учун курашган адабиёт ва санъатга катта аҳамият берган давлат арбоби образининг яратилиши бунга ёрқин далилдир.

«Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилолчилари» ҳинд халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши курашини кўрсатса-да, аслида Фитрат у орқали ўз юртини, Шўро мафкурасини қабул қилмаган эрқпарвар Туркистонни қаламга олган эди.

Чўлпон жадид драматургиясига улкан ҳисса қўшди. У «Ёрқиной» драмасида эрк ва адолатни мадҳ этиб, зўравонликни, адолатсизликни қоралади.

Ҳамза «Фарғона фожеалари», «Мухторият» драмаларида жадидлар образини яратди.

А.Қодирий жадид прозасига – янги ўзбек насрига асос солди. «Ўткан кунлар» ўзбек адабиётидагина эмас, Ўрта Осиё халқлари ҳаётида ёрқин саҳифа очди. Асар бош қаҳрамони Отабек XIX аср Туркистонининг шунчаки бир кўзи очиқ пешқадам вакили эмас, жадидларимизнинг шижоатини, инсон ҳақидаги орзуларини ифода этувчи тимсол эди.

Иккинчи томондан жадидлар фаолияти Туркистон халқининг кўзини очишга, унинг онгини оширишга қаратилган фаол ҳаракат эди. «На рус мустамлакачиларнинг, на маҳаллий уламоларнинг халқни хатли-саводли ва билимли қилишдан манфаатдор эканликларини кўрган жадидлар бу ҳар иккала кучнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, янги мактаблар очиб, уларда И.Ғаспиралининг «Усули жадида» мактабида бўлганидек, исломий илмлардан, тарих,

тиббиёт, наботот, кимё, жуғрофия каби дунёвий фанларни ўқитишга алоҳида эътибор бердилар.

Жадидларнинг халққа маърифат олиб киришга қаратилган бу ҳаракатлари ўша давр учун катта жасорат эди».¹

Абдулла Авлоний ўз таржимаи ҳолида алоҳида таъкидлаганидек «биринчи навбатда қора халқни оқартирмоқ ва кўзини очмоқ чорасига киришган эди».

Жадидлар «Усули савтия» мактаблари орқали халқни саводли қилиш, унинг онгини ошириш ва маърифатлашган, тараққийлашган халқ ёрдами билан мустамлака кишанларини парчалаш вазифасини ўз олдларига қўйдилар.

Мунаввар Қорининг: «Чор ҳукуматини йўқотиш жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки, биз жадид мактаби очиш билан дўконда ўлтириб, насия ёзадурғон ходимлар етказсак...», деган маълум ва машҳур эътирофини эсга олайлик.

Жадидчиликнинг XX аср бошидаги миллий уйғонишда ўйнаган роли ва тутган ўрни ҳақидаги фикрларни шундай аташ мумкин. Жадидчилик асосан халқни маърифатга чақиришга, у орқали ўзликни англаган миллатни уйғотишга, унинг воситасида истиклолни эгаллашга йўналтирилган эди.

Маърифатчиликдан жадидчилик ўсиб чиқди ва у сиёсий масалаларни олға суришгача кўтарилди. Янги таълим-тарбия, янги мактаб, янги маориф, уни бошқариш, маданий тарғибот, ташкилотчилик масалалари улар фаолиятининг муҳим қисмини ташкил қилди. Янгиликларга асосланган, лекин ҳам рус, ҳам эски феодал маорифидан фарқ қилувчи фикр-ғоялар олдинга сурилди ва улар маҳаллий матбуот, бадиий асарлар, турли китоблар орқали кенг тарғиб этилди. Бу мутахассисларимиз таъкидлаганидек, мустамлакачиликка қарши кураш, мустақилликка интилиш, халқ онгини ошириш ва уни миллий уйғотишга қаратилган ҳаракат эди.²

Туркистон жадидлари Русия ва Қрим билан яқин алоқа ўрнатиб, маърифий ишларни амалга оширдилар. Биргина Бехбудийнинг ўзи 300 дан зиёд мақола эълон қилди. М.Шермухаммедов эса 1914

¹ Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1999.

² Қаранг: Маънавият юлдузлари. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Т., 1999, 321-бет.

йилнинг ўзидаёқ юзга яқин мақола билан чиқди.

Мунаввар Қори, Авлониё, Ҳамза, Чўлпон, Фитрат публицистикаси халқ сиёсий онгини оширди, жамият ҳаётига катта таъсир кўрсатди.

Ўзбек жадиदчилик ҳаракатининг икки раҳбари – Бехбудий ва Мунаввар Қори бир-бирларидан беҳабар ҳолда «Ҳақ олинур, берилмас!» деган шиор билан чиқиб, халқ оммасини Туркистон жумҳуриятини барпо этишга тайёрлаб бордилар.

Бехбудий «Ёшларга мурожаат»ида «Дин ва миллатга хизмат илм ва ақча билан бўлур» деб очиқ-ойдин айтди, ватандошларини бойишга ундади.

Авлониё «Жаҳолат» ва «Сафоҳат балоси», Ҳамза «Фақирлик нимадан ҳосил қилур», Мирмуҳсин Шермуҳаммедов «Динчилар ва тараққиётчилар» сингари мақолаларида халқнинг руҳий ва ақлий салоҳиятини бўғиб келган миллий муҳитдаги иллатларни фош этиб, унинг басират кўзларини очишга интилдилар.

Фитрат, Чўлпон ва бошқалар миллий уйғониш даври учун муҳим аҳамиятга молик масалаларни кўтариб чиқдилар.

Жадидлар миллатнинг бошқалар томонидан «ютилиши»нинг асосий сабабини илмсизликда кўрдилар. Шунинг учун янги мактаблар учун курашни Русия, Миср ва Туркияга талабалар юбориш билан қўшиб олиб бордилар. Давлат ва ҳукумат ишларига кадрлар етказиш учун Русияга, диний илмларни эгаллаш учун эса Мисрга талабалар юбориш масаласи улар оғзидан матбуот саҳифаларига кўчди.

Хуллас, жадидчилик, яъни миллий уйғониш ҳаракатининг пойдевор мақсади чор ҳукуматини 1905 йилги инқилобга ўхшаш оммавий ҳаракатлар ёрдамида ағдариб ташлаш ва ўлканинг мустақиллигига эришиш эди. Шу мақсадда жадидлар, биринчидан, янги типдаги мактаблар очиб ва бу мактаблар учун дарслик ҳамда қўлланмалар яратиб, халқ оммасини мактаб ва маориф билан ошно қилдилар. Иккинчидан, жадидлар халқни уйғотишда тарғибот ва ташвиқот ишларининг муҳимлигини ҳис этиб, «қора халқни оқартирмоқ ва кўзини очмоқ» мақсадида матбуот масалаларига ғоят катта эътибор бердилар. Авлониё ёзганидек: «Бу мақсадга эришмоқ учун газета чиқармоқни муносиб кўриб, уюшманинг ҳаракати билан ўзбек тилида газеталар чиқарилди».

Учинчидан, улар жадид адабиётини майдонга келтириб, ўз ғояларини шеърӣ, насрий ва драматик асарлар орқали халқ оммаси онгига етказишга интилдилар. Ниҳоят, тўртинчидан, шу даврда катта таъсир кучига эга бўлган жадид театри вужудга келди. Жадидчилик ҳаракати намояндалари ана шу тўрт жиҳатдан самарали фойдаланган ҳолда халқ оммаси орасига кириб бордилар.¹

Жадидлар чор ҳукумати ағдарилгандан кейин юзага келган имкониятдан фойдаланиб, ҳуррият ва эркинликни қўлга киритишга ҳар қанча уринишса-да, бу кишанларни парчалай олмадилар, чунки мустамлакачилар улардан кўра кучлироқ, ўз ғаразли мақсадлари йўлида шафқатсиз, ҳарбий ва моддий имкониятлар улар қўлида эди. Зўрлик билан ўрнатилган совет ҳокимиятининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатига қарши 5-6 йил давом этган шиддатли курашлар замирида ҳам айнан шу миллий ғоялар мавжуд эди. Туркистон халқларининг озодлиги, миллий манфаатларини талаб қилган неча минг қаҳрамонлар курашларда ҳалок бўлишди. Миллий ғоялар ўлмади, қатағон, азобу-хўрликлар халқимизни ўз аламларини ютишга, миллий манфаатлар ҳақида сўз очмасликка мажбур этди. Миллий ғоялар сўниб борди, ҳукмрон мафкура уларни мумкин қадар йўқ қилиш, унуттилиши учун барча чораларни кўрди, миллий манфаатлар, тилимиз, маданиятимиз оёқости қилинди, топталди ва хўрланди. Энг аянчлиси шундаки, бу ғоялардан мутлақо беҳабар катта бир авлод етишиб чикди. Лекин жадидларнинг қилган ишлари, илгари сурган ғоялари изсиз қолиб кетмади. Қоронғилик ортидан ёруғлик барибир келгани сингари мустақил ўзбек давлатини куриш ғояси 1991 йили амалга ошди.

¹ Н.Каримов. Аср бошларидаги ўзбек адабиёти. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. 15-16-бетлар.

XX АСР I ЧОРАГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА ИСТИҚЛОЛ ҲОЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади», – деб уқтириб келмоқда. «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий-маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз» – дейди.¹

Тарих хотираси, давлатимиз тарихини тиклаш, миллий ўзликни англаш, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди.

Тараққиётимизнинг гарови, шубҳасиз, миллатнинг, халқимизнинг ҳамжиҳатлигида зухур этади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир». Мафкурачи? «Миллий мафкура, ўзлигимизни, анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт».²

Тарихчи олима Д.Алимова жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ҳақида сўзлар экан: «Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, миллий ўзликни англашнинг ўсишига муҳим туртки бўлган ва миллий озодлик ғоясини шакллантириб, ўз фаолияти билан уни амалга оширишга уринган кучли прогрессив ҳаракат – жадидчилик бўлган. У жаҳондаги умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланиб, жамиятнинг пишиб етилган ривожланиш талаблари ва ўлка туб ерли аҳолисининг пишиб етилган зарур манфаатларига жавоб берарди», – дейди.³

Олима шундай фикрга келади: «Жадидларнинг диққат

¹ И.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». Т., «Ўзбекистон» 1997, 137-бет.

² И.Каримов. «Баркамол авлод орзуси» Т., «Шарқ» 1999 йил. 38-бет.

³ Д.Алимова. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 198-бет

марказида маданий мерос ва халқнинг ўз-ўзини англаши тўғрисидаги муҳим масалалар турган».

Адабиётшунос С.Қосимовнинг фикрича, XX аср бошларидаги ўзбек миллий жадид-маърифатпарварлик шеърияти салмоқли ўринга эга бўлган: «XX асрнинг бошида ўзбек тилида нашр этилган «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Осиё», «Турон», «Самарқанд» ва айниқса, «Туркистон вилоятининг газети», «Садойи Фарғона», «Садойи Туркистон», «Бухоройи шариф» газеталарида, шунингдек, «Ойина» журналарида маърифатпарвар – жадид шоирларининг шеърлари мунтазам босилиб турган. Юсуф Сарёмий, Васлий, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Ҳожи Муинларнинг шеърий тўпламлари чоп этилган. Сўфизода, Ҳамза, Хислат, Тавалло, Сидқий каби шоирларнинг шеърлари қўлма-қўл бўлган.

Фитрат шундай ёзади: «Оллоҳ инсонга энг буюк кудрат ва зўр қурол ато қилган. Инсон унинг ёрдамида оламни забт этиб, ўз итоатига киритмоғи мумкин эди. Бу кудрат ва қурол нима эди? Ақл!» У вақтда бундай фикр юритиш жасурлик эди.

Зеро, Аллоҳ бир сирли хазинадирки, у оламни яратди, унинг оламни яратишдан мақсади одамни яратиш эди. Бинобарин, шу боис у инсонни табатнинг гултожи деб эълон қилди. Оламда миллатлар кўпдир. Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Тавалло, Авлонийлар туркий халқларнинг, шу қавмнинг чинакам миллатпарварлари, виждони эдилар. А.Авлоний «Биз миллат», «Миллат ҳолидан бир яъс», «Ўз миллатидан рижойи ожизанам», «Миллат ҳолиндан бир нигор сўз», «Миллат ҳайкалига хитоб», «Миллатга хитоб», «Миллатга салом», шеърларида, Тавалло «Уёнмаз эрса миллат», «Миллат савдоси», «Кел, эй миллат», «Йиғла, миллат қон тўкуб», «Севинч хабар вера миллат», «Нечун миллат» шеърларида, Бехбудий «Ҳақ олинур, берилмас!», «Ёшларга мурожаат», Фитрат ва Чўлпон қатор асарларида миллат равнақи, унинг қолоқлиги сабабларини бартараф этиш масалаларини кўтарганлар.¹

Авлоний:

*Кўзларинг оч миллат, кўп замон гофил ётдинг,
Умринг ўтда ёнмоқда, қайғуга тоза ботдинг,
Кетди шону-шарафинг, мазор тошидек қотдинг.
Тавалло унга ҳамоҳанг:*

¹ Б.Қосимов. Гулистон, 1995 йил, 4-сон, 50-бет.

*Кел, эй миллат, қўзинг оч, сен ҳам оламни томошо қил,
Кўтар бошингни бидъат лойидин, ўзни мусаффо қил.
Тузуб ширкат, ўқутуб миллат ўглин хотирин эсо қил,
Ғаниматдур бу фурсат зарраи оламга парво қил, –*
дея халқни уйғотишга ҳаракат қилганлар.

Асрнинг илк ўн йилликларида жаҳид адабиётининг намояндалари, шоирлари миллий ўзликни англаш ҳақида талай китоблар яратдилар. Профессор Б.Қосимовнинг тадқиқ этишича, А.Авлонийнинг «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» (1909), Саидахмад Васлийнинг «Миллий шеърлар» (1912), Сидқий Хондайлиқийнинг «Тухфаи Шавкат» (1913), «Савғоти Шавкат» (1914), «Базми ишрат» (1914), Ҳожи Муиннинг «Гулдастаи адабиёт» (1914) китоблари янги ўзбек шеърятининг дастлабки намуналари эди.¹

А.Авлоний «Ойинайи ҳар миллат эрур тил - адабиёт» деб ёзади. Мирмуҳсин «шоирларимиз замонанинг лисони (тили)дур, қани замонага муносиб миллий шеърлар майдонга чиқсун!», деган фикрни илгари суради.

Шоир Баҳриддин Азизий сиёсий ташкилотлар тузишни, ўзаро иттифоқчиликни илгари сурса, Сиддиқий - Ажзий муайян иқтисодий назарияларни ўртага ташлайди.

Б.Қосимов «Бугина эмас, шеърят янги қурилажак давлат ва жамиятнинг сиёсий тузумидан ахлоқий турмушигача, иқтисодидан маданиятигача қизиқди. Хуллас, 10-йиллардаги янги ўзбек шеъряти, ижтимоий - сиёсий шеърятдир»,² – деган хулосага келди.

Таниқли адабиётшунос О.Шарафиддинов жаҳид зиёлиларининг аср бошларидаги саъй-ҳаракатларини кўзда тутиб, уларнинг маданий-маърифий соҳалардаги юмушлари ҳақида шундай фикрни илгари суради. Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Садриддин Айний, Сиддиқий- Ажзий, Сидқий Хондайлиқий, Тавалло ва бошқа кўплаб атоқли жаҳидлар Октябрь инқилобига қандай муносабатда эканликларидан қатъи назар, маданият ва маориф соҳасида самарали фаолиятларини давом эттирганлар. 20-йилларнинг биринчи ярмида улар ўнлаб янги мактаблар очадилар, бу мактаблар учун турли-туман қўлланмалар ва

¹ Б.Қосимов. Миллий тикланиш. 1999 йил, 23 февраль.

² Б.Қосимов. Жаҳидчилик: ислохот, янгилиниш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 114-бет

дарсликлар яратадилар, нашриётлар ташкил этадилар, газета ва журналлар чиқардилар, турли-туман маърифий-маданий тўғарақлар уюштирадилар.¹

С.Айнийнинг 1919 йилда ёзилган «Турон марши» шеърида Турон юрти ва миллатига қарата хитоб қилади:

Уён! Турон эли, уён!

Тўлқинланди бутун жаҳон!

Бошқаланди бутун даврон!

Бошқа даврон, бошқа замон!

Ухлама, юр, сайра жаҳон!

Ётасанми, жоҳил нодон?

Шеърнинг мазмунида шўровий белгилар эмас, жадидларга хос бўлган жаҳолат ва нодонликни рад этиш, миллатни асрий уйқудан уйғотиб, «бошқа даврон, бошқа замон»да жавлон уришга чақириқ мавжуд.

Миллий истиқлол ғояларини куйлаш ҳар бир шоирнинг муқаддас бурчи. Ҳамза шеърларида халқни фақат маърифатга чақириш билан кифояланмади, у энди Туркистоннинг сиёсий-ижтимоий аҳволини, мухторият ғояларини ўйлайди. У «Туркистон мухториятига» номли шеърида «Ислом давлати»ни бир санжоқ остида бирлашишга чақиради, аҳилликка, иттифоқликка ундайди. «Кутлуг бўлсин Туркистон мухторияти!» – дея ҳайқиради:

Келди муборак бизга янги бир замон

Янги давр кечирманг энди фил омон,

Ёд этмаки исмимиз тарихи жаҳон.

Аср бошларидаги шеърятнинг бош масаласи инсон эрки, миллатнинг озодлиги масаласи эди. Ўша шеърятда инсон ҳаётининг энг асосий муаммолари – ҳаёт-мамот масалалари кўтарилган.

Жадид адабиётининг етакчи жанри шеърятдир. Ўзбек мумтоз шеърятидан ҳам вазн, ҳам тил ва услуб, ҳам ғоявий жиҳатдан кескин фарқ қилган жадид шеърятти XX аср ўзбек адабиётининг янги йўналишда равнақ топишига тамал тошини қўйди.

Авлоний 1909-1917 йиллар давомида эълон қилган «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» деган шеърый тўпламларидаги шеър ва масаллари билан жадид

¹ Юқоридаги асар, 191-бет.

шеърятининг шаклланишига кучли туртки берди.

Авлоний «Миллатга хитоб» сингари ўнлаб шеърларида халқ кўшикларининг мусикий оҳангларида кенг фойдаланиб, ғафлат уйқусида ётган ватандошларини уйғотишга, ўзлигини танишга чорлайди:

Кўзларинг оч, эй миллат, кўп замон гофил ётдинг,

Умринг ўтда ёнмакда, қайғуга тоза ботдинг...

Шеърнинг нақорати хор томонидан айтилган:

Эй!... Токайгача ғафлат ичра ётамиз!

Келинг, ёшлар, жаҳолатга отамиз!

Авлоний, Ҳамза, Тавалло, Чўлпон каби жаҳид шоирлар даъват этувчи шеърлари билан халқ кўзидаги ғафлат пардасини олиб ташлаш, зулм кишанларини парчалашга уриндилар. Авлоний ва Ҳамза мажозий маънода гул тимсолидан фойдаланиш санъатини шеърятнинг мажозий қолипига жойладилар.

Гул тимсолида Авлоний аср бошидаги бечораҳол ва ғариб, зулмдан қайғуга тўлиб, кўзёш тўкаётган, бағри қон, юзи заъфарон ўзбек қиёфасини кўрди:

Хор алиндан бағри қон ўлмиш, бўянмиш қона гул,

Ғунча бағрин чок этуб, афғон қилур афсона гул...

Юздаги холи эмас, зolim тиконнинг ёраси,

Кеча-кундуз заҳми ғам бирлан бутун ўртона гул...

Субҳидамда юзлариндин мавжс уран шабнам эмас,

Хор зулминдин тўқар кўз ёшини дурдона гул...

Дилдаги қайғуларин кўрганмусиз, гул заъфарон,

Чок этуб гурбат яқосун кўрсатур инсона гул.¹

Ҳамза «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» ва «Гул» тўпламларига кирган шеърларида халқ ва юрт ҳаётидаги ачинарли томонларни шафқатсизлик билан очиб ташлади. «Рухсиз тандур, ханжар урса қони сочилмас» деб сўқир кўзларни очишга ундади. Ҳамза миллий шеърлари билан жаҳид шеърятини янги тараққиёт босқичига кўтарди.

Тавалло гимназия ва семинарияларга бормаи, илмсиз қолаётган ватандошларига қарата маломат тошларини отди:

Гимназу семнар бориб, таҳсил улуг этди ўқуб,

¹ Н.Каримов ва бошқалар. XX аср: Ўзбек адабиёти тарихи. 19-бет

Сизлар ҳамон замбил тўқиб, адрис ёзолмайсиз ҳануз.

Авлоний, Ҳамза, Тавалло, Сидқий Хондайлиқий, Камий, Тошқин каби жаҳид адабиёти намояндалари халқ турмуши яхши бўлиши учун илм олиши зарурлигини шеърлари орқали баён қилдилар.

Албатта, Таваллонинг «Миллий шеърлари» халқ оммасининг саводсиз қисмига қарата айтилгани сир эмас.

Чўлпон Февраль инқилобини Француз инқилобига қиёслади, у шу воқеликни шеърий услубда халққа етказди.

Худди шу ҳодиса Фитратнинг «Юрт қайғуси» номли сочмалар туркумида ҳам акс этди. Фитрат Амур Темур руҳиятидан истиқлол учун курашда нажот сўради.

Туркистон Мухториятини «Озод турк байрами» шеърида қуйлаган Чўлпон, шунингдек, Фитрат, Муҳаммад Саид сингари шоирлар «Кўк юзида кулган ойнинг чехрасида мотам бор. Юлдузларнинг чехрасида алам бўлди ошкор», деб мухториятнинг мағлубиятига мотам тутдилар. О.Шарафиддинов «Жаҳид поэзиясининг 20-йиллардаги равнақи, албатта Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон номи билан боғлиқдир» – деб ёзади.¹ 20-йилларда у «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари» деган китобларини эълон қилди. Унинг кўпгина шеърлари «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида, «Адабий парчалар», «Гўзал ёзғичлар» каби китобларда чоп этилди ва улар ўзбек шеъриятининг гултожи бўлиб қолди.

Мазкур тадқиқотнинг ушбу қисмида биз XX асрнинг дастлабки чорагида ўзбек шеъриятида ўзликни англаш ва истиқлол ғоялари учун жонларини фидо қилган, жаҳид мутафаккир зиёлилари, айниқса шеъриятда ўзига хос услуб яратиб, Туркистон миллий уйғонишига ҳиссасини қўшган, уни мустамлакачиликдан озод бўлишга даъват этган Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон шеъриятидаги миллий ғояни кузатишга ҳаракат қилдик.

Абдулла Авлоний (1878-1934) ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг Маҳмудхўжа Беҳбудийдан кейинги энг йирик вакилидир. Мактаб ва маориф орқали ўзбек халқининг миллий-

¹ О.Шарафиддинов. Жаҳидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 196-бет.

ижтимоий онгини уйғотишни ўзининг бош мақсади деб билган Авлоний фаолиятини маърифат соҳасига бағишлади. У журналист, шоир, драматург, театр арбоби ва ўзбек зиёлилари орасида дастлабки профессор илмий унвонига эга илғор педагог олимдир.

Авлонийнинг адабий мероси уч қисмдан – шеърлар, драмалар ҳамда ахлоқ ва одоб масалаларига бағишланган асарларидан иборат. Шоирнинг 1917 йилга қадар ёзган шеърый асарлари «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» номли олти қисмдан иборат тўпламидан ўрин олган. У шеърларида даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларини кўтарган: халқ оммаси ўртасида тарқалган гиёҳвандлик, қимор-бозлик каби иллатларни фош этиб, уни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиш ва маърифат чаманларидан баҳраманд этишни орзу этган.

Авлоний шеърлятида XX асрнинг бошларида мустамлака шароитида яшаган халқ ҳаётининг аянчли манзаралари гавдаланади: халқ ва жамият бағридаги яралар тасвири бу шеърларнинг ғоявий мазмунини белгилаб беради.

Шоир ижодиёти билан халққа миллий тараққиёт йўли, ўзликни англаш тамойили, истиқлол ғоясини сингдириш йўналишларини англади, мактаб очиб, уни жадидона ислоҳ этиб, маориф ва маданият билан ошно бўлишига чақирди, халқ оммасини уйғонишга даъват этди:

*Маризинг бир тарафдан, бир тарафдан хорсан, миллат,
Бадандан доимо қон олдурад беморсан, миллат,
Тилинг йўқ, гар қулогинг сурати деворсан, миллат...
Кўзинг оч, ётма гафлатдан ўсон миллат, ўсон миллат,
Топар сан бирла авлодин омон, миллат, омон, миллат.¹*

Ҳамза «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар» мажмуаси ва «Гул» тўпламларида Авлонийнинг миллат ташвиши ва дардлари билан йўғрилган шеърларидан озиқланди. Ҳамза 1915-1917 йилларда яратган «Миллий шеърлар»ининг бирида Авлонийга ҳамоҳанг, чорночор, зулматга ботган, ғайратсиз ва ҳамиятсиз, офиятсиз ва оқибатсиз, руҳсиз ва нурсиз, пажмурда Туркистонни уйғотишга ҳаракат этади:

*Яхши ҳолин йўқотган, оқибатсиз Туркистон,
Истиқболин ушаткан, офиятсиз Туркистон,*

¹ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд, «Маънавият», Т. 1998, 108-бет.

*Ўз жисмига ўқ отган, ҳамиятсиз Туркистон,
Зиллат лойига ботган, эй гайратсиз Туркистон.
Зулмат тоши ёзилса-да, кўзи очулмаз,
Рухсиз тандур, ханжар урса, қони сочулмаз.¹*

Авлонийнинг 1909 -17 йиллар давомида ўндан ортик китоби майдонга келди. Унинг айниқса, «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ», «Мактаб гулистони» каби дарсликлари «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўплами Туркистоннинг жуда кўп янги усулдаги мактабларида қўлланма бўлиб хизмат қилди, Авлоний бундан мамнун бўлганлигини ифода этади. Авлоний дарди хусусий эмас, миллий дард эди.

«Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асари 1917 йилда иккинчи марта нашр қилинади. Китоб дарслик эди. Бу ҳақда Б.Қосимов шундай фикрлайди: «Лекин асримиз бошларидаги ўзбек жадид маърифатчилигининг ноёб ҳодисаларидан бўлган бу асарнинг аҳамияти фақат мактаб доираси билан чекланмади. У адабиёт ва ахлоқ ҳаваскорлари учун ҳам қўлланма бўлиб хизмат қилди.

Асарда инсонларни «яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир “илм - ахлоқ ҳақида фикр юритилади.”²

«Тарбия ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур», – деб билади Авлоний.

Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асари назм ва наср уйғунлигида ёзилган асардир. Ахлоқ нинг юксак фазилатлари намоён этилган бу қўлланмада жисм, рух, фикр, ақл, онг, илм, зийраклик, виждон, Ватан туйғуси, ҳаққоният, ҳаё, ифбат, мухаббат, мунислик, дўстлик каби тушунчалар билан бирга инсондаги жаҳолат, ғазаб, дангасалик, ялқовлик, ғийбат, ҳасад каби нуқсонлар кўринишлари ҳам ифода этилган.

Шу билан бирга уйғонаётган Туркистон элининг миллий манфаатлари ва ички руҳий фазилатининг комиллашувига хизмат қилувчи ижтимоий-ахлоқий, маънавий-маърифий, дидактик фикрлар илгари сурилган.³

Авлонийнинг муаллимлик фаолияти, таълим-тарбиявий қарашлари, жадидчиликнинг муҳим бир қаноғи ўларок амалий

¹ Н.Каримов ва бошқалар. XX аср: Ўзбек адабиёти тарихи 84-бет

² Қаранг: Б.Қосимов, Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. «Маънавият», Г., 1998, 31-бет

³ Абдулла Авлоний Танланган асарлар. 31-бет.

маърифатчиликнинг йўналиши ва хусусиятлари билан XX аср миллий уйғониш шеъриятига, унинг тақомилига хисса қўшди.

Халқнинг энг қора ва бахтсизлиги, Заки Валидий айтганидек, унинг маърифатдан йироқлашгани ва қарам ҳолатга тушганлиги, ўзлигини йўқотганлиги ва эрксизлиги оқибатидир. Шу ҳолатга Б.Қосимов шундай муносабат билдиради: «Маърифатнинг аҳамияти миллат, жамият тарбиясида бемислдир. Уни амалга ошириш асосан зиёлилар, биринчи навбатда, олим муаллимлар, шоиру санъаткорлар зиммасидадир.

Агар миллат ҳақ-ҳуқуқини «йўқотган, асрий илму маърифатдан узоқлаштирилган, ўзлигини унутган бир ҳолга тушиб, жамият маънавиятдан маҳрум даражага етган бўлса, зиёли зиммасидаги иш ўн, балки юз қарра оғирроқдур».¹

Авлоний Туркистоннинг озод ва обод бўлишига астойдил ишонади. Шоир «Истиқболдан орзуларим» шеърида инсонлар ўртасида адолат ва ҳақиқат тангана қилишига, ёруғ кунлар келишига ишонч билдиради. Озодлик, ҳуррият замони бўлишини орзу қилади:

Гарчи ман маъюсу пурғам миллатим аҳволидан,

*Қатъ уммид айламам, таъмини истиқболидан.*²

Сиддиқий - Ажзий «Миръоти ибрат» достонида «Бир ғоя атрофида уюшмоқ, бир маслакни тутмоқ», маълум идеал учун курашмоқ ғоясини илгари суриб, халқ ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиши, борар йўли тўғри бўлишини эслатади:

Абас бир ғоясиз дунёи дундин яхшилик қутмак,

Керак бир маслаку бир ғояу идёл тутмак,

Биза бир йўлни ушлаб, нури мақсуда бориб етмак.

Шоир Авлоний шеъриятининг бош йўналишини миллатнинг миллий онгини шакллантириш ташкил этди. Туркистон турмушини бошқа халқлар ҳаёти билан қиёслаб кўрсатади.

У истиқболни фақатгина маърифат, илм-фан орқали эмас, эрк ва қадриятга етмоқнинг йўли – бирлашиш, миллий демократик кучларни бирлаштиришда кўради.

Ватан истиқлолини муқаддас билган Авлоний Туркистон мухториятини дилдан олқишлади. Авлонийнинг Октябрь тўнтаришигача бўлган шеъриятида миллий-озодлик тароналари

¹ Б.Қосимов. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. «Маънавият», Т., 1998, 53-бет

² Юкоридаги асар, 56-бет.

маърифатпарварлик ғоялари билан туташган ҳолда яшайди:

Тур эй миллат, уйқудан ҳасратлашайлук,

Илм уйига кирмоққа суҳбатлашайлук.

Ётма, миллат, ухлама, бедорлашайлук,

Миллий ишлар ишларга бел боғлашайлук.¹

Авлоний «Миллий ишлар» ифодаси остида миллий уйғониш ва миллий озодлик ҳаракатини назарда тутган. Жадид шоирлари илмни, мактабни, китобни тарғиб этдилар, халқнинг кўзини миллий мустақиллик ва ўзликни англаш, тараққиётга буриш, уларнинг фаолияти эди.

Шоир «Қутулдик» шеърида шундай дейди:

Гулистон ўлди олам, ҳар тарафдан сайради булбул,

Асоратдан қутилди барча миллат, истаюр ҳур йўл,

Хазондан сақла, ё раб! Истаюр миллат тиконсиз гул,

Етишмоқ муддаога илмсиз, ҳайҳот, эрур мушкул.

На меҳнатларни кўрдук, ҳар қаю агёр зулминдан...²

Авлонийнинг маърифатпарварлик ва миллий уйғониш ҳақидаги ғояларни қуйлаган дастлабки шеърлари ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг бебаҳо мулки бўлиб қолади.

XX асрнинг илк чораги ўзбек шеъриятида ўзликни англаш ва истиклол ғоялари учун ҳаётини аямаган ва шу курашда жон фидо этган шоирлардан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929) эди.

Ҳамза XX аср ўзбек адабиётига тамал тошини қўйганлардан бири, ўзбек маданиятининг энг йирик намояндаларидан, фаол маърифатпарвар шоир, ўқитувчи, жамоат арбоби. У шеъриятни ҳаётга ва халққа яқинлаштириш, айниқса, драма, комедия, трагедия яратиш бобида ва театр санъатини ривожлантиришда улкан изланишлар ва кашфиётлар қилган санъаткордир. У бастакор, режиссёр, журналист, педагог ва дарсликлар муаллифи сифатида ҳам маълумдир.

Ҳамзанинг «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар» мажмуаси (1915-1917), «Заҳарли ҳаёт» (1916), «Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллачилар иши» (1927), «Майсаранинг иши» (1926) каби драматик асарлари ўзбек адабиётида янги ҳодисадир.³

¹ Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. 86-бет.

² Юқоридаги асар. 87-бет.

³ С.Мамажонов. Маънавият юлдузлари. 380-бет.

Ҳамза Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авланий, Боту, Гулом Зафарий каби атоқли санъаткорлар билан бир сафда туришга муносиб ижодкор. Ҳамза ҳам улар каби халқнинг миллий уйғонишида, янги ўзбек адабиётини барпо этишда катта жонбозлик кўрсатган ва улар каби мустабид тузумнинг қурбони бўлган.¹

Тўғри, А.Қаҳҳор киноя билан айтганидек, Ҳамзанинг ёзилмаган жойи қолмаган, большевикчасига айтганда, миллий адабиётда халқ номидан Октябрни қутлаган инқилоб куйчиси яшаш керак эди.

Ҳамза ҳам ана шундай мудҳиш алданиш оқибатида инқилобни мадҳ этганди.

Инқилобнинг биринчи кунларида Ленин тили билан Туркистон халқларига озодлик ва мустақиллик ваъда қилган большевиклар 1918 йилнинг бошидаёқ Туркистон мухториятини тор-мор келтирди. Қўконда қирғин бўлди, Фарғона кўчаларида халқ қони дарё бўлиб оқди. Бу мудҳиш воқеалар, Туркистон эрксизлиги Ҳамза назаридан четда қолмади:

Эй мардуми Фарғона, аҳволингга ким йиғлар?

Бадбахтликқа юз тутган иқболингга ким йиғлар?

Иффат ила номусинг кимлар қўлида барбод?

Қурбон ўлан маъсумлар, аҳволингга ким йиғлар?

Қон йиғлата афлукни отингни хаёлотни,

*Дарвоқе, шу фурсатда аъсолингга ким йиғлар?*²

Ҳамзанинг «Фарғона фожиалари» драмасида ҳам шу воқеалар ақс этган.

20-йиллар давомида Ҳамзанинг ижодида ҳам худди Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ижодидаги каби жадидчилик руҳи чўнг бўлиб қолди.

Баъзи адабиётшунослар Ҳамзанинг инқилобдан олдин ёзган маърифатпарварлик руҳидаги асарларини жадидларникидан ажратиш олиш учун, жадидлар болаларни китоб ўқишга чақирганда бой-бадавлат одамларнинг фарзандларини кўзда тутган, Ҳамза эса камбағал, қашшоқ, меҳнатқаш халқ фарзандларини илм олишга, савод чиқаришга, китоб ўқишга даъват этган, дейишади.

Аслида у Ватан равнақи учун курашган, кейин ўзи беҳабар ҳолда шўро адабиётининг яловбардорига айлантирилган эди.

¹ О.Шарафиддинов. «Тафаккур» журнали, 2000 йил 3-сон, 66-бет.

² Юқоридаги журнал, 74-бет.

Ҳамза жадидлар отаси деб тан олинган Исмоилбек Ғаспиралининг содиқ мухлиси ва шогирди эди. У вафот этганда шеърӣ ва насрий дил изтиробларини: «Нур кўздан, тобу тандан, дарду дармондан жудо», «Дод қил даври фалақдин, ботди хуршиди жаҳон» деб, уни қуёшга тенглаштиради.

Ҳамза Шўро тузумини олқишловчи шеър, ашулалар ёзди. Чунки, таъкидлаганимиздек, Октябрь воқеасидан сўнг барча жадидлар – Мунаввар Қори, Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон, Авлоний, Ҳамза шўролар ташчилотларида ишлай бошладилар.

Кўп ўтмай фуқаролар уруши бошланди, маҳаллий миллатларга миллий мустақиллик, эркинлик берилмаслигини тушуниб етдилар.

Шўро ҳукумати фуқаролар уруши тугамасдан жадидларни қувғин қилиб, қамай бошлади ва қатл этди. Ҳамза бу вақт Туркистонда дўсти Саид Носирнинг уйида яшади.

Ҳамза Шохимардонга бориб, колхоз тузиш, мактаблар очиш, халқнинг саводини чиқариш каби ишларда иштирок этди.

Ҳамзага тазйиқлар кучайиб, 1929 йил 18 мартда ваҳшийларча ўлдирилди. У жадид адабиётининг куйчиси сифатида миллатнинг, халқнинг қалб кўзини очишга – уйғонишга чорлаш, ўзлигини танишга, огоҳлик, қоқоқлик, жаҳолатдан қутулиб, чин маърифатга эришишга даъват этади.

«Ё миллат деб кўйида ўл Ниҳоний, Ё дунё деб миллатдан уз вафони» деб ошкора ёзди:

*Ошаб, ухлаб ҳайвондек ётмайлик эмди,
То бошга зиллатга ботмайлик эмди,
Бир - биримизни ушлаб одимлашайлик,
Жаҳлу бидъат тоғидан ош ошашайлик,
Газет ўқиб, журналлар, йўл излашайлик,
Мактаб очуб, авлода йўл бошлашайлик.¹*

Ҳамза «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси»да истиқлолга бўлган қарашларини чуқур тарғиб этди, бу шеърлар сиёсий ўткирлиги, жанговарлиги, ижтимоий-маънавий кучлилиги билан шоир ижодида янги босқичдир.

У Оврупо ва Осиёдаги тараққиёт даражасини кўриб, «Ухлама кўп ўзбек эли асри тараққий вақтида» («Оқ гул»), «Хабаримиз йўқ на кун ҳақиқатидан» («Пушти гул»), «Зулмат кўзни қоплаган ҳақиқатни

¹ Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёт тарихи. 99-бет.

кўролмаслар» («Сариқ гул») каби мисраларда халқни иқтисодий, сиёсий, маънавий, маърифий, маданий тараққий эттиришни даврнинг бош вазифаси деб билади. Шеърларини «Қора элимизни тушунишина ўнғай бўлсин учун» содда тилда ва халқ кўшиқлари оҳангида ёзади.

Ҳамза халқни бирлашишга даъват этади: «Бирлашинг, Туркистон!», «Қўл ушлашинг, бирлашинг энди Туркистон!», «Ҳақ йўлида жон берсак, бўлсак миллат қурбони», дейди. «Йиғла Туркистон» да:

*«Дариз тутманг дин учун, кетса молу жон,
Ўқув фарзлиги минг йўл Қуръонда фармон,
Маърифатсиз танулмаз аҳкоми инсон,
Илмсизга айтилмас комил мусулмон –
Йиғла, йиғла Туркистон, йиғла, Туркистон!
Рухсиз танлар тебрансун, йиғла, Туркистон!»¹*

Ўзбекистон мустақилликка эришгунига қадар Ҳамза XX аср ўзбек адабиётининг ягона асосчиси сифатида таърифланади. Бу ҳолат узоқ йиллар, яъни Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон оқланиб, уларнинг ўзбек адабиёти ва маданияти тарихида тутган ўрни тўла белгилангунча давом этди. У Бехбудий, А.Авлоний, Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон билан бирга XX аср ўзбек адабиётининг ривожига ўзига хос ҳисса қўша олган бетакрор ижодкордир. У шеърятдаги мавзунини кенгайтирди ва сиёсий-ижтимоий жиҳатдан кучайтирди. Ҳамза жаҳидчиликнинг олдинги сафида туриб, ўлка ижтимоий тафаккурининг ривожига фаол ёрдам берди, уни шеърлари билан тўлдирди.

Юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллат ҳурлиги ва эрки учун мустабид тузум йиллари тазйиқларга бардош бериб хизмат ва ижод этган, ибратли ҳаёти ва фаолияти билан авлодларга ўрнак бўлган Абдурауф Фитрат (1884–1938) XX аср ўзбек адабиёти, фани ва маданиятининг йирик вакилидир. У қомусий билимга эга олим, адабиёт назарийчиси, ўткир тилшунос, бетакрор драматург ва шоир, жанговар публицист, ношир ва журналист, истеъдодли давлат ва жамоат арбоби ҳамдир.

Фитрат ижоди нечоғли кўп қиррали бўлмасин, мазкур тадқиқотда унинг бутун ижодиёти ҳақида эмас, балки унинг XX аср

¹ Ҳамза, Гулистон.. 1995, 4-сон, 52-бет.

бошлари шеъриятидаги ўзликни англаш ва истиқлол ғоялари ҳақидаги поэтик қарашларини мухтасар ҳолда таҳлил этишга ҳаракат қилинди.

Бугунги истиқлол даврида мутафаккирларнинг кадр топиши, уларнинг шу мустақилликка қўшган ҳиссасини таъкидлаган ҳолда Фитрат ижодига назар ташланди.

Абдурауф Фитрат ижодини тадқиқ этувчи адабиётшунос олимлар унинг ижодий фаолияти ўрганилишини уч босқичга (1910–38; 1938–90, мустақиллик даври) бўладилар.

Унинг кўп қиррали, сермазмун ижоди ҳақида В.В.Андреев, Чўлпон, Назир Тўрақулов, Вадуд Маҳмуд, Садриддин Айний ўз вақтида ижобий фикр билдирган бўлсалар, Ж.Бойбўлатов ва Ҳ.Олимжон унинг ижоди ҳақида ғайриилмий фикр билдирдилар.

Шўро мафкураси бу санъаткорга адолатли ёндашувни инкор этса-да, О.Шарафиддинов, А.Алиев, Ғ.Каримов сингари миллатпарвар ва адолатгўй адабиётшунослар 60–70-йиллари унинг ижодини имкон даражасида баҳолашга уриндилар.

Фитрат ва Чўлпон меросини ўрганувчи ҳукумат махсус комиссияси ҳулосасига таянган олимлар Аҳмад Алиев, Бегали Қосимов, Наим Каримов, Шерали Турдиев, Ҳамидулла Болтабоев, Сирождин Аҳмедов Фитрат ҳақида кўплаб илмий мақолалар эълон қилдилар.

Илҳом Ғаниев ва Ҳамидулла Болтабоев Фитрат ҳақида монография ва тадқиқотлар эълон қилишди.

Айтиш жоизки, Фитрат ва Чўлпон ижодини хорижда Фуод Кўпрули, Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Камол Эраслон, Иброҳим Ёрқин, Маҳмат Сарой миллат, Ватан дарди муаммолари негизида тадқиқ этдилар.

Эдвард Оллворт, А.Беннигсен, Т.Раковска - Хейстон, Х.Каматсу, Ингеборг Балдауф сингари хорижий олимлар Фитрат дунёқараши ва асарларини рус сиёсати ҳамда Туркистонда Миллий уйғониш масалалари билан боғланишда ўргандилар.

Фитрат салмоғи жихатидан ижодидида катта ўрин тутган драматик асарлари «Бегижон», «Мавлуди шариф», «Або Муслим», «Қон», «Темур сағанаси», «Ўғизхон», «Чин севиш», «Ҳинд ихтилолчилари», «Шайтоннинг тангрига исёни», «Босеъ қўзғолони», «Арслон», «Абулфайзхон», «Тўлқин» ва бошқа илмий-адабий мақола, ҳикояларида ҳам миллий уйғониш ғоясини сингдирганки,

буни шўролар даврида оммага етказиш ва илғай олиш жасорат эди.

У Бухоро халқ жумхуриятида масъул вазифаларда, ташқи ишлар халқ нозири, маориф нозири лавозимларида ишлаганида ҳам, халқ олдидаги бурчини фаол ижодкор сифатида унутмади. Фитратнинг бу саъй-ҳаракатлари табиийки, шўро сиёсатида тўғанок бўлиши турган гап эди. Уни тухматлар билан лавозимидан бўшатдилар. Москвага чақириб оладилар, чунки у Бухородаги шўро сиёсатида ҳалал бериши турган гап эди.

«... Шўро тўнтарувигача бўлган давр бутун Туркистон ва хусусан, Бухородаги жади́дчилик ҳаракати Фитрат номи билан чамбарчас боғлангандир. Исмоилбек Ғаспирали таъсирида ватанда Фитрат дунёқарашда тутилган жади́дчилик ғоялари Истанбулдаги таҳсил давомида янада изчил шакл олди ва она юртга қайтгач, амалий тарзда ривожлана борди».¹

Фитрат жади́дчилик ҳаракатида фаол иштирок этиб, Бухородаги илмий ёшларни дунёнинг машҳур билим масканларига юбориш, жади́дчилик ғояларини амалга ошириш учун амирлик тузумини ислоҳ қилиш керак, деган хулосага келади.

Бу ҳақда Файзулла Хўжаев шундай дейди: Фитрат «Сайҳа», «Ҳинд сайёҳи», «Бегижон», «Оила» сингари асарларида «Мавжуд тузумни қаттиқ танқид қилди, унинг барча камчиликларини аёвсиз фош этиб ташлади».² Исмоилбек Ғаспиралининг «Тил ва истиқлол учун бирлашингиз!» деган ғоясига эргашган Фитрат фақат Бухоро халқининг кўзини очишни, ўзлигини англашни, бунинг учун эса ўзбек халқининг миллий тафаккурини уйғотишни, ўзи муҳаррирлик қилган «Хуррият» газетасида, «Юрт қайғуси» сочма шеърларида, истиқлол ҳақидаги орзусини манфур мустамлакачиларга нафрат-ла, ифода этганлигига гувоҳ бўламиз. «Туркнинг номуси, эътибори, иймони, виждони золимларнинг оёқлари остида қолди. Туркнинг юрти, улоғи, ўчоғи, Турони ёт қўлларга тушди». Бу қарашлар миллатни севиш, миллат фарзандлари қалбига чўғ солиш, қўлига курул олишга даъватдир. Бу мисралар Ғарбий Туркистон, Қрим, Қозон, Эронда кенг тарқалган эди.

Мутафаккир Фитрат бутун элларни, миллатларни жаҳолатдан кутқаришнинг ягона йўли – илмдир, уни эгаллашдир, деган фикрга

¹ Б.Назаров. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. 115-бет.

² Юкоридаги асар, 115-бет.

келади:

*Турк эли, эй буюк эл, кўзинг оч,
Оч кўзинг, бир қара жаҳонга.
Кўкрагингда ёнар ўтларинг соч,
Кўйма золимлари Туронда!*¹

*Хайданг, ўртоқ, қутқарайлик жаҳлдан Туронларни
Ёрутайлик маърифат нури-ла Туркистонларни
Элларни ҳам маҳвдан қутқаргувчи илм эрур,
Бизларни ҳам бу кундан унинг ўзи қутқарур.*²

Фитрат мероси жуда сермахсул. 1922 йил Тошкентда нашр этилган «Ўзбек ёш шоирлари» мажмуасига кирган шеърлар унинг ижодида ўзига хос ўрин тутади.

Жадид зиёлилари қалбида оққан қон ва ботиний қалблари, яъни руҳиятларида жунбуш урган фикрий фалсафа бу Ватан озодлиги фалсафаси эди. Жумладан, Фитратнинг Ватанга бўлган ижтимоий-сиёсий қарашларининг энг юқори мақомида юрт озодлиги ҳақидаги ички туйғу унинг фикрий хаёлотини банд этиб турган. Бу эса унинг шеърий қаҳрамонлари онгида ифода этилган. «Ватандан буюк ва улуғ ошён йўк, мен учун», дейди «Сайҳа» тўпламидаги шеърларидан бирининг қаҳрамони.

Фитрат фикрича, Ватанни севиш ва мадҳ этиш, унга сажда этишгина кам; унинг истиқболи, иқболи учун жондан кечишга тайёр тура олиш зарур:

*Ётсам тушимда, уйғонсам ёнимда,
Кўз юмсам миямда, кўз очсам қаршимда,
Бир мунгли хаёл келиб туради.... Оҳ..
Англадим менинг Ватанимсан.*

Тўпламдаги лирик қаҳрамон оламини, туйғуларини қандайдир бир дард эгаллаган. У ҳам бўлса фотиҳ - золимлардан зорланиш, юртдаги, Ватандаги, туркий дунёдаги ҳаётдан, унинг шароитларидан, турмушнинг кўнгилдагидек эмаслигидан, ҳақиқий фидойиларнинг озлигидан ўпкаланиш, кимдандир, қаердандир нажот, кўмак кутиш, ўзгариш ва ўзгартириш ғояларига йўғрилган нола-ю фарёддир.

Лирик қаҳрамон ўзининг ожизлиги ва иккиланишини ҳис этади

¹ Ватан ва миллат муқаддасдир. Т. «Ўқитувчи», 1996, 20-бет.

² О.Ҳасанбоева ва бошқалар. Педагогика тарихи. Т., «Ўқитувчи», 1997, 154-бет.

ва ислохот зарур деган жадидчилик мафкураси сари юз буради.

Фитрат шеърлярида «тузум» анчайин ўз зуғумларини мухитга сингдирган бўлса-да, орадан анча вақт ўтиб ёзган шеърлярида ҳам муайян муштараклик ва уйғунлик фалсафаси мавжуд.

Бу умуммиллийлик истиклол ғоясидир. Жон азобда, чунки қалб ботинан азоб ва қийноқда, негаки, юрт-тупроқ ҳали озод эмас, истиклолга ташна:

Ишқимнинг қайгуларини жсон янглиг бағримга солдим...

«Яна ёндим...» шеърда ўқиймиз:

Юрагимнинг қалин, қизгин олови-ла қайнарон

Кўз ёшларим, қайдасиз?

Йиғла, бир оз ўксизланган тилагим,

Мен ҳам сендай бахтсизликка тутундим,

Умидсизлик аро тушиб йўқсул жсоним ўртанди.¹

Фитрат «Русияда янги бир боло бош кўтарди — большевик балоси», дейди.²

1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўлка мусулмонларининг фавқуллода IV курултойи очилди. 27 ноябрь қоқ ярим кечада курултой тарихий қарор қабул қилди. Туркистон мухторияти тузилди. Фитрат мухториятни қувонч билан кутиб олди, 27 ноябрь тунини «Миллий лайлатулқадриятимиз» деб атади.

Фитрат «Шарқ» шеърда Шарқни, юртини талаган, оёқости қилган, эркию бойлигини ўғирлаган босқинчиларга чексиз нафратини очик айтади.

Фитратнинг машҳур шеърларидан бири «Миррих юлдузига» деб номланади. Шу шеър боис Фитрат бошига кўп мушқулликлар тушди, уни миллатчи деб ҳисоблашда дастак қилдилар. Шоир юлдуз баҳонасида Аллоҳга мурожаат этиб, большевикларнинг босқинчи лашкарларининг ваҳшийликларини очиб ташлайди ва ватандошларини уларга қарши миллий озодлик курашига даъват этади:

Борми сенда бизим каби инсонлар,

Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар.

Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар,

¹ Абдурауф Фитрат. Чин севиш. Тошкент. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. 29-бет.

² Юкоридаги асар, 12-бет. Тадқиқот Б. Қосимовники.

Қардош этин қўймай еган қоплонлар!¹

Бундай шеърлар Фитрат шеърлярининг миллий уйғониш ва инкилобий руҳдаги мардона йўналишда эканлигига далилдир.

Шоир «Қор» шеърда топталиш, хорланиш абадий эмас, деган фикрга келади. Унинг шеърлярида эрк, истиклол ғоялари юқори нуктада туради.

Ўзбек халқининг ҳассос, фидойи фарзандларидан яна бири, ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузларидан, 20-йиллар шеърлярида катта бадий кашфиёт яратган, драма ва романчилик равнақида янги, ўзига хос услубга эга бўлган, қувваи ҳофизаси баланд, дидли, дилбар, кўпқиррали истеъдод соҳибларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли (1897-1938) Чўлпондир.

Чўлпон — тонг юлдузи демак. Чўлпон каби шоирлар миллий адабиётнинг аввалги шавқатини тиклашга жаҳд этишган янги замоннинг қалдирғоч вакиллари эдилар.

Б.Рўзимухаммад: «Шу таҳаллусни олган шоир ҳақиқатдан ҳам юлдузлик мақомини оқлади, миллатимизнинг кир осмонига ойдинлик бахш этди. Бу даврлар жаҳонни лол қолдириб, аста-секин илгариги доврўғи сўнаётган хорликка, зорликка маҳкум этилган Туркистон Чўлпон қаламидан чиққан ўтли сатрлар орқасида қисқа муддат бўлса-да, қадди-бастини ростлади. Чўлпон доврўғини Алишпер Навоийнинг шон-шухратига менгзайдилар»,² деб ёзган эди.

Чўлпон театр ва драматургия, реалистик наср, бадий таржима, публицистика, танқид ва адабиётшунослик, асосийси ўзбек шеърлярида том маънода янги жиллолар яратган. Эҳтиросли ва ёниқ асарлари билан ўзбек халқининг миллий онгини уйғотишда, маънавиятини шакллантиришда санъаткор даражасига кўтарилди.

Чўлпон ҳам ўзбек халқининг бошқа асл фарзандлари каби Сталин кирғинининг қурбони бўлди — 1938 йили «халқ душмани» сифатида отилиб, унинг номини тилга олиш қатъиян ман қилинди. Фақат 1956 йили Сталин шахсига сиғиниш ошқора қораланганидан кейингина у оқланди. Лекин қарийб яна 30 йил унинг ижоди ўрганилмади.

80-йилларнинг ўрталарида Собик иттифоқда қайта қуриш ва ошқоралик жараёни бошлангач, ўзбек халқи яна бир бор миллий

¹ Маънавият юлдузлари. 376-бет. Мақола С.Мамажоновники.

² Баҳром Рўзимухаммад. «Чўлпон — тонг юлдузи демак». Т., «Ўқитувчи», 1997, 19-бет.

ва ислохот зарур деган жадидчилик мафкураси сари юз буради.

Фитрат шеърлятида «тузум» анчайин ўз зуғумларини мухитга сингдирган бўлса-да, орадан анча вақт ўтиб ёзган шеърлярида ҳам муайян муштараклик ва уйғунлик фалсафаси мавжуд.

Бу умуммиллийлик истиклол ғоясидир. Жон азобда, чунки қалб ботинан азоб ва қийноқда, негаки, юрт-тупроқ ҳали озод эмас, истиклолга ташна:

Ишқимнинг қайгуларини жсон янглиг бағримга солдим...

«Яна ёндим...» шеърда ўқиймиз:

Юрагимнинг қалин, қизгин олови-ла қайнарон

Кўз ёшларим, қайдасиз?

Йиғла, бир оз ўксизланган тилагим,

Мен ҳам сендай бахтсизликка тутундим,

Умидсизлик аро тушиб йўқсул жсоним ўртанди.¹

Фитрат «Русияда янги бир боло бош кўтарди — большевик балоси», дейди.²

1917 йил 26 ноябрда Кўконда ўлка мусулмонларининг фавқуллоҳда IV курултойи очилди. 27 ноябрь қоқ ярим кечада курултой тарихий қарор қабул қилди. Туркистон мухторияти тузилди. Фитрат мухториятни қувонч билан кутиб олди, 27 ноябрь тунини «Миллий лайлатулқадриятимиз» деб атади.

Фитрат «Шарқ» шеърда Шарқни, юртини талаган, оёқости қилган, эркию бойлигини ўғирлаган босқинчиларга чексиз нафратини очик айтади.

Фитратнинг машҳур шеърларидан бири «Миррих юлдузига» деб номланади. Шу шеър боис Фитрат бошига кўп мушқулликлар тушди, уни миллатчи деб ҳисоблашда дастак қилдилар. Шоир юлдуз баҳонасида Аллоҳга мурожаат этиб, большевикларнинг босқинчи лашкарларининг ваҳшийликларини очиб ташлайди ва ватандошларини уларга қарши миллий озодлик курашига даъват этади:

Борми сенда бизим каби инсонлар,

Икки юзли ишбузарлар, шайтонлар.

Ўртоқ қонин қонмай ичган зулуклар,

¹ Абдурауф Фитрат. Чин севиш. Тошкент. Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1996. 29-бет.

² Юкоридаги асар, 12-бет. Тадқиқот Б.Қосимовники.

Қардош этин қўймай еган қоплонлар!¹

Бундай шеърлар Фитрат шеърлятининг миллий уйғониш ва инкилобий руҳдаги мардона йўналишда эканлигига далилдир.

Шоир «Қор» шеърда топталиш, хорланиш абадий эмас, деган фикрга келади. Унинг шеърлятида эрк, истиклол ғоялари юқори нуктада туради.

Ўзбек халқининг ҳассос, фидойи фарзандларидан яна бири, ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузларидан, 20-йиллар шеърлятида катта бадий кашфиёт яратган, драма ва романчилик равнақида янги, ўзига хос услубга эга бўлган, қувваи ҳофизаси баланд, дидли, дилбар, кўпқиррали истеъдод соҳибларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли (1897-1938) Чўлпондир.

Чўлпон — тонг юлдузи демак. Чўлпон каби шоирлар миллий адабиётнинг аввалги шавқатини тиклашга жаҳд этишган янги замоннинг қалдирғоч вакиллари эдилар.

Б.Рўзимухаммад: «Шу таҳаллусни олган шоир ҳақиқатдан ҳам юлдузлик мақомини оқлади, миллатимизнинг кир осмонига ойдинлик бахш этди. Бу даврлар жаҳонни лол қолдириб, аста-секин илгариги доврўғи сўнаётган хорликка, зорликка маҳкум этилган Туркистон Чўлпон қаламидан чиққан ўтли сатрлар орқасида қисқа муддат бўлса-да, қадди-бастини ростлади. Чўлпон доврўғини Алишпер Навоийнинг шон-шухратига менгзайдилар»,² деб ёзган эди.

Чўлпон театр ва драматургия, реалистик наср, бадий таржима, публицистика, танқид ва адабиётшунослик, асосийси ўзбек шеърлятида том маънода янги жиллолар яратган. Эҳтиросли ва ёниқ асарлари билан ўзбек халқининг миллий онгини уйғотишда, маънавиятини шакллантиришда санъаткор даражасига кўтарилди.

Чўлпон ҳам ўзбек халқининг бошқа асл фарзандлари каби Сталин кирғинининг қурбони бўлди — 1938 йили «халқ душмани» сифатида отилиб, унинг номини тилга олиш қатъиян ман қилинди. Фақат 1956 йили Сталин шахсига сиғиниш ошқора қораланганидан кейингина у оқланди. Лекин қарийб яна 30 йил унинг ижоди ўрганилмади.

80-йилларнинг ўрталарида Собик иттифоқда қайта қуриш ва ошқоралик жараёни бошлангач, ўзбек халқи яна бир бор миллий

¹ Маънавият юлдузлари. 376-бет. Мақола С.Мамажоновники.

² Баҳром Рўзимухаммад. «Чўлпон — тонг юлдузи демак». Т., «Ўқитувчи», 1997, 19-бет.

уйғониш сари қадам қўйиб, сўнгра Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унга нисбатан йўл қўйилган адолатсизлик барҳам топа бошлади.

Унинг «Баҳорни соғиндим», «Яна олдим созимни», «Адабиёт надур» деган китоблари, уч жилдлик сайланма асарлари босилди, у ҳақда талай ишлар қилинди. Абдулла Қодирий ва Фитрат билан бирга Чўлпон ҳам Алишер Навоий номидаги Республика давлат мукофоти билан тақдирланди.

Чўлпон асарлари қайси жанрдалигидан қатъи назар, жади́дчилик ғоялари билан суғорилган асарлардир. Чўлпон 16 ёшида ёзган «Адабиёт надур» мақоласида, адабиёт миллатни тараққий эттириш воситаси, деган ғояни илгари суриб, қатъият билан «Адабиёт яшаса миллат яшар», деб хитоб қилади: «Ҳа, тўхтамасдан ҳаракат қилиб вужудимизга, танимизга ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар билан кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса миллат яшар. Адабиёти ўлмағон ва адабиётининг тараққиётига чолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз ўлур».¹

Кулган бошқалардур, йиғлаган менман,

Ўйнаган бошқалар инграган менман,

Эрк эртакларини эшитган бошқа,

Куллик қўшигини тинглаган менман.

Бошқада қанот бор, кўкка учадир,

Шохларга кўнадир, борда яйрайдир –

Сўзлари садафдек, товуши найдек –

Куйини ҳар ерда элга сайрайдир.

Менда-да, қанот бор, лекин богланган...

Боз йўқдир, шох йўқдир, қалин девор бор:

Сўзлари садафдек, товуши найдек

Куйим бор... уни-да деворлар тинглар...

Эркин бошқалардир, қамалган менман,

Ҳайвон қаторида саналган менман...²

Бу қуйма мисраларни ҳаяжонланмасдан ўқиш мумкин эмас. Аср бошида жади́длар мустамлакачилик сиёсати туфайли Туркистон забун аҳволга тушиб қолганини, халқ жаҳолат ва нодонлик қўйнида,

¹ Чўлпон. Адабиёт надур. "Чўлпон" нашриёти. Т., 1994. 6-7 бетлар.

² Ватан ва миллат муқаддасдир. 31-бет.

эрксизлик бўйинтуруғи остида мислсиз зулм исканжаларида эзилиб етганини чуқур англадилар. Улар бундай ҳаётни ўзгартириш, янгилаш ғояларини олға сурдилар. Халқни нодонлик ботқоғидан қутқариб олишнинг бирдан-бир йўли маърифат, деган эътиқодга амал қилган жадидлар, уни мустамлака асоратидан қутқармоқ учун эса халқ ўзини-ўзи таниган бўлмоғи, ҳаммани бирлаштирадиган, яқдил қиладиган миллий ифтихор туйғусига эга бўлмоғи керак,¹ деган фикрга келади.

20-йиллар Чўлпон ижодида, айниқса, унинг беназир шоир бўлиб танилишида алоҳида ўрин тутди.

Туркистонда чиқиб турган барча газета ва журналларда унинг шеърлари босилган. «Ўзбек ёш шоирлари», «Гўзал ёзғичлар», «Адабиёт парчалари» тўпламларидан ўрин олган шеърлар Чўлпоннинг юксак истеъдодидан дарак беради. 20-йиллари Чўлпоннинг учта шеърий тўплами «Уйғониш» (1922), «Булоқлар» (1923) ва «Тонг сирлари» (1926) чиқиши янги ўзбек шеърияти учун пойдевор бўлди, тақризларда айтилганидек, Чўлпон «Ўзбек шеъриятига янги тўн кийгизгани» таъкидланди. 20-йиллари Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Миртемир, Уйғун каби ёшлар ўзларини Чўлпоннинг шогирди деб ҳисоблашган ва бу билан фахрланишган.

Чўлпон шеърияти ўзбек халқининг янгича маънавиятини яратишда, миллий онгини шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Чўлпоннинг жуда кўп шеърларида миллатпарастлик, яъни миллатни севиш, уни эркин ва бахтиёр кўриш иштиёқи мавжуд. Уни миллатчиликда айблаганлар даъволарини исботлаш учун «Бузилган ўлкага» шеърини келтирадилар. У аслида халққа қаратилган, ғоявий ватанпарварлик туйғуси билан суғорилган шеър эди.

Шеър 1920 йилда ёзилган ва у айни пайтда даъваткор асарлардан саналади.²

*Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нега сенинг бошинг узра қуюқ булут қўланка?
Сенинг эркли тупрогингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,
Нега сени бир қул каби қизганмасдан янчалар?
Нега сенинг қалин товшинг «кет» демайди уларга?*

¹ Н.Каримов ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи, 169-бет.

² Ўша жойда, ўша бет.

*Нега сенинг эрки қўнглинг эрк бермайди қўлларга?
Нега тагин танларингда қамчиларнинг қулиши?
Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?
Нега ёлғиз қон бўлмишидир улушинг?
Нега бунча умидсиздир туришинг?¹*

Адабиётшунос олим О.Шарафиддинов Чўлпоннинг 20-йиллардаги шеърияти ҳақида шундай ёзади: «Жадид поэзиясининг 20-йиллардаги равнақи, албатта, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон номи билан боғлиқдир. 20-йилларда у «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари» деган китобларини эълон қилди. Унинг кўпгина шеърлари «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида, «Адабий парчалар», «Ўзал ёзғичлар» каби китобларда чоп этилди ва ўзбек шеъриятининг гултожи бўлиб қолди. Лекин бу шеърлар совет руҳидан мутлақо узок эди. Чўлпоннинг 20-йилларда яратган шеърлари инқилобдан аввалги жадид шеъриятдан тубдан фарқ қилади.

Бу шеърият қуруқ насихатдан, яланғоч дидактикадан бутунлай узок, энди унда инсон ҳаётининг энг асосий муаммолари – ҳаёт-мамот масалалари кўтарилади. 20-йиллардаги шеъриятнинг бош масаласи – инсон эрки, миллатнинг озодлиги масаласидир. Шоир эхтиросли ёниқ қалб билан мустамлака кишанларига қарши бош кўтаради».²

Чўлпоннинг 1921 йили ёзилиб, машҳур бўлган шеърларидан бири «Ўзал Фарғона» («Ўзал Туркистон»)дир. Унда 20-йиллар бошида Фарғона устига ёпирилган фожеалар алам ва қайғу билан ифодаланган.

Ўзал Фарғона, сенга на бўлди?

Саҳар вақтида гулларинг сўлди?

Чаманлар барбод, қушлар ҳам фарёд,

Ҳаммаси маҳзун, бўлмасми дил шод?

Чўлпоннинг 20-йиллардаги шеърияти том маънода, озодлик қўшиқлари даражасига кўтарилди – бу қўшиқлар миллат қалбида милтираб ётган эркинлик чўғларини алангалантирди, миллат бўйининг анча ўсишига, қадди-қоматини ростлашига ёрдам берди. Шунинг учун ҳам шўролар ҳукумати бу шоирни кўролмади, унинг атрофида мафкуравий ур-йиқитлар уюштириб, унинг овозини

¹ Д.Қуროнов. «Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси». Т., «Ўқитувчи», 1997, 39-бет.

² Чўлпон. «Яна олдим созимни». Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

ўчиришга ҳаракат қилди. Шу тарзда, 20-йилларда Чўлпон яратган шеърятни ҳеч иккиланмай янги босқичдаги жадид шеърятни деб атаса бўлади.¹

Оташин исёнкор шоир даврнинг долғали, ғазабнок, дарғазаб кутқуларидан, интиҳосиз қирғинлари-ю, ақл бовар қилмас зўравонликларидан изтиробга тушган, қалби пора-пора бўлган эди.

Адабиётшунос Б.Норбоев шундай ёзади: «Ҳақиқий истеъдодларнинг ҳақиқатга ва эрка садоқат туйғусини ҳеч қачон йўқотиб бўлмайди. Улар озодлик ва адолатни жонидан ортиқроқ севишади. Тутқунлик, эрксизлик уларни эзади, руҳини чўктиради. Чинакам истеъдодлар юракларининг туб-тубида озодлик туйғусини асрашди, мустақиллик учун кураш олиб боришди».²

Чўлпон, Боту, Ойбекнинг 20-йиллардаги шеърятида эрк ва озодликни, ўзликни қуйлаш мотивларида ҳамоҳанглик мавжуд. Чўлпон “Беҳбудий хотираси” шеърида эркпарвар зотларнинг қаердалигини сўрар экан, тасдиқ саволлар бериш йўли билан озодлик ҳимоячилари, миллат қаҳрамонлари нес-нобуд этилганлигини, уларнинг бир қисми ўлдирилиб, иккинчи қисми қамоқ ва сургунларда азоб чекаётганини, учинчи бир бўлаги чет элларда сарсон-саргардон турмуш кечириётганини акс эттирди.

Ойбек Чўлпонона:

«Эркликдан ўзга гўзал йўқ», деб эркини, ўзликни энг гўзал ташбеҳлар билан қуйлайди.

Боту-чи, у ҳам озодлик йўллари берклигини, Ватани тузоқдалигини Чўлпонона шундай тасвирлайди:

Уч-уч деманг, учолмайман,

Кўкда эркини қучолмайман.

Душман кучин сиқолмайман,

Якка ўзим кир тузумни йиқолмайман.

Чўлпон шеърятида Шарқ қизи тимсоли кўп учрайди. Тўрт девор ва паранжи ичидаги жувон эмас, халқ, Ватан тимсолида ишлатилади: «Мен Шарқнинг қизиман, Шарқнинг ўзидек бутун таним, жоним, хаёл уяси». Бу тимсол эзилган, курашга йўл тополмаган, орзулар қулига айланган. У энди ўзлигини излай бошлайди. Ёш тадқиқотчи Н.Йўлдош бунни шундай таҳлил этади:

¹ О.Шарафиддинов. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. 196-бет.

² Б.Норбоев. Истиқлол ва истеъдод тарбияси. Т., «Ўқитувчи», 1996, 34-бет.

«Чўлпоннинг мақсади «тўрт девор ичида юзи қон, ранги заъфарон бўлган хотин-қизларга «эрк эртақлари»ни қуйлашмас, Шарқ кизининг эрк ҳақидаги орзулари шахсий қобикни ёриб, миллат, Ватан истиклоли даражасига кўтарилди. Демак, Чўлпон ижодидаги Шарқ кизи тимсоли фақат қизлар ҳаётидан баҳс юритмайди, аксинча, кенг маънода, халқ, она юрт маъносида ишлатилади».

Унинг 1922 йилда ёзилган «Кишан» шеърида ўзбек халқи тарихида қора доғ қолдирган, уни қулликка маҳкум этмоқчи бўлган рус большевизмининг кишан эканлиги кўрсатиб берилади. Лирик қаҳрамон ушбу мудҳиш ва махсус кишан қаршисида кўркмаслик, балки унга нафратини ошкор этиб, ундан батамом қутулмоққа даъват этади.

«Кўзғалиш» шеърида ҳам кишан зулм ва ҳақсизлик тимсоли сифатида тасвирланган. Шоир фикрича энди бу кишанлар занг босган, шу сабабли унинг парчаланиши муқаррар.¹

Кишанларинг занг босгандур, сергак бўлким, узилур,

Томиримда кўзғалишининг ваҳший қони гупирди.

Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди,

Ё битарман ёки сенинг салтанатинг бузилур!

Туркистон халқларининг севимли шоири ва адиби, озошлик ва истиклол куйчиси Чўлпон Шарқ ва шарқликлар тақдирида ўзини ва ўзлигини кўради. Унингча, бир замонлар ер юзида улуғ маданият ва маънавиятни яратган у гўзал Шарқ рус босқинчилари исканжасига тушиб қолгандир. Бироқ, шоир фахр-ифтихор билан «кун ҳам Шарқдан, Ой ҳам Шарқдан чиқаду», деб Шарқнинг озод бўлишига ишонади.

Шоир 1922 йилда ёзилган «Кўнгил» шеърида «кишанлар бирла дўстлашган ва сустлашган» кўнглига мурожаат қилади.

Кишан, яъни эрксизлик, инсон қадрини ерга урадиган, уни таҳқирлайдиган омил сифатида кўринади. Хурлик инсонийликдир, дейди у. Хур инсон ўзининг инсоний ғурурига эга бўлиши, ғурур ҳам бошқалар томонидан ардоқланиши лозим, инсон мағрур бўлиши, кишан киймаслиги зарур:

Тириксан, ўлмагансан,

Сен-да одам, сен-да инсонсан,

Кишан кийма, бўйин эгма,

¹ Чўлпон. «Яна олдим созимни». 442-бет.

Ки, сен ҳам ҳур тугилгонсан...!

Адабиётшунос олим Ботирхон Ақрам Чўлпоннинг «Халқ» шеъри ҳақида фикр юритиб, миллий уйғониш – илк Истиклолият даврининг кенг миқёсдаги дунёвий ва илоҳий маърифатидан баҳравар, чин маънода ориф Чўлпон халқ мавзусини бекорга қаламга олмаган, деб ҳисоблайди:¹

***Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир.***

Халқнинг ижтимоий тараққиёт тарихида тутган ўрнини, мавқеини, халқ иродасининг мислсиз руҳий-маънавий кучини фақат денгиз билан, денгиз тўлқинлари билан тенглаштириш мумкин. Туркистонда содир этилган ҳақсизлик, хунрезликларнинг даҳшатли манзараси ситамдийда халқнинг ғазабли кайфияти, ундаги исён, исёнкорлик руҳи, оловдек ёниши, ўч олишга шайлик, бу шундай кучки, уни тўхтатиш мумкин эмас:

***Халқ қўзғалса, куч йўқдирки, тўхтатсин,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин.***

Халқ қанча жабру ситам кўрмасин, фалак гардиши айланиб, ахир бир кун қасос соати келади, халқнинг ҳақлиги, халқ истаги ўлмаслигини тарих –истиклолга эришганлигимиз исботлаб берди:

***Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,
Халқ истади – тож ва тахтлар йиқилди.***

Россияда зулм салтанатини кулатган аслида моҳиятан Февраль инқилоби, қўзғолон кўтарган ҳарбий қисмлар ва бошқа гуруҳларга мансуб кучлар эмас, балки халқдир. Аср бошида Туркистонда империяга қарам бўлиб қолган икки хонлик тож-тахтини йиқитган ҳам аслида халқ, унинг иродаси, халқнинг қаҳру ғазабидир:

***Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка,
Кетсин унинг бошидаги кўланка.***

Чўлпоннинг мағрур шахсиятига, эркпараст ва ҳақпараст шеърлятига ғаразли муносабатда бўлган марксчи танқидчилар, айна шу шеърнинг икки сатридан сакталик топиб, тож ва тахтлари йиқилган ўлка, «Октябр инқилоби»дан баҳра олаётган ўлкада яна қандай озодлик келишини истайди у, деб шоирни миллатчига чиқаришди. Чунки ўлка осмони бошидаги «кўланка» большевизм кўланкаси эди, ўша кўланкалар Чўлпон ва чўлпонлар бошини

¹ Чўлпон. «Яна олдим созимни». Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 408-бет.

кундага қўймадимми?

Бу шоирнинг халқни Миллий Уйғонишга чорлаш даъвати ва ҳайқириғи эди:

*Бир, қўзгалур, бир қўпирар, бир қайнар,
Бир интилар, бир ҳовлиқар, бир ўйнар.*

Ўзбекона самимият, оғир-босиқлик, сабру сабот, жувонмардлик жасорати, курашчанлик, қасоскорлик аломатларининг зухур этиши, ўзбекнинг қадимий руҳий шиддати билан уйғунлашиб кетган:

*Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар.*

20-йиллари Туркистон бошидан кечираётган бўҳрон фақат иқтисодий танқислик эмас эди.

«Бузилган ўлка»да – йўқсиллар диктатураси юртнинг туб манфаатларига, миллий заминига зўравонлик, меросга, ер-сувга, ҳалол-пок халқ турмушига тажовуз эди.

Чўлпон ўша мушкул кунларда ҳам халқ иродасига, унинг «йўқликни-да, очликни-да» бартараф этишига ишонади.

Шоир энг оғир вазиятда ҳам халқ биринчи суянчиқ, ҳаёт таянчи бўлиб қолади, деб унинг куч-қудратига ишонади.

*Бутун кучни халқ ичидан олайлик,
Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!*

Халқ денгиздай тинимсиз ва чексиз хилқат, унинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам қудратда денгизга тенг, халқ денгиздай азалий ва боқий, у денгиздай дахлсиз ва муқаддас.

*Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку...*

Уларнинг умри қисқа бўлди, улар куёш эдилар, ерга тез ботдилар, улар ўзбек халқи учун, унинг қуёши тез ботмаслиги учун куйладилар, халқини севган барча Чўлпонлар, Қодирийлар, Фитратлар ҳамиша халққа суянганлар, унинг озод руҳиятида илоҳий ибтидо – Хуррият, Истиқлолият, уйғониш учун жон фидо этганлар.

Эрк ва истиқлолни куйлаш ҳеч бир шоир ижодиётида осон кечмаган. «Негаки шоир эркинлик ўрнига қуллик ҳукм сурган, адолат топган, инсон хўрланган ва камситилган бир шароитда озодлик жарчиси бўлиб майдонга чиқади, ўз сози билан одамлар юрагида истиқлол оловини ёқади.

Бу эса, ҳеч қачон ҳеч қайси замона зўрига хуш келган эмас.

Шунинг учун бундай шоир ҳамиша таъқиб остига олинган, бадарға қилинган, ўлмай туриб ўлдирилган. 20-йилларда Чўлпондан бошқа шоирлар ҳам кўп бўлган, лекин уларнинг ҳеч қайсиси Чўлпончалик жасорат ва фидойилик билан, Чўлпончалик эҳтирос ва маҳорат билан эрк қўшиғини куйлаган эмас. Шунинг учун ҳам Чўлпон XX аср Шарқ шеърятининг энг ёрқин юлдузларидан бири бўлиб қолди».¹

Шу ўринда Ватан учун фидойи шоир ва ёзувчилар, миллатимиз ўзлигини танишида ҳисса қўшган, унинг эрки учун курашган, бугунги истиқлолнинг бунёдга келишида, халқимизнинг миллий уйғонишида жонини аямаган ватандошларимиз қисмати сталинизм Маҳкамасининг қурбонига айланганлиги, мудҳиш тузум уларни айна ижоди гуллаган вақтида домига тортиб кетганлиги кишини аламга тўлдиради. Чўлпон ҳам 1938 йил 4 октябрда отиб ташланиб, ўлганидан бир кун кейин ҳукм ўқилди; Чўлпон ва бошқа ижодкорлар номини тилга олиш, улар ижодини тарғиб этиш қатъиян ман қилинди.

1956 йили Сталин шахсига сиғиниш фoш қилингандан сўнг Чўлпон ва бошқа адиблар СССР олий судининг ҳарбий коллегияси томонидан бутунлай оқланди. Фақат ошкоралик туфайли, Ўзбекистон миллий мустақилликка эришгандан сўнггина Чўлпон ва чўлпонлар адабиётимиз сафига қайтдилар. Улар бугун иккинчи умрини кечирмоқдалар.

XX аср биринчи чораги ўзбек шеърятда ўзликни англаш ва истиқлол ғояси ҳақида мухтасар фикр юритилганда, бу даврда адабиётшунос олим Б.Қосимовнинг эътироф этишича, жадид - маърифатпарварлик шеърятини салмоқли ўринга эга бўлган. Туркистонда кўплаб газета ва журналлар нашр этилиб, унда маърифатпарвар - жадид шоирларининг шеърлари босилиб турган. Юсуф Сарёмий, Васлий, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Ҳожи Муин шеърини тўпламлари халқ мулкига айланган. Сўфизода, Хислат, Тавалло, Сидқий каби шоирларнинг шеърлари салмоқли ўрин тутган.

Айниқса, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Тавалло, Абдулла Авлонийлар туркий элнинг, шу қавмнинг миллатпарварлари, виждони бўлиб фаолият юритдилар.

Афсуски, жадид-мутафаккирларининг ижодидан баҳраманд

¹ Юқоридаги асар, 399-бет.

бўлолмадик. Негаки собиқ тоталитар тузум уларнинг ижодини узоқ вақт ўз элидан, ватандошларидан яшириб келди. Мустақилликнинг шамоли юртимиз узра эса бошлагандан сўнггина биз уларнинг бой маънавий меросидан баҳраманд бўлдик. Уларнинг муборак номлари қайтадан тикланди. Чўлпон ва чўлпонларни ёд этган, уларнинг истиқлол замонидаги шогирди Абдулла Орипов шундай дейди:

*Мен эса Истиқлол яловин тутиб,
Метин сафларингда собит кетурман.
Ўтган шахидларнинг номин ёд этиб,
Юртбошим ёнида бедор ўтурман.*

60–80-ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ВА УНИНГ ПОЭТИК ИФОДАСИ

Истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий ғоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда.

Миллий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади.¹

Маданий меросимизни, ўтмиш қадриятларимизни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маърузаларида бир неча бор таъкидланганидек, ҳозирги миллий маънавиятимизнинг чуқур тарихий илдизларини, шаклланиш босқичлари ва хусусиятларини очиб бериш учун зарурдир. Бу эса ўз навбатида, миллий онг, миллий ғурур, тарихимиз, ўтмиш авлодлар хизматиға ҳурмат-эътиборни, халқ меҳнатиға, ватанға севги туйғусини шакллантириш, янги жамиятимизнинг тўғри ривожини, келажагини оқилона белгилаш, юксак демократик давлат қуриш учун хизмат қилади.²

Президент И.А.Каримов Миллий уйғониш ҳақида шундай дейди:

«Қачонки бизнинг маънавиятимиз озод бўлмас экан, сиёсий озодлик бизға ҳеч нарса бермайди», (Рабиндранат Тҳокур), «Одамларнинг руҳи ва онгини ўзгартириш – бирламчи, ижтимоий ва сиёсий ислоҳ – иккиламчи» (Жамолiddин Афғоний) деган ғояни илгари сурган. Улар кишиларни миллат маънавиятини ҳимоя қилишға чақирган. Чунки маънавият, энг аввало, миллатни, миллий маданиятни, миллий турмуш тарзини муҳофаза этади.³

Чор Россияси мустамлакаси ўрниға келган шўролар ҳукумати ҳам миллатнинг онги уйғоқлиги, миллий тафаккури етуқлигидан, худди чор Россияси каби, манфаатдор эмас эди. Шу боисдан ҳам ўз фаолиятининг илк кунлариданоқ миллий кадрларнинг давлат ташкилотларида фаолият кўрсатишиға тиш-тирноғи билан қаршилиқ қила бошлади.

Миллатни ўзлигидан узоқлаштириш, манқуртлаштириш

¹ Қаранг: И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. 37-бет.

² Маънавият юлдузлари. 3-бет. Ўз бош. акад. М.Хайруллаев.

³ И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. 80-бет.

сиёсатини олиб борди. Миллий тил билан бирга рус тили ҳам давлат тили деб эълон қилинди. Бу – шўро сиёсатининг узоқни кўзлаган ўзига хос дастури эди.

«Ривожланган коммунистик жамиятга кишиларнинг миллатга қараганда кенгроқ тарихий умумият формаси хос бўлиб, бу форма бутун инсониятни бир оилага бирлаштиради» деган ғоя натижаси ўлароқ шўролар иттифоқидаги барча миллатларнинг миллий тили, дини, тафаккури тазйиққа учрай бошлади. Етмиш йилдан ортиқроқ ҳукмронлик қилган шўро ҳукумати миллат бошига кўп оғир кунларни, жабру зулмларни солди ва энг қабиҳона суратда ўзини «халоскор» деб талқин этишни талаб қилди. Шу йўсинда миллат тили, миллат тафаккурини бўғиб ташлади.¹

Совет Иттифоқининг «гуллаб-яшнаган йиллари», 60–80-йилларда «чекка ўлкалар»дан бири Ўзбекистонда аҳвол қандай эди? Халқнинг эрки – ҳуқуқи ўзидамиди, руҳий жиҳатдан озодмиди?

Халқнинг эрк ва ҳуқуқи оташин ўзбек шоири Элбекнинг «Йиртқишлар мажлиси» шеърида тасвир этилганидек кўринишда эди. Унда айтилишича, «Арслон қўйларни идора этиш учун йиртқиш ҳайвонларнинг мажлисини чақирган. Арслон қўйларга, мажлисга ким раис бўлсин, деб сўраганда, тулки икки оёғини кўтариб, таъзим билан, бўрилар уларга раис бўлишга лойиқдир деган.

Бўриларнинг қўйларга раис қилиб сайланганлиги Туркистон халқлари (Ўзбекистон) «Йиртқиш ҳайвонлар» (коммунистлар) томонидан бошқарилганлигига ишора эди.

Маданиятимизнинг энг яхши миллий кадрлари, зиёлилари, ёзувчи ва шоирлари 50-йилларнинг иккинчи ярмидан то 60-йиллар бошларигача Сталинизм қатағони азобини чекдилар. Ойбек, А.Қаҳҳор, Миртемир ва Туроб Тўла бадном этилди. Максуд Шайхзода, Мирзақалон Исмоилий, Шухрат, Шукрулло, Саид Аҳмад сингари адиблар, Ҳамид Сулаймон, Муҳиддинқори Ёқубов, Сулаймон Азимов, Тўхтасин Жалолов ва бошқа олиму санъаткорлар ўз ҳаётларининг маълум йилларини қамоқларда кечирдилар.

1984-1990 йиллар ичида Республикамизда содир бўлган қатағонлар ўзининг моҳияти, даҳшатли оқибатлари ва кўлами жиҳатидан 20-30, 50- ва ундан кейинги йилларда бошидан кечирган

¹ Ҳ.Азимова. Миллий ғоя - жадид драматургиясининг асоси. «Тафаккур», 2000 йил, 3-сон, 113-бет.

жабр-жафолардан ошиб кетди. Бундай адолатсизлик мустамлака Африка ёки Ҳиндистонда ҳам юз бермаган.

Ўзининг бутун ҳаёти, меҳнати, ақл-идроки ва тафаккурини, катта сиёсий тажрибасини ўз тузумига садоқат билан хизмат қилишга бахш этган Шароф Рашидов дунёдан кўз юмиши биланок унга маломат тоши отилиши, сўнгра хоки иккинчи қабрга кўчирилиши тарихда кам учрайдиган ҳодисадир.

«Саксонинчи йиллар қатағонида ҳеч бир республика Ўзбекистончалик талофат кўрган эмас. Нега бу Иттифоққа «ўзбек мафияси», «ўзбеклар иши», «пахта иши» каби айбномалар, халққа қарши қилинган бўҳтон бунчалар кенг тарқатилди?».¹

Гдлян ва Иванов бошлиқ жазо лашкарлари Ўзбекистондай тарихий ва қадимий республикани дунё олдида бадном қилишга муваффақ бўлди.

Саксонинчи йиллар ўрталарида республиканинг 25 мингдан зиёд кадрлари Москва қамоқхоналарида азоб чеқди.

Десантчилар Ўзбекистонда тартиб ўрнатиш баҳонасида ўзбек миллатини чўчитиш, оёқости қилиш, миллатпарвар кишиларнинг жиловини қаттиқроқ ушлаш мақсадида ўн минглаб раҳбарлар устидан жиноий иш қўзғатиб, уларнинг миллий ғурурини топташди. Ўзбекистон чириб бораётган, жон талваса қилаётган тоталитар тузумнинг тажрибахонасига айланди.

Тоталитар - буйруқбозлик тузуми яратган хато ва ўпирилишларни минтақавий ёки миллий ҳодиса деб қараш ғирт тухматдан бошқа нарса эмас эди. Давлат ва халқ мулкани талон-тарож қилиш, порахўрлик, мансабга тайинлашда ошна-оғайнигарчилик ва маҳаллийчиликка йўл қўйиш фақат Ўрта Осиё республикаларига, хусусан Ўзбекистонга хосдир, деб ҳисоблаш тарихий ҳақиқатга батамом зид сиёсатдир. Бундай хато ва камчиликлар турғунлик йилларида совет жамиятининг ҳамма ерида, биринчи навбатда, марказнинг ўзида чуқур илдиз отиб кетган эди.²

Тил – халқ маънавий ҳаётининг асосидир. Бинобарин, миллий тил гуркираб ривожланмаса миллий онг ўсмайди. Миллий онг, миллий маданият ўсмаса, кишиларда миллий ғурур, миллий фахр-ифтихор ривожланмасдан қолади.

¹ И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1993, 87-бет.

² У.Юсупов. Истиқлол шабадалари. Т., «Фан», 1992 йил, 27-бет.

Тил – ҳар бир халқ ва миллатнинг миллий узвийлигини намоён қилишининг муҳим воситасидир.

Собиқ Совет жамияти ҳукмронлик қилган 70 йилдан кўпроқ вақт давомида чекка ўлка халқлари, жумладан, ўзбекларнинг миллий тили, тарихи ва маданияти ривожланишига тўғанок бўлиш мақсадида ишлатилмаган хийлаю найранг қолмади!¹ Бир пайтлар Сталин томонидан ўртага ташланган «Миллий тиллар йўқолади, битта тил қолади» деган башорат собиқ Иттифоқ халқлари, жумладан, ўзбек тилига ҳам таъсирини ўтказмасдан қолмади.

«Иттифоқ» парчаланишига оз қолганда Ўзбекистон Олий Кенгаши ўн биринчи сессиясида 1989 йил 21 октябрда «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинди. Тил учун бўлган курашда ўзбек халқи ўзини кўрсатди. Энг муҳими, бу курашда халқ уйғонди.

Миллий ўзлгимизни англаб олишимизга йўл бермаслик мақсадида мустамлакачилар томонидан олиб борилган зўравонлик сиёсати натижасида миллий ғуруримиз, урф-одатларимиз, инсоний қадриятларимиз ерга урилди. Сохта байналмилалчилик шовқинлари остида халқимизнинг ҳуқуқи, эрки, тили, тарихи, маданияти, дини тазйиқ остига олинди. Миллийлик ва миллий мансубликка, миллий ҳис-туйғу ва миллий ғурурга зимдан зарба берила бошлади.

Тарих сабоғи оку қорани танишимизга, дўстни душмандан ажратишга, мустақилликнинг қадрига етиш ва уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашга, бундан кейин ғафлатда қолмасликка даъват этади.²

60–80-йилларда собиқ Иттифоқ таркибидаги Ўзбекистонда бошқа республикалар қатори талай ижтимоий-маънавий ишлар қилинди.

Нашр ишлари бирмунча яхшиланди. “Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат” ҳамда «Ёзувчи» нашриёти, «Гулистон», «Шарк юлдузи» журналлари, ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси фаолият юрита бошлади. 80-йилларга келиб, «Ёшлик», «Ёш куч» журналлари қўшилди.

Кўп жилдли сайланма асарлар, Ҳамза, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон тўла асарлари мажмуаларининг нашр этилиши маданий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди.

Адабий тафаккурда жонланиш, янги бир уйғониш, кўтарилиш

¹ Қабохат салтанати. Тўплам. Т., “Ўзбекистон”, 1996. 26-27 бетлар.

² Ж.Туленов, З.Ғафуров. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Т., “Ўзбекистон”, 1996, 65-бет.

бошланди. Кекса бўғинга мансуб Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор, Уйғун, К.Яшин, Миртемир, М.Шайхзода, Зулфия ижодга берилдилар. Ш.Рашидов, Шухрат, Саид Аҳмад, А.Мухтор, Шукрулло, Мирмуҳсинлар ортидан М.Бобоев, С.Зуннунова, О.Ёкубов, П.Қодировлар ижод доираси кенгайди.

60–80-йиллар адабиёти ва шеъриятига Ҳ.Шарипов, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ў.Умарбеков, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, Х.Тўхтабоев, Р.Парфи, М.Жалил, Ч.Эргаш, О.Матжон каби истеъдодлар кириб келиб, халқимизнинг миллий уйғонишига ўзларининг улкан ижодий меҳнати билан ҳисса қўшдилар.

Адабий алоқа кенгайди. Тошкент Осиё ва Африка тараққийпарвар адабий ҳаракатининг марказига айланди. Бадиий таржима йўлга қўйилди. И.Гётенинг «Фауст», С.Есениннинг «Форс тароналари» шоир Э. Воҳидов, Дантенинг «Илоҳий комедия»си А.Орипов томонидан маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилинди. Шоир Ж.Камол У.Шекспирнинг трагедияларини инглизчадан ўзбекчага ўғирди.

Мазкур тадқиқотнинг ушбу бўлимида биз, асосан, XX асрнинг 60–80-йилларида ўзбек шеъриятида миллий уйғониш ва унинг поэтик ифодаси ҳақидаги фикрлар билан чекланамиз, шу давр шеъриятининг сирли, яширин, пинҳоний рамкаси остида мустабид тузумнинг иллатларини илғаб, ўзбек халқининг тоталитар тузум исканжасидан чиқиб, мустақил ҳаётга эришишида маънавий-руҳий қарашларини, даврининг виждони бўлган ижодкорларнинг миллий уйғонишга қўшган ҳиссасини, уларнинг ботиний қалбидан чиққан шеърий мисраларни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Собиқ Иттифоқнинг кўплаб ўлкаларида миллий масалаларни ҳал этишда эришилган ютуқлар ортиқча баҳоланди, миллий муносабатлар юзаки, дабдабали талқин қилинди. Оқибатда миллий тилларнинг мавқеи ва истиқболига эътибор сусайди. Халқнинг миллий-маданий кадриятлари, удумлари оёқости қилина бошлади. Бу эса жамоатчилик орасида норозилик кайфиятларини туғдирди.

Салбий ҳодисалар Ўзбекистонда кўпгина соҳаларда мудҳиш оқибатларга олиб келди. Пахта яккаҳоқимлиги кучайди, табиатнинг бузилиши, экологик мувозанатсизлик вужудга келди, боғлар камайиб, ҳосилдор ерлар ҳолдан тойди. Орол денгизи қурий бошлади, пахтазорларда заҳарли дорилар, минерал ўғитларнинг тийиқсиз ишлатилиши туфайли атроф-муҳит бузилди, талаба ва

ўқувчилар пахта теримига жалб қилиниб, қишлоқ аёллари меҳнати ортди.

Тоталитар тузум ички зиддиятларга бефарқ муносабатда бўлди, ижтимоий-маънавий ҳаёт чигаллашиб борди. Шоир Омон Матжоннинг «Гаплашадиган вақтлар» шеърӣ қиссасидаги эзгулик элчиси нигоҳи орқали 60-70-йиллардаги мавҳум, мужмал замонанинг ижтимоий-маънавий қиёфаси мисраларга кўчди:

*Осмон тиниқ, қуёш бирдек бўлгани билан
бир жойларда пайқар эди бунда кўп нарса
чалкаш, ғовлаб кетганини, айниганини.*

*Яхши киму ёмон кимдир, ҳеч ким билмайди
ҳақ сўз қайси, ёлгон қайси, ҳеч ким билмайди.*

Ўтмиш қайси, келажак-чи, ҳеч ким билмайди.

*Китобдаги тўғрими, ё оғиздагиси,
буюрганнинг гапи чинми, ё бажарганнинг,
Мақтанганнинг лофи чинми, ё йиғлаганнинг...*

Адабий жараёнга маъмурий-буйруқбозлик йўли билан аралашилди. «Фуқаро сифатида оқланган» Чўлпон, Фитрат меросини ўрганиш ман қилинди. «Тирик сатрлар» китоби тақиқланди; Қодирий ҳақидаги ҳақиқат юзага чиқмади, Ҳамза, Айний ижоди коммунистик мафкурага мослаштириб талқин этилди, ўтмиш адабий мероси – Яссавий, Бобур, Ҳусайний, Амирий, Ферузлар ижоди инкор этилди.

Истеъдодлар қадрланмай, ўртамиёна асар ёзганларга кенг йўл очилди.

«Аммо ҳақиқат шундаки, худди ўша нохуш ҳодисаларга зид ўлароқ, адабиётда соғлом ақл-идрок ҳам амал қилди; ҳаётда авж олган қабоҳатларга қарши ҳалол, эътиқоди бутун, виждони уйғоқ кишиларнинг нафрати, инкори, исёни ўлароқ юксак фуқаролик руҳи билан йўғрилган талай ҳақиқий санъат асарлари яратилди. Бугунги кунда улар 60-70-йиллар адабиётининг дурдоналари деб аташга лойиқ. Собиқ иттифоқ адабиётининг таниқли намоёндалари А.Солженицин, В.Шукшин, Ю.Трифонов, В.Тендряков, В.Астафьев, Ф.Абрамов, В.Распутин, Ч.Айтматов, В.Биков, Н.Думбадзе каби адибларнинг роман ва қиссалари, Р.Ҳамзатов, Қ.Кулиев, Е.Евтушенко, А.Вознесенский сингари шоирларнинг шеър ва дostonлари 60-70-йиллари мамлакатда халқ қалбининг қудратли тугёни, виждон ҳайқириғи бўлиб садо берди. Ўзбек адабиётида

А.Мухтор, Зулфия, Шухрат, Саид Аҳмад, Шукрулло, С.Зуннунова, О.Ёкубов, П.Қодиров, Э.Воҳидов, А.Орипов, Ш.Холмирзаев, Ў.Ҳошимов, Ҳ.Шарипов, Р.Парфи, О.Матжон, М.Жалил каби ижодкорларнинг энг яхши асарлари шу улкан адиблар овозига ҳамоҳанг янгради».¹

Истиқлол йилларида «қизил империя» истибдоди давридаги, жумладан, 60-70-йиллардаги ривож, хусусан, шеърятдаги ижтимоий фуқаролик руҳи, даврнинг кескин масалаларини кўтариб чиқишга мойиллик майллари хусусида бирёқлама фикрлар ҳам билдирилди, шеърят кундалик ҳаёт муаммолари билан банд бўлиб, умумбашарий қадриятлар ифодаси эътибордан четроқда қолган, деб чиқдилар. Балки булар ўринли таъналардир. Бироқ, мумтоз шеърятнинг барча шакллари, жанрлари, усуллари, сарбаст ва оқ шеър хиллари бу даврда ўзини тўла намоён этди. Алаҳхусус, халқда ўзлик йўқ эди. Бу тузум (амалдаги социализм) ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манкуртларга таянар эди. Шунинг учун ҳам эски Совет тузумининг байроқларида ва шиорларида баён қилинган ғоялар амалдаги ишлардан ниҳоятда йироқ эди. Шу боис давлат ва халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик бўлиб, моддий-маънавий, миллий қадриятлар бу тизимда орқа ўринда турар эди.

80-йиллар охирларига, хусусан, истиқлол даврига келиб, аҳвол ўзгарди. Етмиш йиллик зуғумлардан сўнг миллий-мафкуравий асарлар яратила бошланди.

Адабиётшунос олим Яшар Қосимов «Янги ўзбек шеърятининг поэтикаси» туркумидан «Авлоднинг изланиши»² номли мақоласида «Бизнингча, олтмишинчи йилларни шахсга сиғиниш психологияси ва конфликтсизлик иллатларига қарши кескин курашлар даври, адабиётимизнинг ўз реалистик мавқеини тиклаш, янги ижодий уфқлар сари қизғин интилишлар босқичи каби баҳолаш – мазкур босқичдаги адабий-маданий об-ҳаво мураккаблигини ва зиддиятларга бойлигини тўғри тасаввур этиш ва ёритиш учун ҳаққоний ёндашув бўлади!».

Бадий тафаккурда рўй берган ўзгаришлар мантиғи Ойбек, Шайхзода, Миртемир каби файласуф шоирлар ижодида инъикос

¹ Б.Назаров. XX аср адабиёти. 60-бет.

² Я.Қосимов. Янги ўзбек шеърятининг поэтикаси. Шарқ юлдузи, 1996, 3-сон 110-бет.

топди, шеърятга кириб келаётган ёш шоирлар дунёқарашига таъсир этди. Ойбек ижодидан авлод-аждодлар кадрлаган, минг йиллар мобайнида амал қилиб келган инсоний-маънавий ҳақиқатларнинг сарҳадларини аниқлаш, маъзини чақиш зарур:

*Сирли йўллар босиб, кезамен осмон,
Ўйлаймен, ўйлаймен, сира билмаймен...
Осмонга сепилган олтиндан сомон,
Ҳақиқат нимадир, ўйлаймен ҳамон.¹*

Азал-абад ҳаёт ҳақиқати ва ўз даврининг энг муҳим муаммосини англаб етмаган авлод адашишга маҳкумдир.

Шоирнинг фалсафий талқинига кўра, инсоф ва иймон, яхшилик ва эзгулик, ростўйлик ва диёнат, меҳр-оқибат ва муҳаббат бевосита ҳақиқат билан эгизак тушунчалардир. Чунки ҳақдан кўрқмаган, ҳақиқатдан воз кечган муҳитда ёмонлик ва ёвузлик, сотқинлик ва хиёнат, ўз қавмига ғазаб ва нафрат, тухмат ва разолатлар авж олади. Унда ҳайвоний «мен» бош кўтаради, уйғонади. Бу ўринда буюк ва бокира Ойбекка ишонмасликка, заррача шубҳаланишга ҳаққимиз йўқ.

Жабрдийда, мунгли Ойбек ўз замонининг турфа даҳшатларини тақдирида синаб кўрган. «Ёмонлардан зинҳор, дўстим, ҳазар қил. Фирибгар ошналар зимдан тўсар йўл. Ҳақиқатни севмас виждонсиз, бахил. Куйганман улардан: ёғдурган тош-дўл».

Ойбек умрининг сўнгги лаҳзаларида, қалб изтироби ва хасталикнинг оғир асоратларига қарамай, фалсафий тўртликларида янгиланаётган миллий-ижтимоий муносабатлар негизида чин инсоний маънавият ва ҳаққоният метиндай мустаҳкам тузилажагини истади.

Омон Матжон ўша давр фожеаларини, зуғум ва тазйикда қолган миллат мудроғини Ойбекона ифодалайди:

*Лекин бир халқ мудраб, ётинқираса,
Ҳар кимга ўз тинчи ёқинқираса,
Шоирлари кўрқиб босинқираса,
Халқни ким уйғотар,
Саволим шулдир.²*

Бекиёс Ойбек ўзининг ва бахтиқаро авлоддошларининг кўрган-

¹ Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 19 жилдлик, II жилд. Т. «Фан», 1975, 289-бет.

² Омон Матжон. Одамнинг сояси қуёшга тушди. Т., «Ёзувчи», 1991, 3-бет.

кечирганлари келажак наслларнинг ҳаёт йўлларини машғалдай ёритишини орзу қилади. Худди шундай ҳаётӣ шеърӣят Мақсуд Шайхзода, Саида Зуннунова каби устоз шоирлар ижодида ҳам зоҳир бўлди.

60-йиллар шеърӣятининг илк қалдирғочларидан Эркин Воҳидовнинг ўша давр ижтимоӣ муҳити ҳақидаги «Тасаввур» номли шеъри қаҳрамони болаларча соддалик билан муаллимадан ер тез айланса-да, нега одамлар ундан тўкилиб кетмаслиги ҳақида кизиқиб сўрайди. Муаллим бир челақ сувни боши узра айлантириб, ундан бир қатра сув тўкилмаганини, агар тўкилса, инсон томчи сувдек йўқ бўлиб кетишини айтади:

*Йиллар ўтиб кетди ва лекин ҳамон
Ўша илк тасаввур яшайди менда.
Бир челақ сув каби айланар жаҳон,
Мен-чи, бир томчиман ўша тўлқинда.
Учар замон билан қалқиб, чайқалиб,
Чарх уриб бораман гирдоблар аро.
Бешафқат тезликда асабим толиб,
Бир нафас тин олсам дейману аммо,
Мендами ихтиёр?
Югурар замон,
Шиддати ўтади ҳар бир толамдан.
Тўхтасам тўкилгум бир томчисимон,
Томчидек йўқ бўлиб кетгум оламдан.¹*

60-йиллар ёш шоирлари эрк ва адолатга, миллий-маънавий мустақиллик ва ижтимоӣ тенгликка, чинакам инсонӣ ҳақиқатга ташналик билан ижод этдилар.

Миразиз Аъзам «Ҳақиқат» шеърида ҳақиқат учун эрк ва озодликка, ўзликни англаш ва миллий уйғонишга даъват этади:

*Э, ҳақиқат, кўз ўнгимда порлаб тур,
Э, ҳақиқат, кўксим аро ўйнаб юр.
Э, ҳақиқат, қонимда оқ мавъжланиб,
Э, ҳақиқат, жисмим аро маскан қур.²*

“Шеърдаги поэтик ҳақиқат реал, ижтимоӣ ҳақиқатнинг ўзгинасидир. Лирик «мен»нинг кечинмалари – туткун Ватанда

¹ Эркин Воҳидов. Мухаббат. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 159-бет.

² Миразиз Аъзам. Сабот. Т., 1983, 4-бет.

озодликка зор бўлиб яшайдиган, инсоний ҳуқуқлари чекланган, миллий ҳақ-ҳуқуқи топталган одамнинг, қунончақ зиёлининг изтиробларидир. Бу жиҳатдан Миразиз Аъзамнинг лирик «мен»и ўз сафдошлари, айниқса, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Муҳаммад Али сингари шоирларнинг лирик қаҳрамонлари билан руҳан яқин. Улар кўп нуқталарда бир-бирини тўлдиради, ривожлантириб боради».¹

Олтмишинчи йиллар шоирлар авлоди ўз ижодларида XX аср ўзбек шеърятининг кўпроқ қатағон қилинган қанотига суянадилар.

Лирик қаҳрамоннинг безовта маънавий изланишлари Чўлпон Эргашнинг 60-70-йиллар шеърий ижодига хосдир. Мавжуд ижтимоий воқеликка шубҳа билан қараш: ўша тузум иллатларини англашга интилиш унинг «Шубҳа» (1967 йил) шеърида муаллифнинг ижтимоий адолат, ҳақиқат борасидаги азобли, изтиробли ўйлари руҳияти образли шаклда ифодаланган.

Чўлпон Эргаш лирикасидаги «ёр», «сен», «мен», «у» сингари анъанавий поэтик образлар 60-йиллар ёшлар шеъряттида «Ватан», «Эрк», «Халқ», «Эл-юрт», «Бахт» сингари миллий армон ва орзуларни ифода этган:

*Чўлпон каби кечроқ кўзим очибман, билсам,
Бироқ менга кечиккан бахт керакмас, қўллик.²*

Чўлпон Эргаш ўз руҳий ҳолатини Ватан эрки йўлида ўз жонини қурбон қилган Абдулҳамид Чўлпон билан қиёслайди.

«Шубҳа» шеърининг лирик қаҳрамони оғир ижтимоий ҳаётдан рози эмас.

Қулларча яшашдан қутулиш йўллариини излайди. У шубҳаю иккиланишлардан, ошкора кураш йўлига киришга, ҳаёт-мамот жангларига чорлайди: «Тургин сен ҳам яшин бўлиб яшнагин энди, ўт қўйлик бу дунёнинг сур бандасига. Шубҳаларга эрк бермоқни ташлагил энди. Басдир шунча ўйнадик биз чирмандасига. Дунё сенга базми жамшид саҳнаси эмас. Аллакимнинг бастасига йўргалаш учун у ботирлар қароргоҳи у, бас, ҳаёт-мамот кураш борар унда туну кун». Бу курашнинг илк босқичи – лирик қаҳрамоннинг ўз ички дунёсидаги келишмовчиликни, иккиланиш ва ишончсизликни

¹ Яшар Қосимов. «Шарқ юлдузи», 1996, 3-сон, 114-бет.

² Чўлпон Эргаш. Энг баланд қаср. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1986, 123-бет.

енгишга уриниш ҳолатлари билан характерланади. Зотан, дунёни англаш, ўзини англашдан бошланади.¹

60-йиллардан бошланувчи янги босқич ўзбек шеъриятида ҳаққонийлик ва инсонпарварлик принципларининг чуқурлашувида, бадиийликнинг янги-янги имкониятларини излаш, топиш ва қўллашда кенжа авлод, унинг айниқса, пешқадам вакили Абдулла Орипов асарларида муҳим аҳамият ва мазмун кашф этди. Абдулла Орипов 60-йилларнинг энг мураккаб, оғир шароитларида ҳам истиқлол ғояларини қуйлашга ҳаракат қилди:

Шоир қаламида ҳасратлар қат-қат,

Шоирни чулғайди ўйлар дафъатан.

Яшаб қолармикан шеърим оқибат?

Озод бўлармикан нотавон Ватан?

Ўз даври ғоявий талаби бўйича шўро шоири фақат хурсандчиликни қуйлаши керак бўлиб, зорланишга, ҳасрат чекишга ҳаққи йўқ эди. Ватаннинг нотавон эканини, унинг озод бўлишини орзу қилиш саробга интилишдек эди.

60-йиллар ёш ўзбек шоирининг нега ҳасрат ва надомати бунчалар бисёр. Негаки, Ватани осмонидан ҳали қуюнлар, кузғунлар аригани йўқ. Кўпчилик ҳаётни олқишлаб, унга ҳамду сано ўқиб юрганида, унинг ботиний қалби безовта, қафасдаги қушдек озод эмас, чунки «шайтонга ўртоқлар» мавжуд эканлигини у «Юзма-юз» шеърида айта олган:

Ҳа, мен истиқболни ўйлайман, балли,

Унда халқ йўлига туташар йўлим.

Бироқ «ура»ларни севмайман ҳали,

«Ура» демокликка қисикдир тилим.

Баъзи одамларни кўрсатиб ҳали

Қийиндир соф инсон, дея атамоқ.

Гарчи инсон зоти бўлолмас пари,

Бироқ ҳали бордир шайтонга ўртоқ.

Филология фанлари номзоди Тоҳир Шермурод «Шеъриятда ширкнинг шарпаси»² номли мақоласида «Бу – ўпкаланиш, исломий ёхуд адабий насиҳат эмас, мушоҳададир. Кечмишни тушунмоқ, хатолардан тийилмоқ, истиғфор айламоқ – йўлимиздир. Тазйиқкор

¹ «Шарқ юлдузи», 1996, 3-сон, 116-бет.

² Тоҳир Шермурод. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1997, 22 август.

собик тузум «дарсини», «Айтсам тилим куяр, айтмасам – дилим» ҳолатидаги эрксизлик азобини унутмаган адабиёт Истиқлол қадрига муносиб куйламоқни ҳам билади. Чўлпонни, Ҳамид Олимжонни, Ғафур Ғуломни, Эркин Воҳид, Абдулла Ориф ва Рауф Парфиларни, уларнинг ранго-ранг, беназир адабий фазилатларини қадрлайман. Замондошлигим, нафасдошлигимдан қувонаман. Муддао эса ҳеч бир ўзбекда гина, шахсий шон-шухрат, хатоси бордан қочиш бўлмаслиги зарур. Негаки, Ватан деб, миллий ғурур деб, маънавияти юксак насллар деб ёниб меҳнат қилмоқ кунлари келган. Яна Ҳамзамиз айтмоқчи: «Бу кун иззат-хурмат, даража ва мартаба талаб этув куни эмасдур, англаш куни! Бу кун ҳар бир миллатин тонувчи, суювчи зотга белини устидан боғлаб югуриб хизмат қиладурган кун...»¹

Шуни унутмаслигимиз керакки, чор истилоси, сўнгра Совет тузumi – коммунистлар ҳукмронлиги даврида одилонга сўз айтиш катта журъат, жасорат талаб қилинадиган воқелик эди. Турмушнинг қайси жабҳасида бўлмасин бундай жасорат учун жазо муқаррар эди. Халқ вазмин бўлса-да, унинг исёнкор фарзандлари – ижодкорлари жуда эҳтиёткорлик билан халқ тили учиди унинг ғазабнок аламию дардларини мажозий тарзда бўлса ҳам айта олдилар. Бу ҳамма ижодкорга эмас, халқнинг камгина истеъдодларига насиб этди, холос.

Тадқиқотчи Яшар Қосимов «Эркин ижод ва ижод эркинлиги» мақоласида қайд этганидек, XX аср ўзбек адабиётида, хусусан, шеъриятимизда тутқун ижтимоий муҳитда санъаткорнинг ўзига хос маънавий-ахлоқий фаолиятига доир бебаҳо ва ноёб эстетик тажриба шаклланди. Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Ойбек, Усмон Носирлар ижодининг ўлмас сабоқлари, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, А.Қаҳҳор, Шайхзода, Миртемир, Шухрат, Асқад Мухтор, Зулфия, Шукрулло каби забардаст адибларимизнинг айрим асарлари шундан далолат беради. 60-70-йилларда адабиётимизга дадил кириб келган турли адабий насллар ижодий изланишларида ҳам, табиийки, мазлумлик шароитида ижодкор ўрни ва ҳаётий мавқеи каби муҳим муаммолар диққат марказида туради. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфилар авлоди ва уларнинг издошлари ижодида бу масала бадиий-фалсафий йўналишда чуқур талқин этилди. Фақат айрим шеърларидагина эмас, «Рухлар исёни», «Жаннатга йўл» каби

¹ Тоҳир Шермурод. Ўзбекистон адабиёти ва санъати 1996, 30 август.

салмоқли дostonларида ҳам Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов буткул эркисизлик ва ҳуқуқбузарлик муҳитида ижодкор қисмати, эл-юрт тақдири, ижодий эрк ва ҳаққонийлик зарурати каби ғоят муҳим масалаларни мардоналик билан авж пардаларда куйлайдилар.¹

Хомашё заҳирасига айланган ўзбек пахтакори ўзи киймай «бошқалар»ни кийдиргани, олис мозийда ҳам рўшнолик кўрмагани, осмон ёриткичларни кашф этиб, авом деган ном олгани, тенгдош ижодкорларнинг бу ҳодисотларга лоқайдлиги шоир Абдуллани жунбушга келтиради.

Қадр-қиммати йўқолган, шаъни-шавкати топталаётган, зиёлиси ҳам тубанлик сари бораётган халқнинг ҳоли не, қисмати қандай тугаши Абдулла Ориповни хаёлотга чўмдиради, элнинг манкуртларга куни қолмаслигини, улардан эҳтиёткор бўлишини истайди ва фарзандларини уйғонишга даъват этади:

Кўнглим тўлиб кетар, инграйман халқим,

Халқим, мозий ўтди, толе кўрмадинг,

Пиширдинг, ўзингга бенаиб таом.

Кийгиздинг бировга, ўзинг киймадинг,

Юлдузни кашф этиб, ном олдинг авом...

Дейман: қани ёнса авлод қонида

Ўша оталарнинг буюк шиддати.

Худбин тенгдошимга қарайман ғамгин,

Кўлмак давра кўрсам эзилар кўнглим.

Халқим, келажакнинг ўшалармикин.

*Халқим, шундайларга қолмасин кунинг...*²

Абдулла Орипов шеърятининг тенгсизлиги, беқиёслиги у миллатни манкуртликдан сақлаш, ўзлигини таниш, муқаддас тушунча, эркини ва озодлигини таъмин этиш, ота-боболар юрти бўлган шу она замин, шу тупроқда яшаётган туркий халқларнинг ери эканлигини эслатади. 60-70-йилларда қўли қанчалик узун бўлмасин, йўлига ҳатто тоғлар ғов солса ҳам эзиб-янчиб ташлашдан қайтмайдиган ёвуз кучга айланган “қизил салтанат” халқимиз дилига қанчалик озор бермасин, шоир унга тик боқиб ҳақиқатни айта олди:

Инсон қалби билан ҳазиллашманг Сиз,

¹ Я.Қосимов. Янги ўзбек шеърятининг поэтикаси. Ўзбекистон адабиёти ва санъати 1996, 30 август.

² А.Орипов. Бедорлик. Т., «Маънавият», 2001, 15-бет.

*Унда миллат яшар, унда тил яшар.
Унда аждод фахри яшайди сўзсиз,
Унда истиқомат қилади башар.
Инсон қалби билан ҳазиллашманг Сиз,
Унда она яшар, яшайди Ватан.
Уни жўн нарса деб ўйламанг ҳаргиз,
Ҳайҳот! Қўзғалмасин бу қалб дафъатан!..*

А.Орипов ва Р.Парфи лирикасида ижодкор тақдирининг фалсафий таҳлили, хусусан, миллий-ижтимоий ҳуқуқсизлик шароитида шоир қисматининг ғоят чигаллиги мунтазам равишда ўз аксини топиб келган. Зеро, А.Орипов бекорга «Шоир бўлиш қийин, шоир бўлиш оғир», демаган.

«Қалам ҳақ бўлганидан ҳар кун боши кесилади», дейди ҳазрат Навоий.

Адабиётшунос Норбой Худойберганов «Жанговарлик ва масъулият» мақоласида 60-йиллар ўрталарида ижод қилаётган ёш ўзбек адиблари, шоирлари ҳақида шундай фикр келтиради. «Бир қанча ёш шоирлар, адиблар қатори Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди», Шукур Холмирзаев, Анвар Эшонов ҳикоялари, Юсуф Шомансур, Жамол Камол шеърлари, шунингдек, рус тилида қалам тебратаётган Раҳим Фарҳодий асарлари таҳлил этилди. Абдулла Ориповнинг шеърларида ўзбек халқининг қувонч-шодлиги, қаҳрамонлиги акс этганини қайд этиб, Қайсин Қулиев, Давид Қуфилтиновлар ёш шоирнинг истеъдоди ноёб асарлар яратишга қодир эканлигини гапирдилар. Улар Абдулла Орипов ижодида ҳозирги замон учун сув билан ҳаводек зарур ижтимоий муаммолар бадий тадқиқ этилаётганига эътибор бердилар».¹

Абдулла Орипов даврнинг ҳаққоний, улуғвор образини яратишга интилиб, унинг тарихий илдизларига мурожаат этади; ўз замондошини фаолликка, ғайрат ва шижоатга даъват этиб, бунини асослаш учун ота-боболар йўлига, фидойилигига эҳтиром билан фохрия айтади:

*Кўзларингни очгин, қара дунёга,
Дўстим, ҳақиқатни ҳис эт бир замон.
Сен учун, мен учун жангда мардона
Миллион-миллион одам тўккан эди қон.*

¹ Норбой Худойберганов. «Шарқ юлдузи» журнали. 1967 йил, 7-сон, 200-бет.

***Тарих бизлар учун жангга кирганда
Нима керак яшаи ўргимчак мисол...¹***

Давр нуқтаи назаридан, Советлар тузуми тазйикларидан ҳайиқибми ёки тоталитар тузумнинг манфур ғоялари қолипидан чиқмаслик учунми миллий истиқлол ғоялари ҳақида ҳамма шоир ва шоиралар куйлади, дейиш адолатдан эмас. Биз уларни бунинг учун айблаш фикридан йироқмиз. А.Орипов, Э.Воҳидов, О.Матжон, Р.Парфи, А.Суюн, Ш.Раҳмон ижодиётига синчиклаб назар ташланганда, бу ижодкорлар тенгдошларидан фарқли ўларок, эрк ва истиқлол, миллий ўзликни англаш, миллий уйғониш ҳақида теран фикрларини ҳеч истиҳоласиз айта олган.

Азим Суюн «Қадимги Нурота кўшиқлари» туркум шеърларида «Қайси юртда чинакам ботир эрса йигитлар, ўша юртнинг эллари ёвларга кул бўлмағай», «Арғумоқларга мининг, ғолиб қилич ёр бўлсин. Бу дунёда ҳар кимнинг ўз ватани бор бўлсин» дея ўша йилларда ҳайқириб шеър ўқийди. У юртфуруш, келгиндиларни лаънатлайди, сурувни бўриларга эгасиз қолдирган чўпонни тентак, телба деб атайти:

***Фарқсиз эрур болта учун –
Қай дарахтга сарфлар кучин.
Юрт бойлигин, келгиндимас,
Кўздай асраш – сенинг бурчинг,
Олов чиқмас мўриларга,
Лочин қўнмас сўриларга.
Тентак Чўпон ишонгайдир
Ўз қўйларин бўриларга.²***

Эрк ва адолат излаганлардан бири миллатпарвар марҳум шоир Шавкат Раҳмон (1950-1996) эди. У эркни, миллий озодликни, миллий уйғонишни куйлашни ифтихор деб биларди:

***Начора... уйғониш...
Ғафлат ғафлат-да,
Зўр келса манглайга кифоя бир ўқ.
Минг афсус, яшаймиз шундоқ давлатда***

¹ Норбой Худойберганов. “Шарқ юлдузи” журнали. 1967 йил, 7-сон, 200-бет.

² Азим Суюн. Замин тақдири. Шеърлар. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 47-бет.

Жиноятлар кўпу жиноятчи йўқ.¹

Шавкат Раҳмон нега жиноятчи йўқ, жиноятлар кўп демокда? Ленин, Сталин тузумларидагина эмас, кейинги мафкураси тоза дейилган социализм даврида ҳам давлат тепасида жиноятчилар ўтиришарди, жиноятлар нукул чекка ўлкалар «ҳисоби»га содир этиларди.

Имони бут миллатпарвар кишилар собиқ тузумнинг ғояларига қарши тик кураша олганлар, тобеликни ўзлиги учун хиёнат деб билганлар, шўролар даврида азоб-уқубатга маҳкум этилдилар. Шавкат «Гиря» номли шеърида («Гиря» – нола, фарёд маъноларини беради) Ватанида эркак эришолмаганлар ҳақида шундай ёзади:

***Иймоним деганлар,
Миллат деганлар,
ёвга терс қарамоқ иллат деганлар,
ўзликка хиёнат қилма деганлар
зор қақшаб йиғлайди вайроналарда.²***

Шавкат Раҳмон ўзига Фаустдан шиор танлайди: «Ҳар куни курашга чиққан – яшашга ҳақли!»

***Сўзларни қайрайлик,
дўстлар, жўралар,
Ғафлат тўшагида ётмай, шошайлик:
Яшамок, курашмоқ, ўлмоқ сирларин
Болакайлар учун очайлик.***

Бу шоир вазиятнинг эмас, қисматнинг шоири. Унга давр эмас, у даврга мавзу берарди, у даврни эмас, уни давр тинглашини истарди. Адабиётшунос олим Раҳмон Кўчқор «Қалб табиати» номли мақоласида Шавкат Раҳмон шеъриятидаги миллийликни таҳлил этар экан, шундай ёзади: «Эслайсизми, Ч.Айтматовнинг «Кунда» романидаги она бўри Акбаранинг тунда Ойга қараб узоқ-узоқ увлаганларини. Болаларидан, туғилган, туққан ерларидан, жуфти Тошчайнардан ва энг аламлиси, зурёд қолдириш умидидан мосуво этилган бўри бировга шикоят этмайди, кимгадир ялиниб, аллақайдан нажот кутмайди, балки увлайди, аччиқ-аччиқ увлайди. Шоирнинг тубандаги мисралари худди ўшандай увлаш эмасми, миллатнинг забун ҳолидан, шўро оёғи остида топталган муборак Ватанининг

¹ Шавкат Раҳмон. Сайланма. Шарқ, Т., 1997, 336-бет.

² Шавкат Раҳмон. Сайланма. 364-бет.

пажмурда жисмидан ўртаниб куйиш эмасми?

«Эл қирилди туркий ўлкада, эр қолмади – келди ажали, ким қонига ботди йўлкада, ким ғажилди намоз маҳали».

Айни шундай шеърлар, аслида, истиқлол ҳақидаги фикрнинг, туйғунинг туғилиб вояга етишини, куч ва эътиқодга айланишини таъминлаган эди. Бироқ ўша пайтлардаёқ шоирнинг умиди, ишончи, худога айтгани бор эди. Чунки у Акбарадан фарқ қилароқ ИНСОН эди, катта бир халқнинг, буюк бир миллатнинг вакили, оддий вакили ҳам эмас, ШОИРИ эди.

Ёлғиз миллатпарварликнинг ўзи билан шеър дунёга келмайди, шеър жисмида дард яшайди.

Кўринадики, шоир истиқлолни жим кутмаган, мустақилликни хомхаёл деб билган эмас, аксинча, уни жуда реал кўрган, аниқ ҳис қилган, унга етишув усулларини шеър руҳидан излаган. Ҳақиқий янги давр, ҳақиқий янги қаҳрамон бундан анча илгариёқ туғилган, вояга етаётган, ўзгаларни ҳам уйғониш йўлига, ўзликни англаш йўлига чорлаган эди.¹

Шоир Шавкат Раҳмоннинг «Хиргойи» номли шеърига бир назар ташлаймиз:

Ҳаммамиз қуёшда куйган жисзамиз,

Қачон тиз чўкувдик, ҳамон иззамиз.

Сирқираб оғрийди шишган тиззамиз,

Ўриндан озгина турсак майлиму?

Ўтганлар бари бек, қолган жавдирар,

Гардинда кўринмас гуллар шалдирар,

Меҳнатдан ёрилган қўллар қалтирар,

Ўз беким ерида юрсак майлиму?

Насимлар гулламиш озод тоғларда,

Озодлик муждаси сўлу соғларда,

Боболар қийналиб тиккан боғларда

Азанаб бир хаёл сурсак майлиму?

Неча минг аллома, жўмардлар ўлган,

Тафаккур сасиган, руҳлари сўлган,

Уруғлар айниган тап-тақир чўлда

Ўз беким давлатин қурсак майлиму?

Юз эллик йилдирки мана шу ҳолат,

¹ Раҳмон Қўчкор. "Қалб табиати". Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996 й., 29 март.

*Ҳануз давом этар маккор тижсorat,
Билмадим, қаердан ушбу жаҳолат,
Нега сиз бўлмайсиз сира хижолат?
Нега мен сўрайман сиздан ижозат?*¹

Танқидчи Р.Раҳмат шоирлиқнинг мураккаб жиҳатлари ҳақида шундай дейди: «Фрейднинг ёзишича, муддатидан илгари жинсий етилиш ҳам кейинчалик инсоннинг ижодкор бўлишига сабаб бўларкан. Реал онгдан онг остига қувғин қилинган фикрлар, ўйлар, истагу хоҳишлар ижод манбаидир, дейди у яна. «Ўғлингиз келгусида адабиётчи бўлишини истасангиз, – деб ёзади рус муҳожир олими Лев Шестов, – уни тартиб билан ҳар хил дурдона асарларни ўқишга мажбур қилманг. Бефойда. «Бир иш чиқмайди. Яхшиси фарзандларингизни тўртинчи қаватдан улоқтириб юборинг, ўлмай қолса, келажақда адабиётчи бўлиши мумкин. Ёки у биронта қизни қаттиқ ва умидсиз севиб қолсин, агар бу дард уни ўлдирилмаса, у шоирга айланади». «Наҳотки, шеър туғар эмиш аламлар», дейди Р.Парфи. «Чўнг ларза юз берди қалбда ногихон» деб ёзган эди А.Орипов. «Кўпчилик шоирлар катта бойлик, гўзал ҳаёт ва баланд мартабага онгли равишда қўл силтаб, аксарият ҳолларда одамни моддий қашшоқлик ҳамда йўқсизликка гирифтор этиши муқаррар бўлган шеър йўлига кирганликларини ўқиганман».²

«Э.Воҳидовнинг «Муҳаббат», А.Ориповнинг «Юртим шамоли» тўпламларини бугунги шеърятимизнинг катта ютуғи сифатида баҳолаш мумкин. «Муҳаббат» ва «Юртим шамоли» китоблари поэзиямизда сўнгги 15-20 йил ичида содир бўлган жиддий кўтарилишнинг моҳиятини англашга имкон беради. Бу китоблар бугунги янги поэзиянинг ёрқин намуналари, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов эса шу янги поэзиянинг қарвонбошисидир».³

Етмиш йил давомида шеърятимиз, ижодкорларимиз ҳукмрон мафкура, сиёсат тазйиқида бўлиб келди. Бу тазйиқдан четда туришга, мустабид тузум адабий ақидалари қобиғини ёриб чиқишга дадил уринишлар ҳам бўлди. Бироқ, жасур, ҳақгўй шоирлар ҳар қанча уринмасинлар, барибир уларнинг қонида Чўлпон айтган сусткашлик давом этди, тутқунлик зуғуми қандайдир кўринишда ўз асоратини

¹ Шавкат Раҳмон. Сайланма. 355-бет.

² Р.Қўчкор. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996 й., 26 апрель.

³ Озод Шарафиддинов. Талаф халқ мулки. «Ёш гвардия» Т., 1979, 126-бет.

қолдирди. Фақат 80-йиллар охирларига келиб, шоирларимизда рухий эркинлик тўла намоён бўла бошлади. Э.Воҳидовнинг шу давр маҳсули бўлган «Ватан умиди» шеърида шундай сатрлар бор:

Агарчи исмим Эркин,

Эрки йўқ, банди кишан бўлдим,

Кўзим боғлиқ, дилим боғлиқ,

Тилим йўқ, бесухан бўлдим...

Чекибдур Бобуру Фурқат

Ватан ҳажрида афгонлар,

Мен эрсам, ваҳ, не гурбатким,

Ватанда беватан бўлдим.

Олисда, оҳ, диёрим, деб,

Согинган, эй ватандошим

Дема сен ўзни бебахт,

Бахти йўқ аслида мен бўлдим.¹

Шоирнинг бир қатор шеърларида, хусусан, Ватан, жонажон Ўзбекистон, ўзбек халқи тўғрисидаги қасидаларида юртга эғалик, ўз бахти билан фахрланиш, ифтихор туйғуси уфуриб туради.

Мустабид тузум шеъриятдаги истеъдодларнинг «мен»лигини маҳв этди, ўзликни англаш, намоён этиш майлини сўндирди, ҳақиқатни англаш, ўзликни кидириш деярли сўниб борди. Чўлпондан кейин то 60-йилларга қадар қалбини, хатоларини салгина бўлсин бўйнига олган бирорта шоирни билмаймиз. Чунки кўнглида Аллоҳ, Иймон, Ўтиқод, тансиқ илоҳий ҳақиқат йўқ бўлгандан кейин ўзликни тафтиш қилиш, тавба - тазарру учун ўрин ҳам, ҳожат ҳам қолмайди. Хайриятки, кечикиб, бўлса-да, адабиёт, шеърият, шоирларимиз шу азалий муқаддас анъаналарга қайта бошладилар. Э.Воҳидов шу ҳаракатнинг бошида турганлардан бўлди:

Кечир, янглишмаган ким бор,

Менинг ҳам қўп гуноҳим бор.

Одамзод асли нокомил,

Кечир, ё раб, кечир, ё раб!

Шоир «Юрагингда макон тутган кул» шеърида кулликка маҳкум этилган юрак, қалб изтиробини мисраларга кўчиради:

Билмам қандоқ, не сабаб, қачон

Ҳаётингга ошно бўлган ул –

¹ Ё Назаров Э.Воҳидов. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. 451-бет.

Боши эгик, бесўз, бепоён
 Юрагингда макон тутган қул...
 Бургут эдинг, парвози баланд,
 Сенга ҳам ёр зулфиқор дўлдул.
 Нечун увол мусича монанд
 Юрагингда макон тутган қул...
 Умр – қошу киприк ораси,
 Гадоликдан адолик маъқул.
 Қуллар ичра энг бечораси
 Юрагингда макон тутган қул...¹

«Ватан истаги»да Чўлпонона исён ва алам нидоси янграйди:

Бас, етар ёлгон саодат,
 Ёлгон эрк, ёлгон Ватан.

Шоирнинг «Яхшидур аччиқ ҳақиқат» китобида «Туш» деган кичик шеър бор. Унда туш билан ўнг, одамнинг аросатдаги мудроқ, ланж ҳолати устида гап боради. Шоир такрор-такрор бир хил туш кўради, тушида мудраб юрган эл ичида юради, улар билан бирга ўзи ҳам аста кадам судрайди:

Бу – туш дейман,
 Уйгон, дейман,
 Уйғонолмай мудрайман.

Бу туш оддий туш эмас. Бу бутун халқ бошига тушган кулфат. Бу ғафлат босган бандалар орасида ғафлатга дучор шахс фожиаси. Шоир Яраттанга муножот қилиб, оғир қийноқнинг охири тезроқ келишини илтижо қилади.

Эркин Воҳиднинг кўплаб шеърлари ўзбек халқининг ўзлигини таниш, эрк ва истиклол учун курашга чакириқ бўлиб янграган шеърлардир.

А.Орипов шеъриятининг тадқиқотчиларидан бири, адабиётшунос Дониёр Бегимқулов шоирнинг «Бедорлик» шеърлар тўпламининг «Ўзбекистон куйчиси» номли «Сўнгги сўзи»да қуйидаги фикрларни беради: Шоирнинг олтиншинчи, етмишинчи, саксонинчи йилларда ёзилган қай шеърини олмайлик, уларда Ўзбекистон деган юртга оташин бир муҳаббат, уни озод ва улуг мамлакат сифатида кўриш орзуси уфуриб турганлигини кўрамиз. Бу рух кандайдир бошқа бир муносабат билан ёзилгандек бўлиб

¹ Б.Назаров. Э.Воҳидов. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. 452-бет.

туюладиган «Минораи Калон тепасидаги лайлак», «Совға», «Арманистон» каби шеърларга ҳам хосдир. «Совға» шеърида босқинчилар зулми остида Бухорони «беклар, амирлар, булбуллар» кўзда ёш билан ташлаб кетганлиги, фақат лайлак бу шаҳарни ташлаб кетмаганлиги ҳақида сўз боради. Ажабким, бу қушнинг «оёқлари ғўзага ўхшар, қанотлари эса пахтадек оппоқ». Ғўза, пахта дейилганда ўша йилларда – Ўзбекистон, ўзбек халқи тушуниларди. Яъни, зулм исканжаси, тоталитар тузум зуғумлари қанчалик қаттиқ бўлмасин, бу диёрда халқ мангу қолажаги, Ўзбекистон ўз туғи, ўз байроғига эга бўлган мустақил мамлакатга айланиши орзуси поэтиклаштирилади!

80-йилларнинг охирида, ошкоралик пайтларида Абдулла Орипов «Бор гап» деган кичик шеър ёзди:

Қанчалик ирода, қанча куч керак,
 Майсани топтамай ўтмоқлик учун.
 Қанчалик ирода, қанча куч керак,
 Фарзанднинг гуноҳин ютмоқлик учун.
 Қанчалик ирода, қанча куч керак,
 Норава Ватанни севмоқлик учун.
 Қанчалик ирода, қанча куч керак,
 Норасо элга сўз демоқлик учун.

Собик Иттифок – Ватаннинг ичида – Ватанни – Ўзбекистонни, норава дейиш, айниқса жонидан ортиқ кўргувчи ижодкорга қай даражада жасорат керак бўлиши мумкинлигини тасаввурга сиғдириш осон эмас. Бундай фикрларни очикдан очик айтишга Герцен, Достоевский, Чўлпон, Қодирийлар журъат этишган эди.

Атоқли ёзувчи Одил Ёқубов «Шоир ҳақида сўз» мақоласида А.Орипов ва Э.Воҳидов шеъриятини, ундаги ҳаёт ҳақиқати ва ҳаққонийлиги ҳақида, улар поэтикасидаги ўзлик ғояси ҳақида қуйидаги фикрларни айтади: «Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ижодида кўзга ташланган ва чинакам санъатга хос бўлган теранлик – ҳар бир нарсани ўз номи билан аташ, ҳаёт ҳақиқатини айтиш, халқнинг дилида армон бўлиб ётган дардларни шеърый сатрлар орасига жо қилиш бутунги инқилобий ўзгаришлар давридан бир неча ўн йиллар бурун содир

бўлди. Улар шеърятининг қадр-қиммати ҳам шундадир».¹

Ёзувчи А.Ориповга бўлган ўз қарашларини шундай изоҳлайди: Сиз унга қараб туриб, қорачадан келган, шу маъсум ва беозор йигит бу қадар теран ҳаётий кузатишларга қобиллигига ишонгингиз келмас, зеро, бу кузатишлар ҳосиласи – фавқулодда фалсафий қарашлар унинг тафаккурида қат-қат бўлиб ётар, озгина шу йигитнинг жимит юрагига бир дунё дарду алам, жон томирлари туташ шу заминга, мушфиқ-муштипар элига, унинг кечмишига бунчалар буюк муҳаббат, том маънодаги элу юрт қайғуси, унинг исёнкор қалбида гоҳи-гоҳида ақл бовар қилмас даражада тўфонлар кўтарилишини, руҳи шунчалар юксалиб, закоси мўъжизакор инжулар яратишини тасаввур этиш қийин эди:

Менинг ҳам Ватаним жанглар гувоҳи,

Менинг ҳам тупроғим топталганди хор.

Менинг ҳам руҳимда аجدодлар оҳи,

Менинг ҳам қўлимда қилич занги бор.

Минорлар эмас бу – фалакка қасам,

Қасоскор боболар кетмишлар санчиб,

Мен тортган гамни ҳам бир-бир санасам,

Ўлик фиръавнлар кетарлар санчиб...

Сир эмас, истеъдоднинг фавқулодда кўламдорлиги, шоирона ҳаёл, уфқларининг кенглиги, теранлиги билан, мана салкам қирқ йилдирки, Абдулла Орипов барчамизни бирдек ҳайратга солиб келмоқда».²

80-йиллар охири, 90-йиллар бошларида собиқ тузум чокчокидан сўкилаётган пайтларда республиканинг шоиру олими, санъаткору зиёлисининг қалбида эркка иштиёқ, Ўзбекистон мустақиллигини кўришга муштоклик, унинг миллий истиқолини таъмин этишга иштиёқ кучли эди. Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул ёзади: «Оламнинг бош фалсафаси – Эрк. Бу дунёда ҳар бир халқ ўз юртига ўзи эга, ўзи ҳоким бўлмоғи шарт. Озодлик дегани – ИНСОН. Инсон она Ватанида ҳамма жиҳатдан ўзини озод ҳис қилмас экан, ЭРК тўғрисидаги ҳар қанақа гап қуруқ сафсата. Фақат ҳур элгина юртининг ҳурлигини муҳофаза эта олади».³

¹ О.Ёкубов. Ҳассос шоир. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1991, 8 март.

² О.Ёкубов. Ҳассос шоир. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1991, 8 март.

³ И.Ҳаққул. «Адабиёт ва санъат», 1992, 5-сон, 18-бет.

Адабиётшунос олим Наим Каримов Рауф Парфи шеърларининг моҳияти ҳақида шундай дейди: Р.Парфи шеърлари бир-бирига қарама-қарши фикр ва мулоҳазаларни уйғотади, танқидчи ва адабиётшунослар «рауфона» шеърларни рад этишгача бордилар.

Рауф Парфи метафора – истиораю поэзия – шеърият, динамик – шиддатли ташбеҳларни шеъриятга кўчиради. Р.Парфи Чўлпон сингари, инсон руҳининг кишанланишига қарши. У Пушкин сингари эрк қўшиғини севади. Унинг 60–80-йиллар ижодида гарчанд очиқ-ошкора тус олмаган бўлса-да, мустақиллик ғояси жилваланиб туради.

Шоир Америкадек қудратли бир давлатнинг Вьетнам бошига солган кулфатларига гувоҳ бўлади ва изтиробга тушади: .

Шундоқ кўз олдимда ўлмоқда одам,

Ўйлаётир, фикрига бу оламлар тор:

Дунё, Орзуларинг менинг орзум эди,

Сўзларинг менинг сўзим эди дунё.

Ташвишларинг эди ташвишим...

Шундоқ кўз ўнгимда ўлмоқда одам...

Колумб!

Кесилган бош сингари ётма,

Уятдан тур!

Аянч Америка ёнида ўлтир!..

Бир уммон шаклида ҳайқириб,

Оқиб келаётир Америка халқи...¹

Рауф Парфининг бу шеъридаги «Вьетнам» сўзини «Афғонистон» билан алмаштириш мумкин. Бу шеърда жабрдийда Вьетнам тимсолида собиқ СССР тасарруфида бўлиб ўтган қирғинлар – Олмаота, Боку, Ўш воқеаларини жонлантиришга ҳам асос бор. Шоир бу шеърда ёвузликка, зўравонликка қарши туғён кўтаради. Бояги ўлаётган одам унинг учун бегона эмас:

Кўз ўнгимда ўлаётган одам – менман.

Истисносиз айтиш керак, Р.Парфи поэтикаси, халқда, унинг илғор тоифа ва қатламида, хусусан, ёшлар ўртасида янгиликка, янги услубий изланишларга бўлган эҳтиёжни қондириб, ўз замондошлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов билан бирга 60–80-йиллар ўзбек халқининг миллий уйғонишига ва истиқлолга бўлган умидларини

¹ Наим Каримов. Рауф Парфи. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. 521-бет.

амалга оширишда маънавий озуқа вазифасини бажарди. Шоир Дадахон Ёкубов:

*Элим эрк топгунича мен гўримда тикка тургаймен,
Гуноҳи не бу элнинг, деб юзимни кўкка бургаймен.
Сенга хурлик тилаб, бу тош бошим тошларга ургаёймен,
Сен озод бўлган он албат, қучоғингга югургаймен –
На бор дунёда, билмайман, қачонким, хур Ватан йўқдур.¹*

деб ёзади. Қаршилик Амир Худойбердиевнинг нолакор нидосига эътибор қилинг:

*«Уйғон» дейман, дунёни боққан эл уйғонмайди,
Бўйнига турфа тамга таққан эл уйғонмайди,
Беравериб худога ёққан эл уйғонмайди,
«Нега уйғонмайди?» деб нолакор бўлиб ўтдим.²*

Шундай қилиб, асримизнинг 60–80-йилларида ўзбек шеърлятида истиқлолни куйлаш, ўзликни англаш ва эрк ҳақида ўнлаб шеърлар ёзилди. Шоирларимиз ўз шеърый тўпламларида халқи дард ва ҳасратларини, озодлик ва эрка бўлган интилишларини мажозий тимсоллар орқали ёритишга, коммунистлар истибдодининг ҳийла-ю найранглариға қарши бирлашишга, мазлум Ватаннинг истиқлолиға пойдевор қўйишга ва хур яшашга чақирдилар. Зулм кишанлари, сиртмоқлари пажмурда, мудраётган халқни деярли бир ярим асрдан буён янада қаттиқ қисаётганлиги ва эзаётганлигини, уни узиш пайти яқинлашаётганлигини уқтириб, курашга тайёр туражакларига элимизни даъват этдилар. Бу курашнинг бошида миллат ва Ватаннинг фидойи фарзандлари, исёнкор ва оташин шоирлари – бугунги Ўзбекистон Қаҳрамонлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, шоирлар Омон Матжон, Рауф Парфи, Азим Суюн, Шавкат Раҳмон ва бошқа кўплаб ижодкорлар турдилар.

Уларнинг даъваткор чақириқлари бекор кетмади, эрк ва истиқлолга ташна халқнинг асрий орзуси тугалланган асрнинг сўнгги 10 йиллигида рўёбга чиқди, ўзбек халқи рўшнолик кўрди, унинг Шарқдан ўз ёруғ куёши чиқди, ўз эркига эга бўлди.

Рауф Парфи «Сабр дарахти»да сабрли халқнинг қаноатини, Эркин Воҳидов «Ватанда беватан бўлган»лигини, Шавкат Раҳмон

¹ Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1988, 19 август.

² Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990, 3 апрель.

эса «Қачон тиз чўкувдик» деб маънавий мустамлакачиларга бўйсунмаганлигини, Чўлпон «Юрагингда макон тутган кул»ликдан эрк сари интилганлиги, Абдулла Орипов эса «Эрк ҳаққига ичилган қасам» унинг эркини XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида рўёбга чиқарганлиги ва мустақиллигини таъмин этганлигини таъкидлайди.

Абдулла Орипов «Эрк ҳаққи» шеърида истиқлолни шарафлади:

*Қадимий бобо юртим,
Қутлуг бўлсин яловинг,
Ўйлай-ўйлай ташилаган
Қадам муборак бўлсин.
Тагин гуриллаб ёнгай
Ўчмаган қалб оловинг,
Эрк ҳаққига ичилган
Қасам муборак бўлсин.
Кимсага ёмонликни
Кўрмагансан ҳеч раво,
Лекин шум қутқулардан
Чиқмади шўрлик бошинг,
Энди сени қўлласин
Зафар ўзи доимо,
Сафаринг беҳатару
Хизр бўлсин йўлдошинг.¹*

¹ Абдулла Орипов. Бедорлик. Т., “Ёзувчи”, 1999, 8-бет.

«Мен миллий истиқлол ғояси бугунги тез суръатлар билан ўзгараётган таҳликали дунёда ўзлигимизни англаш, бизнинг кимлигимизни, қандай буюк аждодларнинг меросига, неча минг йиллик тарих, бетакрор маданият ва қадриятларга эга эканлигимизни ҳис этиб яшашга, бу бойликни асраб-авайлаб, демократик қадриятлар, бутун жаҳон тараққиёти ютуқлари билан озиқлантириб, янги ўсиб келаётган авлодга етказишга хизмат қилмоғи зарур, деб биламан».¹

Абдулла Орипов миллий уйғониш ғоясини ҳар бир шеъри руҳига сингдириб борди. Адабиётшунос Дониёр Бегимкулов шу ҳақда ёзади: «Кўпдан орзиқиб кутилган истиқлол Абдулла Ориповнинг ватанпарварлик руҳидаги ижодида янги бир саҳифа очди. Шоир мустақилликни, эгаменликни кўйлаш билан биргаликда аввал бошданоқ истиқлол йўли, ҳурлик йўли, жаҳон ҳамжамиятидан Ўзбекистоннинг ўз муносиб ўрнини эгаллаш йўли осон кечмаслигини, бу йўлда фидокорлик, жонбозлик, Ватанни онадек севиш, ардоқлаш зарурлигига урғу берди».

Абдулла Орипов шеъриятининг бош мавзуси жаннатмакон юртнинг миллий ўзлигини таниши, қадриятларининг қайтишига бағишланди. Миллий мустақиллик олий неъматлиги унинг кўнглига таскин ва куч берди. Шу боис А.Орипов тадқиқотчиларидан Д.Бегимкулов шоир шеъриятини шартли равишда иккига – мустақилликкача ва мустақилликдан кейинги даврга ажратади, уни икки даврда истиқлол берган неъматдан куч, баҳра олиб ёзилган шеърлар деб атади. Унинг фикрича, «Шоирнинг илк ижодидаёқ жаннатмакон юртимиз Ўзбекистонга бўлган юксак муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш, асрлар қаъридан келаётган муқаддас қадриятларимизни кўз қорачигидек асраш руҳи ўзига хос шеърий мисраларда жо бўлди. Бугунга келиб хрестоматик шеърларга айланган, олтмишинчи йилларнинг биринчи ярмидан бошлаб қоралана бошланган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?», «Ўзбекистонда куз» шеърлари ва «Ўзбекистон» қасидасидан бошланган бу руҳ йиллар оша тобора тиниқлашиб, ўткирлашиб, янги

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Асар сўзбошиси И.Каримов. Т., «Ўзбекистон», 2000, 7-бет.

жозиба касб этиб, яхлит катта бир туркумга айланди»:¹

*Эй азиз юрт, хуррият – даврон муборакдир сенга,
Ўзбекистон – беғубор осмон муборакдир сенга,
Неча юз йил сен курашдинг Мустақиллик они деб,
Сен ани топдинг, улуг, имкон муборакдир сенга.
Халқаро давлат бўлиб қўйдинг қадам, мардона бўл,
Бошлаган иқбол сари Сарбон муборакдир сенга.*

Шоирнинг қалб тугёни, у орзиқиб кутган курашлар ниҳояси, халқининг, давлатининг неча ўн йиллаб кураши натижаси – хуррият, миллий Мустақиллик куни, Президентнинг шу курашда Сарбон бўлиб туриши эди.

Абдулла Орипов учун энг буюк бахт бу ўз халқининг қувончу ташвишларига шерик бўлиш, унинг дард-ғами ва орзу-умидларини ифодалашдир. Шоир шеърляти мана шу ҳақиқатни исботлайди. Ўтган йиллар давомида шоирнинг ўнлаб китоблари чоп этилди.

Жумладан, 1965 йилда биринчи шеърй тўплами – «Митти юлдуз» босилиб чиққан бўлса, кўп ўтмай, «Кўзларим йўлингда» (1967), «Онажон» (1969), «Рухим» (1971), «Ўзбекистон», «Қасида» (1972), «Хотира» (1974), «Юртим шамоли», «Ҳайрат» (1974), «Юзма-юз», «Ҳаким ва ажал» (1980), «Нажот қалъаси» (1981), «Йиллар армони» (1984), «Эҳтиёж фарзанди» (1988), «Ишонч кўприклари» (1989) китоблари, мустақилликдан кейин эса – «Куш тили», «Муножот» (1992), «Ҳикмат садолари» (1993), «Ҳаж дафтари» (1993), «Дунё» (1994), «Савоб» (1997), «Сайланма» (1999), «Бедорлик» (1999) ва яна бир қанча шеърй тўплам ва рисоалари, «Соҳибқирон» достони (1999) чоп этилиб, китобхонларга тухфа қилинди.

Бу шеърй китоблар бугунги Истиқлол даври ўзбек шеърлятига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Ботиний орзуларини шоир Ўзбекистон мустақилликка эришгач, баралла куйлади. Биз бу ҳақдаги фикримизни мухтасар этиб, шоирнинг миллий истиқлолгача бўлган ижодидаги ўзликни англаш ҳақидаги қарашлари ва шеърлярида куйлаган мустақиллик хусусидаги ғояларини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Негаки, Абдулла Орипов ўзбек халқининг миллий уйғониши учун, истиқлол берган эрк ва озодликни шеърлят қолипида гоҳ

¹ Юқоридаги асар. 92-бет.

пинхоний, гоҳ кўркмасдан, собиқ тоталитар тузум тазйиқларига бардош бериб, баъзида суяк-суягидан ўтиб кетса-да, чидаб, истиқлол шеърятининг тамал тошини жадидлардан сўнг қўйишга уринган забардаст халқ шоири ва истеъдодли куйчи эканлигини амалда намоён эта олди, истиқлол шеърятини яратди, миллий уйғониш шоири деб эътироф этилди.

Адабиётшунос олим Яшар Қосимов Абдулла Ориповнинг миллий шеърятимиздаги ўрни ва унинг ўтмиш шоирлар ижодиётига муносабати ҳақидаги қарашларини таҳлил этар экан, шу фикрларни таъкидлайди: «Бу жиҳатдан бадий тафаккуримизда олтмишинчи йилларда вужудга келган ва натижада адабиётимизнинг кейинги тараққиёт йўлини белгилаган қизғин кўтарилиш ва уйғониш алоҳида, ўзига хос давр сифатида эътиборга лойиқдир. Халқимиз миллий онгининг ўсишига улкан таъсир қилган ўша янгилинишлар ўз навбатида умуммиллий – ижтимоий уйғонишнинг эстетик инъикоси эканлигини асло эсдан чиқармаслик керак. Миллий дард ва кулфатларни иложи борица ифодалашга уринган шеърятимиз эришган ютуқлар, хусусан, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Зулфия каби забардаст сўз санъаткорларининг ўша вақтдаги ижоди халқимиз дунёқарашининг ёришишига, ватанпарварлик туйғуларининг аниқ миллий мазмун касб этишига катта ҳисса бўлиб қўшилганлиги бу кун кўпчиликка сир эмас.»¹ Устозлар руҳидан маънавий мадад олган, ўша тўлқиннинг давомчиси бўлган Абдулла Орипов сеҳрли, мўъжизакор шеърятни билан миллионлаб қалбларни ҳайратга солиб келаётганлигини таъкидлаб, у ҳақдаги фикрини шундай талқин қилади: «Абдулла Орипов ўзбек адабиётининг забардаст намояндаларидан биридир». Хусусан, асримиз иккинчи ярмидаги шеърятимизни унинг ҳайратомуз ва бетакрор асарларисиз тасаввур этиш амри маҳол.

Миллий истиқлол адабиёти тарихидаги иккита асосий ва ўзига хос босқичдан бири жадидлар, айниқса, Фитрат, Чўлпон ва Қодирийларнинг адабий ва ватандошлик жасорати билан узвий боғлиқ бўлса, олтмишинчи йиллардан бошланган иккинчи тўлқин Абдулла Орипов ҳамда авлоддошларининг фидойи ижодий фаолияти билан чамбарчас боғланган.²

¹ Яшар Қосимов. уйғониш садолари. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1991, 126-бет.

² Юқоридаги асар, 126- бет.

Ўзбек халқининг миллий шоири Абдулла Ориповни қардош республикалар – Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон, ҳатто собиқ Иттифокнинг адабий доиралари яхши биладилар. Ярослав Смеляков, Сергей Баруздин, Евгений Евтушенко, Роберт Рождественский, Римма Казакова каби рус шоирлари ва адабиётшунослари Абдулла Орипов шеъриятининг такрорланмас, фавкулотда табиий ва улуғворлигини эътироф этганлар. Николай Тихонов, Расул Ҳамзатов, Расул Ризо, Қайсин Қулиев, Давид Қўлтинов, Мустай Карим, Бахтиёр Ваҳобзода, Ўлжас Сулаймонов сингари замонамизнинг улуғ шоирлари Абдулла Орипов фалсафий шеърияти ҳақида ўз фикрларини билдирганлар.

Шу ўринда таъкидламоқ керакки, хорижий матбуотларда, мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида, республикаимиз тўртинчи ҳокимияти – матбуоти, радиоси, ойнаи жаҳонда халқнинг севимли шоири Абдулла Орипов ҳақида кўплаб эшиттириш ва чиқишлар, мақолалар ёзилиб, унинг ижоди, шеърияти халқ оммасига тақдим этилмоқда. ЎзР ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор Матёкуб Қўшжонов ва филология фанлари номзоди Сувон Мели шоир шеърлари чуқур таҳлил этилган рисолага «Абдулла Орипов» (Т., «Маънавият», 2000) деб ном қўйдилар ва китобхонларга тўхфа этдилар.

Адабиётшунос Яшар Қосимов мазкур китоб ҳақида фикр юритиб, XX аср ўзбек шеъриятининг алоҳида йирик намоёндаси ҳақида яратилган илмий тадқиқот эканлиги билан диққатга сазовор, иккинчидан эса, Абдулла Орипов шеъриятини янгича эстетик мавқедан туриб ва уни кузатиб, фаол муносабат билдирган адабиётшунос олимлар ташаббуси, деб ҳисоблайди.

60-йилларнинг ўрталарида адабиётга кириб келган Абдулла Орипов «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» деган саволни қўйган эди. Дарвоқе, нега Ватанни, унинг тупроғини бу қадар севадилар? Уни иймонга менгайдилар. «Ватан! Менинг бор қисматим шу бир сўзда ҳал», – дейди Абдулла Орипов. «Ватан, Ватан, дея жоним танимдан ўлса равон, манга на ғам келур?!» деб ёзган Абдулла Авлоний.

Навоий-чи, у Ватанини севган киши жони бор экан, шу Ватанини қўриқлаши уни ёвдан омон сақлашини айтади:

Аёнким, Ватан узра то жони бор,

Киши ҳарб этар токи имкони бор.

Рус ёзувчиси, граф Лев Толстой Ватанини таъриф этиб, шундай ёзади: «Ватан нима демак? Бу ўзининг тарихий ҳаракатини мазкур майдонда камолга етказадиган бус-бутун халқдир. Бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажакдир. Бу унинг ранг-баранг маданияти, тили, феъл-атвори, бу у томондан амалга оширилган инқилобий мақсад, тарихий ўзгаришлар ва унинг тарихдаги муҳим босқичларидир».¹

«Афсуски, – деб ёзади профессор Б.Қосимов, – ўтган асрнинг 60-йилларида Ватан билан бирга Ватан муҳаббати ҳам биздан тортиб олинган эди. Сўнг кейинги 70 йил давомида пояма-поя сўндириб келинди. Миллат, Ватан тушунчалари коммунистик мафкурага мослаб чиқилди. Биз – совет халқимиз», «СССР – бизнинг ватанимиз» деган тушунча онглarga сингдирилди.

Бизнинг ватанимиз кўп минг йиллик тарихга эга бўлган, жаҳон маданиятининг чорраҳасида келган, ўнлаб илм-фан даҳолари билан башарият тафаккурини ёритган, жаҳонгир саркардалари билан олам харитасига неча бор туб ўзгаришлар киритган табаррук Туркистон (Ўзбекистон) эканлигини бугун дадил айтмоқдамиз».²

“Ҳар бир инсон ўз халқини севиши табиий, – деб ёзади шоир ва тарихчи Хуршид Даврон. – Ҳамма замонларда босқинчилар ва уларнинг маҳаллий малайлари илғор кишиларга ҳамма вақт одам қайда яшамасин – Нил бўйидами, Фудзияма пойидами ёхуд Саҳрои Кабирдами, у ўз ерини, ўз элини, ўз тилини, ўз эркини ҳимоя қилган. Мисрлик учун Нил бўйида ўсган қамиш, япон учун Фудзияма шамоли, ҳабаш учун саҳродаги калтакесак ҳам кўнгилга яқин».³

Абдулла Орипов шеърятининг бош мавзуси истисносиз айтиш мумкинки, Ватандир, унинг чанги, суви, ҳавоси, осмони, тупроғи, табиати, одамлари. Шоир талқинича, инсон боласида Ватан битта бўлади, ана шу танҳо Ватанни пок иймон билан севиш чинакам иймондандир, Ватанни фақат бойлиги учун севиш сохта муҳаббатдир. Бунинг учун одам мудроқ, ғафлатда бўлмай, фидойи бўлиши, уйғониши, уни яшнатиши, унга содиқ фарзанд бўлиши даркор:

¹ Б.Аминов, Т.Расулов. Ватан – юракдаги жавоҳир. Т., «Ёзувчи», 1996, 15-бет.

² Б.Қосимов. Ватан ва миллат муқаддасдир. Т., «Ўқитувчи», 1996, 4-бет.

³ Б.Аминов, Т.Расулов. Ватан – юракдаги жавоҳир. Т., «Ёзувчи», 1996, 34-бет.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни
 Тупрогин кўзимга айлаб тўтиё.
 Нечун Ватан дея еру осмонни
 Муқаддас атайман, атайман танҳо.
 Аслида, дунёда танҳо нима бор,
 Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
 Ёки қуёшими севгимга сабаб?
 Ахир қуёшли-ку бутун Осиё.
 Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
 Богларин эсаннат деб кўз-кўз этаман,
 Нечун ардоқлайман тупрогини мен.
 Ўпаман: «Тупрогинг бебаҳо, Ватан».
 Аслида тупроқни одил табиат
 Тақсим айлаган-ку ер юзига тенг,
 Нечун бу тупроқ деб йиғлади Фурқат
 О, Қашқар тупроги, қашшоқмидинг сен?!
 Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни?
 Сабабини айтгин десалар менга,
 Шоирона, гўзал сўзлардан олдин
 Мен таъзим қиламан она халқимга.
 Халқим, тарих ҳукми сени агарда
 Мангу музликларга элтган бўлсайди,
 Меҳрим бермасмидим ўша музларга?
 Ватанлар, Ватанлар, майли, гулласин,
 Бог унсин, мангулик музда ҳам, аммо
 Юртим, сени фақат бойликларинг-чун
 Севган фарзанд бўлса, кечирма асло?!¹

Ўзлигимизни англаш, маънавий меросни қайта тиклаш, ҳозирги замон ҳамжамиятига мувофиқлашув, покланиш – миллий истиқлол тараққиётининг бош йўналишидир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбек халқи руҳининг тикланиши, миллат маънавий-ахлоқий идеализмининг шаклланиши чуқур миллийлик билан умуминсонийлик чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир».

Донолар айтадиларки, ўзини англаган киши бошқаларни ҳам англайди; ўзини таниган – Яратувчисини ҳам танийди. Ўзини танимаган одам ғафлатда қолади. Ўзини англаган миллат тараққиёт

¹ Абдулла Орипов. Бедорлик. Т., «Ёзувчи», 16-бет.

сари кадам қўяди, ўз кадр-қимматини билади, ғурурини сақлайди. Чунки «Тараққиёт» тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Ақлий заковат ва руҳий маънавий салоҳият – маърифатли иймоннинг икки қанотидир»,¹ – деб таъкидлайди Президент Ислом Каримов.

Абдулла Орипов шеърларининг фалсафий - ҳаётий мазмуни чуқур, мавзу қўлами кенг. Жумладан, она – Ватанга муҳаббат туйғусининг тараннуми ва уни миллий ўзлигини таниши, уйғонишга даъвати шоир шеърятининг доимий мавзуларидан бири ҳисобланади. Унинг шеърятида она – Ватан, Ўзбекистон образи ўзининг салобати, борлиғи билан гавдаланади. Ватанга ва заҳматкаш халқимизга меҳр-муҳаббат туйғуси шоир ижодининг асосий ғоявий мундарижасини ташкил этади. Шоир ўзининг «Ишонч кўприклари» китобида Ватан ва она ҳақида теран бадий умуллама яратган. Чунончи, у ҳар бир инсоннинг дунёда онаси битта бўлгани сингари, Ватан ҳам биттадир деган муҳим ғояни илгари суради:

*Бисёр бўлса агар бол ҳам беқадр,
Такрор айтилганда рангсиздур калом.
Бу ёруғ оламда Ватан биттадур,
Биттадур дунёда она деган ном...*

Абдулла Орипов шеърятида Ватан ва миллат тушунчаси, улар тақдири ва қисмати омукталашиб кетган, улар айрича эмас. Кенг миқёсда қараганда шоир ва унинг лирик қаҳрамонига «шу буюк сайёра – ягона Ватан» («Генетика») бўлиб кўринади. Бироқ она Ватан деганда у фақат Ўзбекистонни тушунади.

Зеро, у «Севинч – дардим бари Ватаним» дейди. Шоир «Ортим шамоли», «Ўзбекистонда куз», «Қарши кўшиғи», «Ўзбекистон» қасидасида, «Кенглик нуктаси», «Тошкент шаънига», «Кўёш шаҳри», «Момо офтоб» каби ўнлаб шеърларида она-Ватанининг заволи билмас қиёфасини чизиб берди.

«Ватан ҳақида гап борар экан, Абдулла Орипов шоирнинг бурчини фақат мадҳиябозликдан, юргини фақат улуғлашу кўкларга кўтаришдан иборат, деб тушунмайди. Ўғри, у Ватан гўзаллигини, икболини куйлайди, бироқ унинг сермашаққат тарихи ва тақдирини ҳаққоний гавдалантириш максалида кўпроқ Ватан дардларини куйлайди, бир фидойи фарзанд каби унинг дардларига малҳам

¹ Мулоқот. 1999, 3-сон, 20-бет.

бўлгиси келади. Бу Ватан тарихида кўпдан-кўп буюк фарзандларга, улуғ кашфиётларга, инсонпарвар ғояларга доя бўлганини дунёга кўз-кўз қилади, ҳозир ҳам унинг ўшал тарихига муносиб бўлишини истаб, ўзини туғёнлар бағрига уради».¹

Абдулла Ориповнинг ўзбек халқининг ўзлигини англаши, миллий уйғонишига ҳисса қўшган шеърӣ қасидаларидан бири «Ўзбекистон»дир.

Ватанга меҳр-муҳаббат ғояси, унинг ўтмиши – мозийи, ҳозир ва келажаги уни ташвишга солган. Унда она заминнинг, ўзбек халқининг бошидан кечирган муҳим тарихий ҳодисалар шоирона чизилади.

Шоирона фикрлаш шу қадар фалсафӣй, чуқур ва теранки, шоир қувваи ҳофизаси ва мушоҳадасининг кенглиги унинг муайян, тарихий билимдонлиги, ўтмиш – халқ ҳаётидан, унинг ақл-заковатидан хабардор эканлигида намоён бўлади:

*Америка – сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали,
Денгиз ортин ёритди илк бор
Берунийнинг ақл манғали.
Колумбда бор аламин маним,
Ўзбекистон – Ватаним маним.*²

Америго Веспуччи, Христофор Колумбдан олдин Аҳмад Фарғоний ва Абу Райҳон Беруний дунё харитасини, қитъалар ва океанлар мавжудлигини, сувлик ва қуруқлик тарҳи – глобусни яратиб, фанга маълум қилган эдилар. Аҳмад Фарғоний ер киндиги қирқ минг саккиз юз километрлигини, Беруний ернинг учдан икки қисми сув ва бир қисмигина қуруқлик эканлигини ер харитаси лойиҳасида кўрсатган эди.

Миллий уйғониш минг йиллар олдин бизнинг Шарқда рўё бўлган бўлса-да, Ғарб ва океан орти уни ўзлаштирганликлари, Ғарб тараққиётининг олдинги поғонасига чиқиб, Шарқдан ўзиб кетганлиги, аммо рус босқини боис илм-фаннинг ўчоғи бўлган Шарқ – она ўзбек тупроғи алломалари номлари тилга олинмагани шоир қалбини кемиради, аламга тўлдиради, унинг вужуди бу аламларни сиғдира олмайди:

¹ Б. Назаров. XX аср Ўзбек адабиёти тарихи. 471-бет.

² Абдулла Орипов. Бедорлик. 19-бет.

*Бош устингдан ўтди кўп замон,
Ўтди Будда, ўтди Зардушти.
Ҳар учраган нокасу нодон,
Она халқим, ёқангдан тутди.
Сени Чингиз газабга тўлиб,
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.
Жалолиддин самани бўлиб
Сакраб ўтдинг Амударёдан.
Сенсан ўшал саманим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.¹*

Чингизхон босқини — рус босқини — ҳар иккисининг ҳам мақсади ўзбек диёри халқини қуллик асоратига солиш, эркини олиш, бойлигини талаш, ерли халққа ҳукмронлик қилиш, унинг озодлигини бўғиш эди. Шундай пайтда ҳам юртнинг ўғлонлари Ватан ва унинг озодлиги учун жангга кирдилар. Жалолиддин Мангуберди самани билан Жайхуннинг нариги соҳилига ўтиб, ҳатто Чингизни ҳам ўз довураклиги билан ҳайратга солди, ғаним ҳам унинг шерюрак ва ботирлигини эътироф этди. Рус босқинида эса Фитрату Чўлпон, Қодирийу Мунаввар қорилар жонларини аямадилар.

Руҳий ўлимдан жисмоний ўлимни тансиқ ўлим деб қабул қилдилар. Ёзувчи Ойбек фалаж бўлиб, тилдан қолди, геолог олим Ҳабиб Абдуллаевнинг ёш умрига зомин бўлдилар. Ўзбек генерали Собир Раҳимов Ватан озодлиги учун жонини қурбон қилди, Ҳамид Сулаймоннинг соғлигига таъсир этди, Иброҳим Мўминов тазйиққа учради.

«Ўзбекистон» қасидасини яратар экан, Абдулла Ориповнинг нигоҳидан, унинг ҳаёлотидан ҳеч нарса кўтарилмайди. Осмон ёритқичлари, туркум юлдузларнинг само қаърида жойлашганлигини, уларнинг жадвалини (зич) тузган мунажжим Мирзо Улуғбекнинг фожиали ўлими, қайсар бекларнинг тож-тахт таллашиб, миллат тождорини ўлимга ҳукм этиши. Булар шоир қалбини ларзага солади, қотилларни лаънатлайди, осмон кенгликларидаги чарақлаган юлдузларни Улуғбек кўзидаги ёшга ўхшатади.

Мўғул босқинчилари она-Ватанимиз ҳудудида ҳар қанча қутурмасинлар, Ватан мудофааси ва халқ ҳимояси учун Жалолиддин

¹ Абдулла Орипов. Бедорлик. 18-бет.

Мангуберди, Темур Малик, Шамсиддин Маҳбубий, Маҳмуд Таробий сингари қаҳрамонлар ёвга кўксини қалқон қилдилар, душманни ларзага солдилар:

Кечмишинг бор чиндан ҳам узоқ,

Илғай олмас барчасин кўзим.

Мақтамасман мозийни бироқ,

Ўтмишингни ўйлайман бир зум.

Забтга олиб кенг Осиёни,

Бир зот чиқди мағрур, давонгир,

Икки аср ярим дунёни

Зир қақшатди оқсоқ жаҳонгир.

Айтгум бу кун у маним, маним.

Ўзбекистон, Ватаним маним.¹

Жаҳонгир Амир Темур «Темур тузуклари»да «Рости-русти» – «куч адолатдадир» дейди. Соҳибқирон она-Ватанни мўғул босқинчиларидан халос этишдек ғоят қийин вазиятда ҳарбий салоҳияти, моҳирона саркардалиқ сиёсати ва тадбиркорлик истеъдодини ишга солиб, Мовароуннаҳр беклари билан мурсою мадорага келишиб, ўз давлати сарҳадларидан босқинчи Чингизхон авлодлари – мўғулларни сиқиб чиқара бошлади.

1370 йилда ягона ҳокими мутлақликка эришгач, икки, беш, етти йиллик ҳарб юришлари, муҳорабалар олиб борди, ўз мамлакати худудини кенгайтирди, халқларни итоат эттирди, давлати пойтахти этиб Самарқандни танлади, Турон давлати обрўйи ва Турк эли улуғлиги, қадимийлигини, у туркий халқларнинг бош бўғини (ўзбек) эканлигини жаҳонга намоён қила билди.

Тарихчиларнинг аниқ маълумотларига кўра, Амир Темур Қора, Эгей ва Ўрта денгиздан то Ҳиндистоннинг шарқи, Мўғулистон ва Хитойгача, Ҳинд океанидан то Урал тоғлари, Москва остоналари ва Днепр бўйларигача бўлган худудни забт этиб, буюк салтанат барпо этди.

У тузган буюк салтанатга Турон, Эрон, Рум, Мағриб, Сурия, Миср, Ироқ, Арабистон, Ажам, Мозандарон, Цейлон, Ширвон, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Жидда, Буюк Татаристон, Хоразм, Хўтан, Кобулистон, Бохтар, Зомин, Ҳиндистон, Дашти Қипчоқ, Оқ Ўрда, Гуржистон, Арманистон, Олтин Ўрда ўлкалари кирди, шунча

¹ Абдулла Орипов. Бедорлик. 18-бет.

ўлкаю давлатларга ҳукмдор бўлган Амир Темур бирор жойга ўз номини абадийлаштирмади, у камтарлик билан ҳоқон, подшо ва буюк хон ёки жаҳонгир каби дабдабали атамаларини ҳам олмади, унинг фақат «Қутбиддин», «Амир» ва «Соҳибқирон» деган унвонлари бор эди.¹

Абдулла Орипов талқинича, мўғул ва рус босқини деярли бир хил. Айниқса, «большовоилар мараз одатларини Туркистонга олиб келиб, олдин ўзлари бошлаб, кейин маҳаллий сотқинларни ўз ўтмишини ёмонлашга ростмана тайёрладилар. Улар тарихимизнинг зилол чашма кўзини ахлат билан ёпгандек яширдилар, подшоҳларимизни қораладилар, динимизни ман қилиб, тилимизни дағаллаштирдилар, бойликларимизни талаб, қонимизни зулукдек сўрдилар, айниқса, эркимизни олиб қўйдилар, баъзилар «ўзбекман» дейишга ботинолмай қолди.

Халқлар бошига бало-қазо бўлиб келган большевиклар босқинчими ёки ўнлаб ўлкаларни тасарруфига олиб гуллаб-яшнатган Амир Темурми?²

*Кеч куз эди, мен сени кўрдим,
Дерамдан боқарди биров.
У сен эдинг, о, деҳқон юртим,
Турар эдинг ялангтўш, яёв,
Ташиқарида изиллар ёмғир,
Қир, бобожон, яйрагил бир оз.
Дединг: – Пахтам қолди-ку ахир,
Йигиштирай келмасдан аёз.
Кетди, умри маҳзаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.³*

Адабиётшунос олим Яшар Қосимов юқоридаги бандни шундай шарҳлаб, таҳлил этади: «Она-Ватан ва бободехқон образлари Абдулла Орипов шеърларида кўпинча ёнма-ён келади. Бу тасодифий эмас, албатта. Шоир мунис-мушфиқ юрт қисматини бободехқон тақдиридан айри тасаввур қилолмайди. Ватан ва халқ тушунчалари, унинг назарида, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, абадий ажралмасдир. Зеро, мана шу оддий тупроқ унинг сийнасида она халқ яшагани учун муқаддас саналади. Абдулла Орипов бу узвий

¹ Қаранг бу ҳақда. Б.Аминов, Т.Расулов. Ватан - юракдаги жавоҳир. 70-бет.

² Юқоридаги асар, 71-бет.

³ Абдулла Орипов. Т., «Маънавият», 2000, 132-бет.

бирликни, ҳаётий яхлитликни чуқур англайди. Шоирнинг лирик қаҳрамони ана шу жонажон Ватанни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш заруратини ҳам бутун вужуди, борлиғи билан сезади. Шу боис Ватанининг шонли-шавкатли ўтмишидан сўз очганда ҳам, истиқболини ўйлаганда ҳам унинг ўзбек тарихининг пурвиқор чўққиларида илҳом оғушида кезинган чоғларида бирданига ўша мунис заҳматкашни, бағрикенг ва беғубор «ялангтўш, яёв» бободехқонни ўкинч билан эслар эди...»

60-йиллар шеърлятида шоирнинг «Юзма-юз» номли шеърлар тўпламининг салмоғи баланд бўлди. Ўзи пиширган таомидан бенасиб бўлган, ўзгаларни кийдириб, ўзи юпун қолган, юлдузларни кашф этганига қарамай, ўзгалар томонидан авом деган ном олган халқининг мураккаб ва зиддиятли тарихини, тақдирини бадий маҳорат билан акс эттирди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилмасдан ўн беш йил аввал, ўз тилини унутиб, тақлид қилиб, ҳар икки тилда ҳам тўтидек чала-чулпа сўзлашаётганларни кўриб шоир «Она тилимга» шеърини яратди.

*Минг йилларким, булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамини,
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳамини.
Она тилим, сен борсан, шаксиз
Булбул куйини шеърга соламан,
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.¹*

Мунаққид М.Кўшжонов 60-йиллар шеърляти ҳақида фикр юритиб, Абдулла Ориповнинг тоза ва тиниқ шеърлятини «жавахирдай ноёб» шеърлят деб атади. Абдулла Орипов чиндан ҳам адабиётимизга ўзининг чуқур фалсафий қарашлари ва теран тафаккури билан кириб келаётган эди. Бу теран ва покиза туйғулар шоирнинг ҳали Истиқлол қўлга киритилмаган бир пайтда ёзган «Ишонч кўприклари» каби шеърларида, Ватан ва халқ учун қайғураётган, унинг келажаги учун жон куйдириб, азият чекаётган, унинг миллий уйғонишини, ўз-ўзини англашини истаётган кенг қалбли бир ижодкорнинг изтиробли овозини тинглагандек бўламиз ва шоирнинг ўй-кечинмаси бизнинг ҳам вужудимизни,

¹ Абдулла Орипов. Бедорлик. 21-бет.

тафаккуримизни, онг-шуурумизни эгаллаб олганлигини ҳис этамиз.

Чунки Ватанда тоталитар тузум мафкураси ҳукмрон, жамиятда меҳр-оқибат, ишончу садоқат камайиб бораётганлигидан, ҳатто элнинг шоир, ёзувчилари ҳам бир-бирини ғаним санаб, ғажишга тайёр туришса, халқ учун бундан ортиқроқ фожиа борми? Аммо, халқ оммаси ҳамма нарсани кўради, унинг шоири ҳам халқ учун ҳамиша собит ва ҳақ:

*Бундай юртда энди қирғин шарт эмас,
Вабо ҳам қочади ундан йироққа;
Ҳатто дарёлари қурир басма-бас,
Ҳатто тупроқлари тушар титроққа.
Халқим, бундайларни кўргансан азал,
Кўп чеккансан улар озорин, доғин.
Сен енгиб ўтгансан, лекин ҳар маҳал,
Халқим, талпинаман ўзингга тагин.¹*

Биз узоқ йиллар халқимиз шаъни, иродаси, ақл-заковати, унинг куч-қудрати ҳақида бирёқлама, юзаки тасаввур берадиган асарларни ўқиб келдик, уларни ардоқлаб, зўр бериб, тарғиб-ташвиқ этдик, ҳолбуки Бобур, Турди, Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Қодирий халқимизнинг шаънини ҳар қанча улуғламасинлар, унинг ожиз томонларини ҳам кўра олганлар, кўп афсус-надоматлар билан халқнинг ўзини бу аччиқ ҳақиқатдан огоҳ этганлар.

А.Ориповнинг замондош ва ҳамфикр дўсти, миллат виждони бўлган Э.Воҳидовнинг ҳам аламли сатрлари шунчаки ижодий изланишлар меваси эмас, қондек отилиб чиққан юрак дардларининг учқунларидир:

*Ошнолар қочди мендан,
Юз ўғирди гофил эл.
Не эди, айтинг, гуноҳим,
Мен уни такрор этай.
Тўғри сўз тўққанга ёқмас,
Ҳақ экан, э воҳ, нетай,
Дўстни душман қилдим энди
Душманимни ёр этай.²*

Абдулла Орипов суҳбатларидан бирида шундай дейди:

¹ Абдулла Орипов. Савоб. Шеърлар. Т., «Маънавият», 1997. 11-бет

² Б.Назаров. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. 453-бет.

«Нимаики ёзмайлик – шеърми, прозами, халққа хизмат қилсин. Кимдир улуғ шоирлар тарихнинг бурилиш нуқталарида пайдо бўлади» деб айтган. Улуғ шоирлар жаҳондаги катта ўзгариш манзарасида кўзга ташланади. Илҳом ҳам ҳаёт ҳодисаларидан кескин, ғавқулодда таъсирланганда келади-ку, ахир. Сокин палланинг ўз шеърляти бор.

Бизнинг шеърлят нияоятда бой ва ранг-баранг, классик мақомга эга. Классик шеърлятнинг чуқур ўрганилиши эса шоирларнинг ўз ижодий маҳоратларини оширишларига ҳам билвосита ёрдам бериши шубҳасиздир. Ёнгирманчи аср адабиёти, хусусан, унинг шеърляти ҳам қай даражададир ўзининг умумжаҳон мактабини яратиб турибди. Биз бугунги кунда классик адабиёт анъаналари билан бир қаторда Рабиндранат Тҳокур ва Гарсиа Маркес, Лорка, Нозим Ҳикмат ва Ғафур Ғулом сингари кейинги аср адабиёти вакилларининг бой анъаналарига эгамиз. Биз бугун умумжаҳон адабиётининг энг яхши томонларини умумлаштирган ва ўзи ҳам бугунги кунда классикага айланиб қолган ўзбек адабиёти анъаналарига эгамиз».¹

Абдулла Орипов даврининг ҳаққоний, улуғвор образини яратишга интилиб, унинг тарихий илдизларига мурожаат этади; ўз замондошини фаолликка ва шижоатга даъват қилиб, миллий ифтихор, ўзликни англашга чорлайди, буни асослаш учун ота-боболар йўлига, фидойилигига фахрия айтади:

Кўзларингни очгин, қара дунёга.

Дўстим, ҳақиқатни ҳис эт бир замон

Сен учун, мен учун жангда мардона

Миллион-миллион одам тўккан эди қон.

Тарих бизлар учун жангга кирганда,

Нима керак яшаш ўргимчак мисол...²

Туркия журналистлар ва Ёзувчилар уюшмаси раиси Фатхулла Гулен Абдулла Орипов шеърляти ҳақида сўз юритиб, уни “хур диёр куйчиси” деб атайди. Унинг фикрича, Ўзбекистон Ефрат, Нил ва Туна каби буюк бир тарихнинг умумий томирлари сифатида оққан Сайхун ва Жайхун ирмоқларининг жаннатмакон иқлимидаги гўзал бир диёрнинг номидир. Бу ўлка Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний,

¹ М.Қўшжонов ва бошқ. Абдулла Орипов, 115-бет.

² Шарқ юлдузи. 1972. № 2, 185-бет.

Амир Темур, Жалолиддин сингари илм, санъат, адабиёт, давлат бошқаруви ва жанговарлик соҳаларида жаҳонгирларни етиштирган.

Мен узлатни элимнинг

Юрагидан ахтаргум,

Ўқсуқларнинг энг пинҳон

Тилагидан ахтаргум.¹

деган шоиримиз Абдулла Ориповга Ўзбекистоннинг буюк тикланишини абадийлаштиришга қаратилган Ўзбекистон миллий мадҳиясини ёзиш бахти насиб этди.

Фатхулла Гулен, сўнгги аср турк адабиётида уч машҳур шоир етишиб чиқди. Булардан бири Туркиянинг миллий шоири Меҳмет Акиф Эрсой, иккинчиси Яҳё Камол Бейатли, учинчиси «бир мисраси фахр учун бир миллатга етар» номини олган Нежип Фозил Қисакурек, деб ёзади.

Алишер Навоийни етиштирган Ўзбекистон тупроғи, етмиш йилдан кўпроқ аламлари ва бу аламлар ортидан келган иккинчи бир тикланишини тараннум этган Абдулла Ориповни етиштириши бежиз эмасдир, албатта, дейди.

Қисмати ва шеърияти жозибаси билан Турк шоирлари издоши Абдулла Орипов «Созим» шеърисида шоирлик қисматини шундай изоҳлайди:

Мен шоирман,

Истасангиз шу.

Ўзимники эрур шу созим.

Мен қўйлайман – гоҳ тилда қадар,

Гоҳ севиниб шеър тўқайман мен.

Мен қўйлайман ушбу оламда,

Инсон бўлиб тугилганимни.

Мен қўйлайман, баъзан аламда

Йиглаб-йиглаб бўгилганимни.

Мен қўйлайман, бу олам аро

Собит турган халқимни фақат,

Унутмасман ўтмишини асло,

Талпинсам-да илгари фақат...²

Фатхулла Гуленнинг талқинича, Абдулла Орипов

¹ Қаранг. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1988 йил, 27 ноябрь, № 48.

² Абдулла Орипов. Йиллар армони. Т., 1984 йил. 5-бет.

Ўзбекистоннинг аччиқ, дағал ва совуқ бир қиш каби қорли, музли ва бўрон, тўфон тўла ўтган қоронғулик кунларида, шоир таъбирича, «тарихнинг ҳукми Ўзбекистонни қоронғуликларга отиб, қорли ва музли тоғларни унга макон этган кунларда ватани ва «баҳор» соғинчи ичида баҳорга тенглаштирган озодлик кунларини кутган.

Шу жиҳатдан Абдулла Орипов ватан шоири бўлгани каби, озодлик ва мустақиллик шоири ҳамдир:

*Узоқларда залворли тоғлар,
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади nasib.
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам гариб,
Сен баҳорни соғинмадингми?*

Абдулла Орипов чиройли ташбеҳ ва ўхшатишларни шеър мазмунига сингдириб юборади. У мустақил юрт баҳорини соғинади. Акс ҳолда, усиз – ўзи ва баҳор ҳам некбин, ғарибдек туюлади.

У баҳорнинг келишини озодлик кунларига қиёслаган:

*Ёз ўтди, куз ўтди, қиш ўтди,
Бошлардан савдоли иш ўтди.
Юракда изгирин - ниш ўтди,
Вафо қилармисан, баҳорим?!*

Унинг инграши ва интизорлиги аслида бутун Ўзбекистон диёрининг инграш ва интизорлиги эди:

*Интиқмиз дўст билан, ёр билан,
Шеър билан, саз билан, тор билан.
Дийдорлаш бизнингдек хор билан,
Вафо қилармисан, баҳорим?!*

Адабиётшунос олим Нўъмон Раҳимжонов «Рауф Парфи нима демокчи?»¹ номли мақоласида шундай ёзади: «Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур, Чўлпон шеърятти миллат онгининг, миллат тафаккур маданиятининг, миллат қалбининг лирик ифодаси. Рауф Парфи шеърятти ана шу чўққиларга етишда, бадий дид ва эстетик савиямизни мумтоз адабиётимиз даражасига кўтаришда бир босқич, бир поғона.

Ватан деб аталган бешик, онажон,

¹ «Ёзувчи», 1998 йил, 13-май.

*Мен учун ёпилган эшик, онажсон.
Мен сокин солланиб илгаб борарман.
Ватан деб аталган тобут кўйнида,
Чувалган булутни қордек қорарман,
Руҳимнинг панжаси чақмоқ бўйнида,*

ёки

*Занжирбандман, она тилим Она сўзингга,
Кундайин сўларман, ойдек тўларман,
Мил каби тортарман Сени кўзимга.¹*

Н.Раҳимжонов изоҳлайди: – Ватан – бешик – тобут – булар серқатлам рамзлар. Сўз бир гал Ватан, иккинчи ўринда – бешик, учинчи жойда – тобут маъноларига айланади.

Сўз - руҳий Ватан. Лирик қаҳрамон ўзини Ватан деб аталган тобут кўйнида кўраркан, ўлсам ҳам сўз бағрида, халқнинг тилида, муқаддас Она Сўзнинг оғушида яшаб қоламан, дегани. Муқаддас Она сўзни мил каби кўзига тортар экан, у она халқининг, туркий улуснинг эзгу руҳини кўз қорачиғига ўйиб битмакчи. Халқим, туркий улус бор экан, унинг тили ҳам, Она сўзи ҳам кўздек тийран, дунё тургунча боқий яшайверади, дегани, деб изоҳлайди.

Шоир кўнгли – мисоли гул, у ана шу беғуборлиги ва бутун вужуди билан халқига, она-Ватанга доим яхшилик, пок тилак тилайди. Шоир муҳит ва даврдан қатъи назар, мисраларида башорат қилгандек бўлади. Файласуф шоир Мақсуд Шайхзода 1943 йили ёзган «Йўқ мен ўлган эмасман» шеърисида «Эркинларнинг ватани эрксиз бўлмас»лигини каромат қилиб айтган эди:

*Ғоя ўлмас билинглар, ҳаёт сўнмас билинглар,
Эркинларнинг ватани эрксиз бўлмас билинглар.
Ҳаёт эмас бир танда, ҳаёт бутун Ватанда,
Бир кун эрк кўп, наинки юз яшаган бир танда.*

Чиндан-да эркин халқнинг ватани эрксиз бўлмас экан, босқинчи золимлар қуллиғига маҳкум халқ барибир хурликка эришар экан. Қафасдан бўшаган қуш ўзини қафасга солмайди.

Адабиётшунос олим Наим Каримов Абдулла Ориповнинг 60-йиллар шеърисига ҳақида фикр юритиб, у шу даврда ўз қалбининг нозик таманноларини шеърисини пардаларига солар экан, секин-аста

¹ Рауф Парфи. Сабр дарахти. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1986. 28-бет.

шоир ижодининг бош мавзуси униб чиқа бошлади. Бу она-юрт шамоли эсиб, шеърият мухлислари қалбига ватанпарварлик туйғуларини сочди, уларни мунаввар ғоялар билан бойитди, дейди.

Н.Каримовнинг ёзишича,¹ эллигинчи йилларда «Правда» газетасида таниқли украин шоири В.Сосюранинг «Украинани севгил» деган шеъри миллатчиликнинг даҳшатли намунаси сифатида гурзи остига ташланади. «Ассалом, рус халқи, улуғ оғамиз. Ассалом, Москва, Сталин жонажон» дея уйғонаётган бир пайтда қандайдир бир шоирнинг «Украинани севгил» дейиши миллий маҳдудлик, деб топилди. Шундан кейин Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг машҳур шеърлари пайдо бўлгунига қадар она-Ватанга бетакрор севги туйғуларини изҳор этишдан баъзи ўзбек шоирлари чекинди. Шунинг учун бу икки ўктам шоиримизнинг ўзбекномасини бутун халқ, айниқса, кекса авлод вакиллари чанқоқ қалб билан қабул этдилар.

Юрт шамолидек мусаффо, майин манзара кам. Бу Ватанда куюнли, изғирин, совуқ шамоллар бир пайтлар эсди. Энди эсаётган шамол тўзонсиз, рутубатсиз эсмоқда. Унинг эсишидан энди эркин, озод, ҳур халқ баҳраманд бўлишини истайди шоир.

*Шамоллар эсгандир ушбу дунёда,
Шамоллар гоҳ куюн, гоҳида довул.
Улар гоҳ ошкора, гоҳо рўёда
Қанча бўстонларни соғурган буткул
Лекин сен бўлмагин тоғлар заволи,
О, юртим, шамоли, юртим шамоли.
Эсгин, эй тоғларнинг жамоли қулсин,
Мовий нафас билан тўлсин этаклар,
Учқур қўшиқларги бу олам тўлсин,
Шаънингга шоирлар айтсин эртаклар.
Эсгин, Ватанимнинг таралсин боли,
О, юртим шамоли, юртим шамоли.²*

Ўзбек диёрида шоирлар ҳамиша халқ орзу-умидларининг, дарду аламларининг, интилишларининг ифодачиси бўлиб келишган. Мустабид шўролар тузуми халқни қанчалик пассив – сусткаш ва лоқайд бир оммага айлантиришга уринмасин, халқ ўз шоирлари

¹ Н.Каримов. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», Миллий маҳдудлик. 1988 йил, 24 январь.

² Абдулла Орипов. Бедорлик. 32-бет.

туфайли, Чўлпонлари туфайли дилидаги хуррият гулларини асраб-авайлаб келди. Абдулла Орипов ҳам ана шундай шоирлар қаторидан ўрин олди. Унинг биргина Абдулла Қодирийга бағишланган «Оломонга» деб аталган шеърининг ўзиёқ бунинг исботидир, дейди Н.Каримов.¹

Истиқлол ва мустақиллик учун халқимизнинг энг ёвқур ва жасоратли фарзандлари муттасил кураш олиб бордилар. Абдулла Орипов – янгиланган ўзбек бадий тафаккурининг байроқдори.

Адабиётшунос олим Дониёр Бегимкулов ўзининг «Ҳаққа, ҳақиқатга ташна шеърят» номли мақоласида ёзади: “СССР деган «қоя» ҳеч қачон қуламайдигандек бўлиб туюлган кейинги ўттиз-қирк йиллик тарихимизда ҳам истиқлол умиди, ишончи сўнмади. Сиёсий, маънавий ва маърифий соҳаларда тоталитар тузум ўз зўравонлигини ўтказган, эркин сўз қопқалари тақа-тақ тамбаланган, адабиётда социалистик реализм деб аталган «режим» орқали компартия мафкуриси, йўл-йўриғи бутунлай ҳукмрон бўлган мустамлакачилик ва қарамлик йилларида ҳам халқимизнинг миллий манфаатларини ифода этган мустақиллик адабиёти расмий социалистик адабиётнинг ичида узлуксиз ривожланишда бўлди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Ойбек, Миртемир анъаналарини давом эттириб олтмишинчи йилларда адабиётга кириб келган Эркин Воҳидов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Ўлмас Умарбеков, Рауф Парфи, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Миразиз Аъзам ва бошқа шоир ва ёзувчилар ижодида янгича бир кўтарилиш ва кўринишлар зоҳир бўлди... адабиётнинг ҳам ижтимоий, ҳам эстетик аҳамияти путурдан кета бошлаган бир даврда янги бир ижодий авлоднинг кириб келиши, Абдулла Ориповнинг юлдуздек чакнаб шеърят осмонида пайдо бўлиши адабиётимизда катта воқеа бўлди”.

Абдулла Ориповнинг дастлабки мунаққидлари гарчи шоир ижодига хос энг характерли хусусиятларни, унинг шеърларининг образлилиги, оригиналлиги, фалсафий мушоҳадага мойиллигини тўғри пайкаган бўлсалар ҳам, бироқ Абдулла Орипов Чўлпон, Фитрат анъаналарини давом эттириб, эрк ва истиқлол куйчиси сифатида майдонга чиқаётганлигини қайд этишмаган. Зотан, давр, ҳукмрон мафкура бундай хулосага келиш учун имкон ҳам бермас эди.

¹ Миллий тикланиш. 2001 йил, 20 март.

Бегимкуловнинг эътироф этишича, Абдулла Орипов қарийб қирқ йиллик ижоди давомида ўзбек шеърятининг атоқли вакилларида бири сифатида тан олинди, унинг шеърлари дунёнинг кўп тилларига таржима қилинди, энг яхши шеърлари, поэмалари ва драматик достонлари хрестоматик асарларга айланди, ўзбек шеърятининг олтин фондидан ўрин олди.

Саксонинчи йиллар охиридан бошлаб шоир ижоди мактаблар ва адабиёт олий ўқув юртларида адабий сиймо сифатида ўрганила бошланди, замондошларининг катта қизиқишига сабаб бўлди. Замонавий ўзбек адабиётининг Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор каби мумтоз сиймолари шоирнинг илк ижодини кузатиш орқалиёқ шеърятимизга катта бир истеъдод кириб келаётганлигини кўра билдилар, унга хайрихоҳ бўлдилар.

Устоз Миртемир шоирнинг биринчи китоби «Митти юлдуз»га (Т., Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1965.) муҳаррирлик қилди. Устозлар ўғитига амал қилган шоир ижоди ҳозир айна кучга тўлган пайт, у шеърят ихлосмандларини янги-янги шеърӣ мўъжизалар билан ҳайратга солишда давом этмоқда.

Замон ва маконни чуқур англаган, даврнинг юрак уришларини теран ҳис қилган фавқуллодда талантли ижодкор бутун бир авлоднинг, бутун халқнинг ўй-фикрлари ифодачисига айланди. А.Орипов бугун ҳақли равишда йигирманчи аср иккинчи ярми ўзбек адабиётининг энг ёрқин намояндаларидан бири сифатида баҳоланмоқда.

Хурфидрлилик, истиқлол, тарихи минг йилларга бориб тақаладиган Ватанни озод, инсонни Эркин ва Хур кўриш орзуси, жамиятнинг оғриқли, иллатли нуқталарига аёвсиз муносабат, ҳаққа, ҳақиқатга етишиш истаги, адолат устуворлиги қайғуси А.Орипов ижодида марказий ўринда туради ва лирик қаҳрамон образи кўп жиҳатдан шоирнинг мана шу ҳаётӣ ва эстетик принциплари идеалларидан келиб чиқиб шаклланади.

Д.Бегимкуловнинг таъкидлашича, олтмишинчи йилларнинг ўрталарида яратилган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?», «Сароб», «Авлодларга мактуб», «Асримиз одами», «Альбомга», «Юзма-юз», «Ўзбекистонда куз», «Чол ва коммунизм қиссаси», «Бизникилар», «Баҳор», «Ўзбекистон», «Минораи Калон тепасидаги лайлак», «Жаннат», «Совға» каби шеърлар учун умумий бир оҳанг,

умумий бир ғоя бу – ҳурлик, миллий уйғониш ғоясидир.

«Миллий ғоя ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиз отмайди ва ривожланмайди. Ватаннинг равнақиға хизмат қилмайдиган ғоя ҳеч қачон миллий ғоя бўлолмайди. У Ватан равнақини белгилаб берадиган тамойилларини ўзида акс эттирсагина куч-қудрат манбаиға айланади».¹

Шоир шеърияти халқ руҳиятиға шунчалик кучли таъсир этдики, у ҳар бир ўзбек хонадонининг севимли шоириға, халқ шоириға, унинг дард ва аламларини, қувонч ва шодликларини қуйловчи яқин ҳамкор ва ҳамфикр кишисига айланиб қолди.

А.Орипов шеърияти том маънода миллий шеъриятдир. Шеъриятдаги миллийлик фақат ташқи кўринишларға – ифода воситаларининг миллийлиги, миллий туйғуларни декларатив равишда таъкидлаш билан ифодаланиб қолмайди. Чинакам миллий шоирнинг ҳар бир шеъри, ҳар бир сатри чуқур миллий руҳға чулғанган, миллат, миллий тафаккур уфуриб турган, миллийлик лирик қахрамоннинг томир-томирларига сингиб кетган бўлади. А.Ориповнинг бутун ижоди чуқур миллийлик руҳи билан суғорилган. Н.Гоголь Пушкинни халқ шоири сифатида таърифлаб: «У аввалбошданоқ миллий эди, чунки ҳақиқий миллийлик деҳқон аёлларнинг сарафанини тасвирлашдан иборат эмас, балки халқ руҳи билан боғлиқдир. Шоир мутлақо ўзга оламни тасвирлаган, бироқ унга ўз миллий стихияси кўзи, бутун халқ кўзи билан қараб, ватандошларига бу гўёки, ўзлари ҳис қилаётганидек ва сўзлашаётганидек бўлиб туюлган бир тарзда ҳис қилган ва сўзлаганда ҳам миллий бўлиши мумкин», – деган эди.²

Зеро, шоир Абдулла Орипов «ўз дардини ёзиш» воситасида «миллионларнинг дардини» ёзишни мақсад қилиб олди:

*Унда мен ахтарган энг порлоқ Инсон,
Унда мен ахтарган синмас ҳақиқат!*

ёки:

*Қалбим буюрмаса, бирор сўзни ҳам
Ёзмасман ҳеч қайда, ҳеч вақт, ҳеч қачон!*³

дея хитоб қилади.

¹ Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. 33-бет.

² Д.Бегимкулов. Абдулла Орипов. Савоб. 94-бет.

³ Абдулла Орипов. Халқ сўзи. 2001 йил, 24 март.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ўзликни англаш ва миллий маданият ҳақида шундай дейди: «Биз миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклаш ва ривожлантиришга катта аҳамият берар эканмиз, миллий ўзликни англаш жаҳон маданияти ғояларидан, умуминсоний қадриятлардан узилмаслигини назарда тутамиз. Ўзбек халқининг тарихи ва маданияти, умумбашарий цивилизациянинг таркибий ва ажралмас қисмидир».

Ўзлигини англаган, мустақиллик ғояларини ҳаётга татбиқ қилиб бораётган, илм-фанда дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшиб келаётган халқимизнинг кўплаб фидойи фарзандлари қатори, атоқли ижодкор, ўзбекнинг ғурур ва ифтихори, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов 2001 йил март ойида 60 ёшга тўлди. Президент И.Каримов 22 март куни шоирни Оқсаройда қабул қилиб, бугунги маънавий-маърифий юксалиш даврида Абдулла Орипов шеърятининг аҳамияти ниҳоятда катта эканини таъкидлади.

– Биз XX аср ўзбек адабиётини Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек каби мумтоз адибларимиз, замонавий адабиётимизни Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов сингари ижодкорларсиз тасаввур эта олмаганимиздек, – деди Президент, – маънавий келажагимиз, фаровон ва буюк истиқболимизни Абдулла Орипов ижодисиз ҳам кўз олдимизга келтира олмаймиз. Ҳозирги даврда ҳам унинг шеърлари халқимизни адолат тантанаси, ёруғ келажакка ишонч руҳида тарбиялайдиган юксак маънавий омил бўлиб хизмат қилмоқда.¹

Президент шоирнинг ўтган аср 60-йилларида яратилган «Тилла балиқча» шеъри ўша давр ва бугунги кун учун ҳам аҳамиятли эканини таъкидлаб ўтди.

ТИЛЛА БАЛИҚЧА

*Тухумдан чиқди-ю, келтириб уни
Шу лойқа ҳовузга томон отдилар.
Ташиландиқ ушоқ еб ўтади куни,
Хору хас, хазонлар устин ёнтилар.
Дунёда кўргани шу тор ҳовузча
Ва гавжум толларнинг аччиқ хазони,*

¹ Президент И.А.Каримов табриги. Халқ сўзи. 2001 йил, 24 март.

Менга алам қилар, тилла балиқча –

Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни!

Шеър 1965 йилда ёзилган. Олимларимиз Матёқуб Қўшжонов ва Сувон Мели шеърни жуда чуқур ва теран таҳлил этадилар. Кўплаб мунаққидлар шеърни турлича таҳлил этганликлари, хусусан, Яшар Қосимов таҳлилида ҳам бирмунча жузъий камчилик борлигини эътироф этадилар.

«Шеър бир қарашда жуда содда кўрингани билан, унда ғоят мураккаб, бадий теран ҳодиса акс эттирилган. Бу мураккаблик кескин ажратувчи ранглар – оқ ва қорани тан олмайди. Дарҳақиқат, нега тилла балиқчанинг тақдири фақат ғазаб ва нафрат ёки фақат раҳм-шафқат уйғотиши керак? Дунё фақат яхши ва ёмон ҳодисалардан иборат эмас, шундай бўлганда у жуда жўн, тушунилиши ғоят осон кечган бўларди. Дунё мураккаб, унда оқни қорадан, яхшилиқни ёмонлиқдан ажратиш учун қарама-қарши ҳолатлардан уйғунлик топиш, яъни диалектик фикрлаш талаб этилади».¹

Мунаққидларнинг фикрича, аслида «тилла балиқча» ва «лойқа ҳовузча» ўртасида конфликтга ўхшаш нарсас бўлса-да, бу юзаки оқибати келишув билан тугаган конфликтдир. Зотан, тилла балиқча лойқа ҳовуздаги ҳаётга кўниккандан сўнг, шу ҳовузнинг ажралмас бўлагига айланиб қолганлиги – аниқ ҳақиқат.

Шеърдаги асосий, бош конфликт эса шоир идеали билан лойқа ҳовузчада бемалол яшаб, сайр этиб юрган тилла балиқча фалсафаси ўртасидаги зиддиятдан вужудга келади. Шеърдаги фожеликнинг бош манбаи ҳам ана шу зиддиятдир. Шоир идеали охириги икки мисрага жо бўлган:

Менга алам қилар, тилла балиқча.

Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни!

Биринчи ҳолда «алам қилар» иборасида мужассам маъно битта «мен»га тегишли ва аламнинг сабаби тилла балиқчанинг дунёни бир кўлмак ҳовуз деб билишидир.

Бунда фожеий қаҳрамон тилла балиқча, яъни биқик, ифлос муҳитга тушиб қолиб, асл табиатга зид иш қилган, энг муҳими, шу аҳволга кўниккан одам фожиасти «Мен» эса шу фожеага муносабатини билдираётир, баҳо бераётир, ўзида шоир идеалини

¹ М.Қўшжонов, С.Мели. Абдулла Орипов. Т., Маънавият, 2000 йил, 78-бет.

ташиётир. Шу сабабли у тилла балиқчадан кўра юксакрок, чўнғрок фожиага дучор. Зеро, балиқча ўз фожеасини англамагани ҳолда, «мен» шу фожеасини англаб, юракка яқин олиб алам чекаётир. Том маънодаги фожелиқ аслида шу. Аммо «мен» тилла балиқча ҳолатидан ташқарида, мустақил нуқтаи назар сифатида турибди.

Тилла балиқча лойқа ҳовузга тушиб қолганига айбдор эмас, чунки уни бировлар «отдилар», – бу тўғри, аммо шу кунга кўнганига, ўз ҳолига бефарқ, ҳатто хурсандлиги учун (унинг дунёси – кўлмак ҳовуз) айбдор.¹ Энг даҳшатлиси, кўлмак ҳовуз ҳам балиқчанинг мулкига айланди. Шу кунига кўнди, бошқача бўлиши мумкинлигини, кенг уммонлар борлигини унутди. У айбсиз айбдор. Унинг фожеаси ҳам, уни туғдирган давр фожеаси ҳам шунда.

Мунаққидлар таҳлилининг моҳияти, тилла балиқчанинг ташландиқ ушоқ еб ўтадиган кунлари, тиллалиги аҳамиятсиз. Энди у сассиқ ҳовузнинг қонуний граждани, ҳатто эгаси.

Республикамиз собиқ Иттифоқ тасарруфида эканлигида йирик истеъдод соҳиблари кўлмак ҳовуз билан иттифоққа киришиб, турғунлик «қаҳрамонларига» айланган эдилар.

Шеърнинг ғоясини «мен», яъни шоирнинг тилла балиқчага муносабатидан эмас, балки «мен»нинг тилла балиқчага дунёни бир кўлмак ҳовуз деб билишига муносабатидан қидирмоқ керак. Алам қиладиган нарсаси ҳам аслида – шу.

Шоир кўлмак қонунларига бўйсуниб яшайдан алам туяди. Туганмас аламнинг сабаби, бутун фожеа шунда, деб хулоса қилишади мунаққидлар. А.Орипов эътирофича, «Ҳолбуки, дунё – сассиқ ҳовуз эмас, анча каттакон, гўзал, мўъжизакор бир олам».

Мунаққидлар Яшар Қосимов таҳлилига ҳам ўз муносабатларини билдириб шундай дейдилар: Яшар кўрсатган «тилла балиқча» ва «лойқа ҳовузча» ўртасидаги конфликтга келсак, улар орасида қайсидир даражада зиддият бор, аммо тилла балиқчанинг енгилишини – кўлмак ҳовуз унинг дунёсига айланиши билан зиддият тугайди ва худди шу ердан ҳақиқий зиддият олий мақсадлар, идеал билан ифлос муҳитга кўникиб, унга ем бўлганлар дунёси орасидаги асрий зиддият бошланади.

Бу осон ҳал бўладиган зиддият эмасди. У охир-оқибатда турғунлик деб аталадиган ва жамиятнинг юксак идеалларини зир

¹ М.Қўшжонов, С.Мели. Абдулла Орипов. Т., Маънавият, 2000 йил, 80-81-бетлар.

қақшаттан фожеаларини бошлаб келди. Бу ялпи фожиа эди: Тилла балиқчанинг ҳам, шоирнинг ҳам, қисқаси ҳамманинг кулфати эди.¹

Дангалчи шоир Ярослав Смеляковнинг «Тилла балиқча учун калтак еган Абдулла Орипов сенмисан? Ундан кўра кит ҳақида ёзиб, калтак есанг бўлмасмиди?!» – деган ҳазили тагида катта бир ҳақиқат зил бўлиб ётади. Шоир кит ҳақида ёзолмасди, чунки лойқа ҳовузчага кит сиғмасди, сиққан тақдирда ҳам кит балиқчага айланар, тилла балиқчанинг "тилла"лиги қолмагани сингари, китнинг ҳам "кит"лиги қолмасди. Турғунлик жамиятида қанчадан-қанча потенциал китлар балиқчага айландики, бу ҳақда фақат тахмин юритиш мумкин.

"Мен олий мақсад учун туғилганман, вужудимга кул бўлиш учун эмас," – дейди Сенека.

Бунинг устига балиқча оддий эмас, Тангри саховати билан тилла мавжудот этиб яратилган:

Дунёда кўргани шу тор ҳовузча

Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони.

«Тор ҳовузча» – кўзга ташланиб турган моддий дунё. «Мудроқ толлар» шу ҳовузчани тўсиб, қўриқлаб турган девор, икки карра икки тўрт қабилдаги сирсиз-сеҳрсиз, маънавиятсиз, руҳиятсиз, майда ақидалар мажмуи. Толлардан тўкилган сариқ барглар (яшил барг хазон бўлмайди, яъни тўжилмайди) бояги билимларнинг чала-чулпа лахтаклари. Моддийт кишанида боғланган одам наздида материализм – энг олий ҳақиқат, руҳ боқийлиги – курук афсона, ўлимдан сўнг – мутлақ йўқ бўлиш, чириш. Хуллас, зерикарли ва кулфатзада дунё, яъни «кўлмак ҳовуз».

Шу ўринда «тор ҳовузча» тилла балиқча вужуди билан бирикиб, мутлақ бир нарсага айланади. «Инжил» гувоҳлик берганидек, «руҳсиз бадан ўлик».

Агар тилла балиқча руҳоний кенгликка эга бўлганида тор ҳовузчада туриб ҳам ўз аслиятига – тиллалигига муносиб бўлган бўлур эди. Бало шундаки, у «кўлмак ҳовузча» билан дўстлашган, бир тан, бир жон бўлиб кетган. Чўлпон сўзлари билан айтганда: «Кўнгил, сен мунчалар нега Кишанлар бирла дўстлашдинг?» Энг даҳшатлиси ана шу ихтиёрликда, шу ҳолатни қонуний ва табиий деб билишда.

Ҳақиқатнинг юзига тик боқа оладиган, бардоши етадиган одам

¹ Юқоридаги асар. 85-бет.

«тилла балиқча – бу мен» дея олади. Шундай одам чин руҳоний юксакликка муносиб.¹

А.Орипов шуни англаган, руҳоний юксакликка муносиб, замонасозликка терс ҳолда ўз фикрини айта олган жасоратли даврининг виждони бўлган мурасасиз шоиридир.

Турк ёзувчиси Фатхулла Гулен Абдулла Ориповнинг Ватан ҳақидаги шеърларини таҳлил қилиб, ёзади: Абдулла Орипов Ўзбекистоннинг миллий шоири ўлароқ, ўз илҳомини ишончида, коинотнинг севгисида топди ва буларнинг барчасини бутун халқига, ҳатто бутун инсониятга тарқатган муҳаббат шоиридир, деб атайди:

*Тунлари мени ҳам чулғайди хаёл,
Ўзинг ёрлақазил мени ҳам, ё Раб,
Сенинг васлинг гарчи энг олий висол,
Раҳм этгил ва лекин ҳолимга қараб.
Менинг ҳам тилагим ол инobatга,
Қовуштир орзулар олами билан.
Расулulloҳ демиш: киши жаннатга,
Киргайдир севиқли одами билан.*

Чунки изтироб ва қийинчилик муҳаббатининг ўзи бўлгани каби, муҳаббат ҳам изтироб ва қийинчиликнинг ўзидир. Бу – олий мақсадларга интилиш ва юксак натижаларга эришишнинг энг унумли, ягона йўли.

Баъзи ижодкорлар олдиларига қўйган ғоялари, мақсадлари йўлида ҳар хил жафо чекадилар, аммо ҳеч қачон мақсадлари йўлида чекинмайдилар. Абдулла Орипов муҳаббат куйчиси бўлганидан, изтироб куйчиси бўлиши ҳам ғоят табиийдир. Фурқат Ватанда – беватан бўлганлигини надомат билан айтган эди. Қодирий, Фитрат, Чўлпон Ватанида эрксиз эканликларидан фарёд чеккан эдилар. Шоир Абдулланинг вужуди, жисми Ватанда эркинмиди, унинг халқининг жисми-чи? «Фурқат нидоси» шеърда айтганидек, унинг ёш қалби эрксизлик аламини тушуниб етган, халқининг кишанбандлигини билган, ёш гўдакдек изтиробларини ичга ютган, халқи ва ўз тақдири учун ўксиб-ўксиб йиғлаган эди:

*Мен Ватандан кетмаганман,
Айри тушганман, холос.
Ажрагандек сув кечарда*

¹ М.Қўшжонов, С.Мели. Абдулла Орипов. Т., Маънавият, 2000 йил, 88-бет.

*Бир нафас тандин либос.
Юрт у ёнда, мен бу ёнда,
Ўртада ҳижрон сели,
Анга кўприк таишламакка
Байтларим бўлди асос.
Ўксиб-ўксиб йиғладим мен,
Мисли тил билмас гўдак.¹*

Уруш кетаётган оғир дамларда ўзбек аёли ўзининг нозик елкасида фронт ичкарисиди ҳамма ишни уддалади, урушда домдараксиз кетган ёрини кутишга куч топа олди. Аёлнинг эъзозли ва мукаррамлигини шоир таърифлай олди.

Адабиётшунос Бахтиёр Назаров шоирнинг «Аёл» номли шеъридаги аёлнинг қаноати, сабр-бардоши, чидами ва жасорати ҳақида тўхталиб, «Аёл» номли шеър наинки Абдулла Орипов, балки умуман XX аср ўзбек шеърлятидаги бу муқаддас сиймо шаънига битилган энг гўзал ва шуқуҳли шеърлардан биридир, — дейди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ўзбекнинг миллий рухияти тонглари куйлаётган, армонли йилларда шоирга ўтказилган зуғум ва изтироблар ҳақида фикрини шундай ифода этади: «Шоир ўзининг энг яхши китобларидан бирини «Йиллар армони» деб атади. Оҳ, йиллар, йиллар, ҳар томондан отилган маломат тошлари, фиску фасодлар, кўнгилга етказилган ноҳақ жароҳатдан қоғозга тушмай ўтган умр. Дарвоқе, шоирнинг ўзи бу ҳақда: «Оҳ шоир умрига ҳавас қилмагил, у қуюн ичида унган бир дарахт», деб ёзганди. Ҳа, йигирманчи асрдай, уч-қуйруксиз қуюн ичида униб-ўсиб, шоир бўлмоқ чиндан ҳам биров ҳавас қилмайдиган машаққату азобдир».²

Бу ҳақда миллат шоири билан қаттол тузум кирдикорларини бирга татиб келаётган Эркин Воҳидов шундай дейди: «Барча исёнкор шоирлар каби Абдуллага ҳам осон бўлган эмас. Қаттол тузум қамчисидан у ҳам омон қолмаган. Лекин рухий азоблар, сиқувлар, минг изтироблар сўнгиди шоирга насиб бўлган каттакон бахт шуки, у халқи меҳрини қозонди, ўзи қурашган озодлик ва мустақиллик ғоясининг қуртак ёзганига гувоҳ бўлди. Шоир учун бундан ортиқ

¹ Абдулла Орипов. Бедорлик, 25-бет.

² Муҳаммад Али. "Шоир бўлмоқ қийин". Гулистон. 1996, №4. 30-38-бетлар.

саодат йўк”.

Ёзувчи Гаффор Хотамов замондоши А.Орипов шеърляти ҳақида ўйга чўмиб, унга «Абадият нафаси» деб ном беради. Чунки Усмон Азим фикрича, шўроларнинг қудратли мафкураси сикуви остида саросимада қолган юракларга шараф билан яшашнинг ягона йўли – Ватанни севмоқ эканини ўргатишга хизмат қилган шеърлятни бошқача аташ мумкин эмас эди.

Ўтган асрнинг 60–70-йилларида унинг ҳаёлотини халқнинг қисмати «осойишта йиллар» деб аталган кезларда фавқулудда жозиб, исёнкор шеърляти тафаккур дунёсини батамом чулғаб олган.

Дили озор чекканида ҳасратини Ориповчалик ўксиниб ифода этадиган бўлак бир кимсани учратмадим ҳали, деб ёзади у.

*Қолмаса дунёда мендан хотирот,
Наинки хотирот, оддий, жўн бир от,
Бўлса на бир қавмим, на ҳеи, на авлод,
Кўнглинг тўладими, ўшанда, айт-чи?*

Худосиз коммунистик тузумнинг ғоялари бизни ҳатто Аллоҳни тан олмаслик даражасига олиб келди:

*Аллоҳни тан олмаган
Коммунистик башарият
Таниб олди илоҳий деб сени, Шеърлят.
Ишондим, дунёга келган кунидан
Башар изламабди бесабаб илоҳ,
Мен бугун қўрқмасман дин афъюнидан,
Худоси йўқлардан қўрқаман бироқ
... Имон денг, виждон денг, майли отини, –
Лекин одамзотнинг «худо»си бўлсин.¹*

Абдулла Ориповнинг ҳазил тариқасида тақдим қилинган «Жаннат», «Яхмалак», «Сув», «Баҳор кунларида» каби шеърляригинамас, балки, «Тилла балиқча», “Дорбоз”, “Муножат”ни тинглаб...”, “Ўзбекистонда куз”, “Баҳор”, “Мен нечун нечун севаман Ўзбекистонни?”, «Уйку» каби ўзбекнинг улуг қудрати, ғам-аламлари, дарду ҳасратлари, мустақил, хур ҳаёт қуришини ёритувчи ўнлаб нодиру ноёб мўъжизаларни оддий, жўн асарлар сифатида қабул қилиши ҳеч гап эмас.

¹ Абдулла Орипов. “Ишонч кўприклари”. Т., Ғ.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. 24-бет.

Ўзлгимизни англаш, маънавий меросни қайта тиклаш, ҳозирги замон ҳамжамиятига мувофиқлашув, покланиш – миллий истиқлол тараққиётининг бош йўналишидир. Президент Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «Ижтимоий ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш бошланиб кетганлиги боис маънавий маданиятнинг қудратли қатламлари очилди. Улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ифтихор, бутун дунё учун бағрикенглик томон кескин ўзгартириб юборди».¹

Ўзбек халқи Руҳининг тикланиши, миллат маънавий ахлоқий идеалларининг шаклланиши чуқур миллийлик ва умуминсонийлик билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳодисадир.

Юқорида айтганимиз каби ўзини англаган киши бошқаларни ҳам англайди; ўзини таниган – Яратувчисини ҳам танийди. Ўзини танимаган одам ғафлатда қолади, атроф-муҳитга, бошқа одамларга нисбатан такаббуруна муносабатда бўлади. Худди шунингдек, ўзини англаган миллат тараққиёт сари қадам қўяди, ўз қадр-қимматини билади, ғурурини сақлайди, ор-номусини ҳимоя қилади. Айни вақтда бошқа миллатларга нисбатан ҳам ҳурмат билан қарайди. Шу боис нақл қиладилар:

Ўзини танимаган миллат ўзгаларнинг овидир,

*Ўз миллатини суймаган киши инсонийликнинг ёвидир.*²

Она Ватан кўрки, ўтмишда жабрдийда бутунги халқ йўли Абдулла шеърларининг негизидир. Ватан ҳақида фикр юритар экан, бутун она сайёрага, табиат мўъжизасининг улуғ вакили сифатида қарайди, қараб, Ҳимолай бағридаги «елкасида кўзаси, булоққа бораётган қиз»ни кўради.

«Фарзандларини кўксига босиб, қаёқларгадир шошилаётган бутун ер шарини кўради. Бироқ бу «Она сайёра»нинг юрагида лахта-лахта қон, «сийнаси пора», у қаёққадир шошилади, унинг елкасида эса яхшию ёмон – ҳаммаси бор.

«Қарши» кўшиғи (1970) шеърида Абдулла Орипов Ватани Қарши чўллари – кип-қизил сахро ҳам ўзининг қайси бир томонлари билан гўзаллигини ифодалайди.

Шоир тарихга назар ташлаб, у яна она Ер елкасига ортиб олган яхшию ёмонларни – Фотиҳ Искандар изларини, босқинчи Қутайба

¹ И.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.Т., «Ўзбекистон», 1992. 32-бет.

² Н.Худойберганов. Мулоқот. Шоирга эҳтиром. 1999 йил, 3 сон, 20-бет.

дахмаларини кўради.

Талончи Чингиз ваҳимаси ва дағдағаларини эшитади. Бу чўлда қанчадан-қанча майсалар от туёғи тагида эзилган, қиличбозликлар бўлиб, қонлар тўкилган. «Бирининг курганини бошқаси қилди вайрон». Бу – тарихий ҳақиқат!¹

Ўзбек халқи ўтмиш ва кечмишини ўйлаган шоир қалби ҳасратга тўлади, алам билан Бухоронинг сўнгги амири, манғит уруғига мансуб Саид Олимхондан ҳам гина қилади, чўлга сув чиқариб, уни обод қилмаганликда айблайди:

*Ва лекин шу фурсатда қалбимда ҳасрат билан,
Ўзбегим диёрининг кечмишини ўйлайман.
Мен бу кун дўстларимга афсус-надомат билан,
Ерга чўп қадамаган амирлардан сўйлайман!
Менинг мангит элимдан уйқучи Саид Олим
Чўл ошиб, Ҳисор томон чиққани маҳал йўлга,
Жиловдори бўлмаса, юган тортмаган золим,
Қайси ҳафсала билан сув чиқарсин бу чўлга!*²

Ватан ва миллатни севиш, унинг озодлиги ва эрки, миллий истиклоли ва ўзлигини англаши учун, унинг мустақиллиги учун қайғуриш нафақат Абдулла Ориф, у тенгқур, унинг замондошлари Эркин Воҳид, Рауф Парфи ва бошқа ижодкорлар фикрини тарқ этган эмас. Мустақиллик эълон қилинмасдан аввал, 1990 йилда Эркин Воҳидов «Ватан истаги» номли шеър ёзиб, унда Ватани озод бўлишини, унинг истиклолга эришишини чин дилдан истади:

*Бу Ватанда бир Ватан
Кўрмоқни истайдир кўнгил,
Ўзни озод қиш каби
Кўрмоқни истайдир кўнгил.
Бу Ватан тимсоли бўлса
Тонг қуёши шуълавор,
Шуълалар қўйнида чарх –
Урмоқни истайдир кўнгил.
Бас етар, ёлгон саодат,
Ёлгон эрк, ёлгон ватан,
Хуррият завқини чин*

¹ М.Қўшжонов, С.Мели. Абдулла Орипов. 25-бет.

² Абдулла Орипов. Бедорлик, 25-бет.

*Сурмоқни истайдир кўнгил.
Қутлуг истиқлол кунда
Эй Ватан, бағрингда шод
Эркин ўғлонинг бўлиб
Юрмоқни истайди кўнгил.¹*

«Мен учун Ватан – битта, бу Ўзбекистон» деган фикрни А.Орипов қизил империя даврида дадил айтади. Бу гоё унинг ижодида тобора чуқурлашиб борди. Шоирнинг «Ўзбекистон», Э.Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси ўз даврида миллатни тикловчи кучга қодир адабий феноменлар бўлди. Улар халқимизда, ёш авлодларда миллий ватанпарварлик ҳис-туйғусини вояга етказишда ҳамон маънавий руҳий омиллардан бўлиб келяпти.

Эркесвар, маърифатга ташна юрт бошидан не сир-синоатлар ўтмади? У ўзлигини топди, хатто қадр-қиммати ва буюклиги азиз бошидаги дўпписида ҳам, унинг «мен»лигини намоён қилиб турди:

*Ўзбегим деб кенг жаҳонга
Не учун мадҳ этмайин!
Ўзлим билмоққа даврим
Берди имкон ўзбегим.
Қайга бормай, бошда дўппим,
Шуҳратим, қадрим буюк,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон ўзбегим.²*

Абдулла Ориповнинг бетакрор ижодий йўли ҳозирги кунда ҳам алоҳида ибратга лойиқдир. Президент ўз шахсиятига, ўз фикрига, соғлом эътиқодига эга, маънавий эркин авлодни тарбиялаш мустақил Ўзбекистоннинг олдида турган долзарб вазифа эканини уқтирмакда. Янги баркамол авлодга Абдулла Ориповнинг ҳаёт ва адабиётдаги ҳалол, тўғри йўли, ёрқин шеърляти, матонати ибратдир.

Ўзбекистон, она халқ, Ватан ҳурлиги ва озодлиги мавзуси даъваткор руҳ билан қўшилиб, Абдулла Орипов «феномени»ни вужудга келтирган компонентлардан бири бўлди.

*Қоинот гултожи инсондир азал,
Ундадир энг олий тафаккур, амал.
Ҳатто, у тубанлик ичра ҳам танҳо,*

¹ Э.Воҳидов. Изтироб. Т., «Ўзбекистон», 1992 йил, 287- бет.

² Э.Воҳидов. Изтироб. Т., «Ўзбекистон», 1992 йил, 291- бет.

Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал.¹

Шоирнинг бутун ижоди, мана шу инсон закоси, унинг сир-синоати, англаб бўлмас сеҳру жодуси, юксаклиги ва тубанлиги қаршисида лол бўлган қалбнинг ҳайратидек таассурот қолдиради.

«Мен нимани кўриб, ҳис этган бўлсам, шуни қаламимга олишга ҳаракат қилганман», дейди шоирнинг ўзи. Унинг бетакрор шеърларини инсон руҳияти ва маънавияти ҳақидаги тизгинсиз зиддиятни фалсафий суҳбатлар дейиш мумкин. «Генетика», «Маломат тошлари», «Кўриқхона», «Учинчи одам», «Тафаккур монологи», «Виждон», «Денгизга», «Бир танишим ҳақида баллада», «Диалектика», «Ҳаким ва ажал», «Ранжом» «Жаннатга йўл», «Соҳибқирон» каби катта жанрдаги шеърӣ асарлари, уларнинг барчасида инсон маънавияти, эътиқоди, яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва қабихлик, виждон ва имонсизлик ўртасидаги кураш эҳтиросли фалсафий теран ифодланганлигини кўрамыз.

Инсоннинг то фазлу фалокати бор,

Унинг бир-бирига маломати бор...

Ҳануз сарҳадлардан ғамгин сас келур,

Маломат тошлари басма-бас келур,

Одамни маҳв этур фарзанди одам,

Одам эрур, аммо томошабин ҳам.²

Сурбетларча олиб борилган собиқ тоталитар тузуми, унинг зуғумлари, «даҳо»ларининг ҳийла ва кирдикорлари халқ оммасини, унинг турли қатлам ва тоифаларини эзиб ташлаган эди. А.Орипов шеърӣяти қафасда қолган ўзбек халқи тақдирини, унинг кечаги қоронғи тунларини илғаш, унинг мақсади халқини маънан уйғотиш эди.

«Бир куни Сталин масъул ходимларини хонасига тўплайди-да, «халқни қандай бошқариш тўғрисида бош қотириб юрибсизлар. Ҳокимият тепасидаги подшо худо эмас, лекин худодан кам жойи ҳам йўқ. Қўл остингдаги халқ бутунлай сенга итоат этиши учун нима қилмоқ керак? Кўриниб турибдики, билмайсизлар. Ҳозир мен сизларга кўрсатаман...», дея битта товук олиб келишларини амр қилади. Хонага товук келтирадилар. У товукни кўлига олиб, шафқатсизлик билан патларини юлиб ташлайди. Сўнгги пати юлиб

¹ Абдулла Орипов. Савоб. 100-бет.

² Абдулла Орипов. Савоб. 104-бет.

олинган товук қип-қизил гўштга ўхшаб қолади. Сталин товукни ерга қўяди-да: «Энди қараб туринглар-чи, бу товук қаёққа борар экан», дейди. Азоб-уқубатларни бошидан кечирган товук бечора қаёқларгадир қочиб кетмоқчи бўлади-ю, лекин офтобга чиқса, иссиқ куйдиради, салқин жойга борса, совқотади. Ҳафсаласи пир бўлган товук, ниҳоят, Сталиннинг оёқлари остига келиб жон сақлайди. Шунда дохий чўнтагидан бир сиқим дон чиқаради-да, товукнинг олдига сочиб қўяди ва ўзи хона бўйлаб уёқдан - буёққа бориб келаверади.

Анави шўрлик товук ҳам дохий орқасидан бир қарич узоклашмасдан эргашиб юраверади. Сталин оғзини очиб ўтирган ходимлар қаршисига келиб тўхтайдю: «Қалай, кўрдиларингми? Халқ ҳам мана шу товукқа ўхшайди. Халқнинг ҳам патини юлиб, қўйиб юбориш керак. Шунда уни бошқариш осон бўлади».¹

А.Ориповнинг советлар тузумининг шовинистик ғоялари авж олган 1967 йилнинг 19 июнида «Тошкент оқшоми» газетасида «Қушчага» шеъри эълон қилиниши тасодифий ҳол эмасдир.²

Шеър қафасга тушиб қолган қушча ҳақида:

*Эй қушим, кўкка қараб, кўздан ёшингни тўкма кўп,
Бунчалар андуҳи ғам ичра қафасни сўкма кўп,
Ношукрлик қилма мунча, соҳибингга айт шараф,
Ул сенга дон-дун бериб аҳволингга тургай қараб.*

Шеърга «бир танишим саъва қуш асраб, сал ўтмай қўйиб юборган экан. Шўрлик қайтиб келибди. Ўзи дон топиб еёлмаган бўлса керак», деган мазмундаги насрий тушунтириш ҳам берилган. Эҳтимолки, ушбу «изоҳ» шеърнинг газета юзини кўришига сабаб бўлган бўлса. Аслида эса тор қафасни, яъни тутқунлик ва мутеликни, қарамликни қоралаган, эркин олқишлаган, унга даъват қилган шеърнинг эълон қилиниши даргумон эди,³ деб ёзади адабиётшунос Дониёр Бегимкулов.

Гарчи қушчанинг ночор бўлса-да, кулбаси бор, уй соҳиби дон-дун, сув бериб, аҳволидан хабар олиб турган бўлса ҳам, митти жонзотнинг «пистадек» нозик қалбида олам қадар ғам борлигига урғу берилади. Чунки унинг ҳаёти барибир тутқунликда кечмоқда:

¹ Чингиз Айтматов, Мухтор Шоҳонов. Чўққиди қолган овчининг охи-зори. Т. «Маънавият», 1998 йил, 210-бет.

² Абдулла Орипов. Савоб. 98-бет.

³ Абдулла Орипов. Савоб. 52-бет.

*Қол ўшал масканда сен, эрк деб дилингни тилма кўп,
Сен ахир қушсан оғиз, инсонга тақлид қилма кўп.
Биз қафасни севмагаймиз, бизга на уйдир ҳождат,
Давримизни яйрашиб биз куйласак етгай фақат.*

Муте ҳаётга кўникиб қолган, ўзлигини англашга интилмайдиган замондошга, хуррам замонага қаратилган аччиқ пичинг, захарханда оҳанглари ёрқин сезилиб туради.

Эркин ижодга исканжа бўлган тузум барҳам топди. Китоб жавонларимизни «безаган» не-не қалин жилдлар эскириб, ўз қимматини йўқотдилар. Лекин ҳақиқий ижод, чинакам санъат, ҳаққоний сўз эскирмади. Шундай эскирмас, тўзимас сўз соҳибларидан бири Абдулла Орифдир.

Абдулла Ориф миллатнинг истиқлолини ботиний қалб-ла сезади, гарчи у шу юртнинг митти фарзанди бўлса-да, унга хизмат қилишини, уни уйғотишни ўзи учун шараф деб билади. Ватанининг уйғониш дамларини у шундай куйлайди:

*Ўкинма она-юрт, ўкинма халқим,
Десалар, дилингда зорларинг бордир.
Аслида, кўйнингга сирғалиб кириб
Заҳарлар сочгувчи морларинг бордир.
Балли, истиқболга кўзни тикибсан,
Ахир ҳаққа муҳтож хорларинг бордир.
Уйғониш замонинг муборак бўлсин
Азалий шиддатинг, орларинг бордир.
Мен митти ўғлингман, лекин юкингни
Кўтариб ўтгувчи норларинг бордир.¹*

Одатда адабиёт инсоншунослик деб аталади. Шу билан баробар, адабиёт ахлоқшунослик ҳам. Инсонни мадҳ этган Абдулла Орипов бир қатор улуғ сиймоларнинг шаънига шеърлар бағишлайди. Булар ичида Ал-Беруний, Ибн Сино, Навоий, М.Горький, В.Маяковский, Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Аброр Ҳидоятлов ва бошқалар бор.

Шоир бундан 500 йил муқаддам бўлиб ўтган мудҳиш воқеа – Хусайн Бойқаронинг невараси Мўмин Мирзони ўз ҳукми билан қатл этганини эслайди.

Шаҳзодани «укам» деб атаган шоирнинг қалбини бугун ҳам

¹ Юқоридаги асар, 52-бет.

Араб мамлакатларида, Африка, Жанубий Америка қитъаларида дайдиб ёки азоб чекиб юрган, ўлимга маҳкум ёш болалар қисмати, уларга кўтарилган қотил қиличлари ғазабга тўлдиради:

Сен-ку йўқсан, аммо қотиллар яшар,

Ҳамон гўдакларга қилич қайрашар.

Қачон пок бўларкан булардан башар,

Мўмин Мирзо укам, сени ўлдирдилар.

Абдулла Ориповни баъзилар мунгли шоир дейдилар. У мунгли шоир эмас, унли шоир, у ўзбек халқи дардини, қувончини куйлаётган – халқ шоири, шу миллат куйчиси, ҳамма шоирлар ҳам унинг мавқеи даражасига, мартабасига эришолмайдилар.¹

У баҳорга шеър бағишлар экан, шеърнинг дебочаси қилиб, ҳаётни, уйғонишни, қайта тикланишни олади. Бироқ ҳаёт фақат уйғониш, қайта тикланишдангина иборат эмас. Қиш бор – биз ёзни улугʻлаймиз, совуқ бор – иссиқни ёқтирамыз, кечанинг қоронғиси бор – кундузнинг ёруғини истаймиз. Табиатнинг бир-бирларига зид шу қонуниятлари бўлмаса эди, биз на нурнинг, на илиқликнинг, на баҳорнинг қадрига етардик.

Абдулла ҳаётни ана шундай зиддиятлари билан биргаликда кўради. Баҳор ҳам ўтар, умр ҳам ўтар, фақат Ватан мангу қолар... Ватан – бу, шоирнинг англашича, чексиз уйғонишлар, қайта тикланишлар, видолашишлар ва яна уйғонишлар ва яна тикланишлар. Ватан меҳриғиёси қалбларни чўқтирмай мадад беради, рухларга илҳом бағишлайди.²

Абдулла Орипов кейинги тўпламини «Бедорлик» деб атаган. Қандай бедорлик у? «Бедорлик» – қалб уйғоқлиғи, фикр бедорлиғи, озод ва хур диёрни тинч ва осуда сақлаш бедорлиғи, Истиқлолни сақлаб, авлодларга етказиш бедорлиғи.

Истиқлол, садаганг кетай, Истиқлол!

Бунча озир экан қутлуг йўлларинг?

Ишонай, дуч келса, агар ёв қаттол,

Бурда-бурда қилсин уни қўлларинг.

Мен эса, Истиқлол яловин тутиб,

Метин сафларингда собит кетурман.

Ўтган шахидларнинг номин этиб ёд,

¹ М.Қўшжонов, С.Мели. Абдулла Орипов. Т., "Маънавият", 2000, 80-бет.

² М.Қўшжонов, С.Мели. Абдулла Орипов. 43-бет.

Юртбошим ёнида бедор ўтурман.¹

Ижодкорнинг «Халқ», «Ўзбекистон давлати», «Ўзбек қомуси» каби шеърларида мустақиллик нашидаси куйланади.

Шоир «Халқ» (1992) шеърида пахта туфайли «Ўзбеклар иши» номи билан халқимизнинг қоралангани, ўзбекнинг пешонаси маломатлардан чиқмаганлиги, саркардаси, шоирга бой бу юртнинг ҳатто девонаси ҳам минг оқилга бош бўлишини, ўзбекнинг қони тозалигини, софлигини, унинг кўнгли кир эмаслигини, у табиатан инсон деган номни улуғлашини, шариату тариқатда ҳам миллат ўзига хослигини сақлаб келаётганлигини, волид ва волидаси ўзбеклигидан фахрланишини, Юртбошиси раҳнамолигида юрт оғирини енгил қилишга ҳаракат этаётганлигини, ўзбек халқи пешонаси ярқираб, мустақилликка чиққанлигини, энди улуғ неъмат Истиқлолни сақлаб қолишни, халқ чинакам ўзбек халқига айланганлигини ифтихор билан куйлайди:

***Каттакон йўлга чиқдинг, йўлдошинг бўлай, халқим,
Фарзандингман, қўллайсан, қўлдошинг бўлай, халқим
Ҳасратинг кўп дилингда, дилдошинг бўлай халқим,
Фақатгина халқ яшар, фақатгина қолур халқ²***

Шоир «Ўзбекистон давлати» (1992) шеърида давлатни дунё таниганини, Ўзбекистон жаҳонга юз тутганини, ўзбек халқи турли камситиш ва тазйиқлардан озод бўлганини, Темур ва Навоийларнинг ўлмас ғоялари бугун амалда эканлиги, ялов, туғ, байроққа эгалигимиз, энди ўзбек халқи бошига қаро кунлар келмас бўлиб кетишлигини Яратгандан илтижо, муножот қилиб сўрайди, ўзбекнинг олдингидек ўз-ўзига бек бўлиб яшаётганини ғурур ила сўйлайди ва яхшилик жомини кўтаришни хоҳлайди:

***Насиб этмиш бу кунлар, таралсин янгроқ унлар,
Дўстлар билан ёнма-ён қутлайлик бу айёмни,
Илоё бошимизга келмасин қаро кунлар,
Ўзбегим деб кўтаринг, дўстларим, олтин жомни.***

«Ўзбек қомуси» шоир ижодидаги энг сара, мағзи тўқ деса бўладиган фалсафий шеърдир.

Амалда собиқ тузумда қомусимиз бўлгани ҳолда, унга риоя қилинмас эди. «Ботинимда ботмон тошу зоҳир хандаман». Нечоғли

¹ Абдулла Орипов. Бедорлик. Т., «Ёзувчи», 3- бет.

² Абдулла Орипов. «Бедорлик», 6-бет

чўнг фалсафий фикр мужассам бунда. Ўзбекистон мамлакатини дунё-ку билмасди, аммо қомуси бўлган мамлакатнинг фуқаро шоирининг ўзи ҳам давлати борлигига шубҳа билан қарарди.

Тарихда-чи, Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур даврида салтанат, давлат бор эди. Туркистон давлати эди у. Бухорий ва Яссавийнинг юртини, улар хоки, тупроғини кимлар топтамади? Шоирнинг алами шу ерда зоҳиран юзага чиқади:

*Ҳам Темурбек, ҳам Улуғбек, Алишер, Бобур,
Сизлар тузган ул салтанат – Салтанат бўлди.
Улуғ тарих Туркистонга чўнг гувоҳ эрур,
Давлат эдик, Давлат эдик. У Давлат бўлди!
Эмукдошим, ай, қардошим, қулоқ тут менга,
Ушбу кўҳна қаҳқашонда мағрур тутгин бош.
Сен заминга лойиқдирсан, замин ҳам сенга,
Сеникидир энди бу ер, сеники қуёш.
Қўлингда эрк, бошида ялов, тилингда суруд,
Ватанинг бор, бола - богчанг, ор-номусинг бор.
Ўзбекистон деб аталган муқаддас ҳудуд,
Ўз давлатинг, Мамлакатинг, ўз қомусинг бор.¹*

Ўзбекистон мустақиллиги муносабати билан Абдулла Орипов ижодида она-юрт, Ватан мавзусининг янгича талқинлари майдонга келди. «Адолат офтоби», «Ўйғониш замони», «Эрк ҳаққи», «Оқ кабутар» шеърлари ана шулар жумласидандир.

«Адолат офтоби»да шоир юртни, элни Мустақиллик билан муборак этади, ниҳоят, адолат офтоби порлаганини куйлайди. Бу асар Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилинган кунда ёзилган ва шу куниёқ Олий Кенгаш минбаридан ўқиб берилган. Шоир бу шеърда мустақиллик осонлик билан қўлга киритилмаганини эътироф этади, уни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш муҳимлигига эътиборни қаратади. Олдинда ҳали курашлар борлигини таъкидлаб, бу йўлда хушёр туришга чорлайди:

*Унутмагин ва лекин, олдда бор ҳали ётлар,
Қадамингни пойлайди очкўз, юҳо не зотлар,
Шоҳ сурибсан, инжима гингшииса агар мотлар,
Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин,*

¹ XX аср ўзбек адабиёти тарихи. 473-бет.

Ўзбекнинг ўз ниҳолини эканлиги рост бўлсин.¹

90-йиллар аввалида вужудга келган имкониятлар, мустақиллик, динга муносабатдаги хурфидрилиликнинг қайтиши, Куръон ва ҳадисларнинг эълон қилиниши Абдулла Орипов илҳом булоқларининг кўзини очди. «Асл диний дунёқараш тирик тафаккурнинг ҳаётдаги жонли қўлланмаси»дир, дейди шоир.

Абдулла Ориповнинг дин ва дин фалсафасига доир қарашларининг ўзи мустақил тадқиқотга муносибдир.

Зеро, шоирнинг яхлит поэтик фалсафасида, дунёқарашда бу масала айрича ўрин тутди. Биз Исломга қарши курашнинг асосий мақсадларидан бири «Мустамлакачилик сиёсатини омма орасида маънавий жиҳатдан ўрнатишдан иборат», дейди бу борада А.Орипов.

“Ҳикмат садолари” туркумига кирган шеърларининг қиммати ва аҳамияти инсонпарварликни, иймон, виждон, ҳалоллик, хурлик ва эркинликни улуғлашда ҳам қимматлидир.

Улуғ мутафаккир мутасаввуфлар Жомий ва Навоий каби шеърят даҳолари ҳадисларга шеърӣ шарҳлар ёзиб қолдирганлар. «Ҳикмат садолари» туркумидаги шеърлар муайян маънода ана шу улуғ устозларга эргашиш самарасидир.

Абдулла Орипов 1992 йили ҳаж сафарида бўлди, сафар натижаси ўлароқ «Ҳаж дафтари» туркум шеърлари вужудга келди. Бу шеърларда «Ҳикмат садолари»даги ғоялар ривожлантирилди, бойитилди, замоннинг кучли ижтимоий муаммолари бадий талқин этилди.

«Қаъбатуллоҳ» шеърида шоир бир неча йиллар бири икки бўлмаган, бағри хун, толейи кулмаган элига омад тилайди. Ниҳоят, ёруғ кунлар келганини, Яратгандан энди бу элдан шафқатини аямасликни илтижо қилади:

Шукрона айтурман ўзингга, ё Раб,

Юз бурдик ҳидоят йўлига қараб.

Ҳақ деган юртимнинг бахтини сўраб,

Келдим, мадад бергил, ё Қаъбатуллоҳ.²

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари узлатни, ўзини хилватга олишни, сукут сақлашни, ёлғизланиб, чекиниб? тафаккурга

¹ Юқоридги асар, 479-бет.

² Юқоридаги асар, 480-бет.

берилишни, инсоният, башарият тақдири яхши томонга ўзгаришининг турли йўлларини ўйлаб, улкан таълимот қолдирган.

Узлатга чекиниш донолар наздида ҳаётдан йироқлашиш эмас, балки ҳаётни, яхши бўлиши учун курашиш, тафаккур қилиб, янги ғоялар яратишдир.

Баъзида худбин ва ғаддор замондан ёки ноқобил юрт сўровчи подшоҳдан безган улўғ кишилар ҳам узлатга чекинадилар.

Абдулла Ориповда ҳам шўролар замонида узлатга чекиниб, аламларини ютган дамлар бўлган. Битта шоир эмас, ўзбек эли узлатга чекинди ўтган йилларда, худди шу йилларда у узлатни эли "юрагидан ахтарди".

Мен узлатни элимнинг

Юрагидан ахтаргум,

Ўксуқларнинг энг пинҳон
тилагидан ахтаргум.¹

Адабиётшунос олим Б.Қосимов шундай ёзади: Абдулла – бугунги куннинг шоири. У кўпинча инсон руҳининг камалакдай рангин ҳолатларидан келиб чиқади. Гоҳ олис ўтмишга синчков назар ташлайди. Жаҳон ва Инсон тарихининг буюк бурилишларидан маъно ва ҳикмат кидиради. Инсониятнинг буюк одимлари, ғолиб ва мағлуб лаҳзалари устида файласуфона ўйга толади.²

«Яшамоқ – бу ҳис этмоқ ва фикрламоқ, изтироб чекмоқ ва роҳат қилмоқдир. Булардан бошқа ҳар қандай ҳаёт ўлимдир. Бизнинг туйғу ва тафаккуримиз қанчалик катта мазмунни қамраб олса, изтироб ва роҳатланиш қобилятимиз қанчалик кучли ва теран бўлса, демакки, биз шу қадар кўп яшаямиз»³ – деган эди рус танқидчиси В.Г.Белинский. Абдулланинг лирик қаҳрамонлари шундай катта ташвишлар, дунё ташвишлари билан яшайди.

Абдулла ўз шеърларидан бирини «Она сайёра» деб атади. Космик ракетадан олинган Ер шарининг сурати шоирда тубсиз ҳаёллар кўзгайди.

Наҳот, бу ўша танҳо ва муқаддас курраи замин. Қайга у

¹ Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 384-бет.

² Б.Қосимов. Салом, келажак. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1986, 115-бет.

³ Юқоридаги асар. Ўша жой.

бунчалар шошиб кетмоқда? Балки ўз фарзандини кўксига босиб, йиғлаб кетаётгандир?

Фарзандларинг бордир сөнсиз-саноқсиз,
Воажаб қадрингни гоҳида билмас,
Улар-ку қошингда чангдай салмоқсиз,
Лекин бағрингга ҳам сиққувси келмас.
Осмон торлик қилган гала чумчуқдек
Макон талашади гоҳо бетартиб
Сен-чи, меҳварингда айланасан тек,
Яхшию ёмонни елкангга ортиб.

Унинг дардқаш юраги лахта-лахта қон, жафоқаш сийнаси садпора... Шоир мўъжаз, «Салмоғи Қуванинг анорича» бўлган Ер шарининг суратига интиқ тикилади.

Инсониятнинг асрий орзулари бирин-кетин шу ерда ушалмоқда. Қачонлардир бутун курраи замин бизнинг Ватан мисол мусаффо ва қутлўғ бўлади. Бутун ер юзи бахтга, чаманга чулғанади. Қадим ва Танҳо Замин нурли давронга юз буради.

Мана шу қутлўғ истиқбол бизнинг Ватандан бошланган. Бинобарин, у она сайёранинг дардларини бениҳоя теран англайди. Угина дардқаш сайёрага биринчи нажоткор бўла олади.¹

Абдулла Орипов – мана шундай шеърлари билан халқимизнинг тилига тушиб, меҳрини қозониб келаётган шоиримиз.

«Илоҳий комедия»нинг «Дўзах» қисми Абдулла Орипов таржимасида босилиб чиқди. Бу Дантенинг ватанимизга ташрифи эди. Ибн Сино авлодлари итальян шоири Данте асарини ўз она тилларида ўқиш бахтига муяссар бўлган эдилар. А.Орипов истеъдодининг айни етилган палласида бу таржимага қўл уриб, ажойиб маҳорат кўрсатди, улкан ижодий муваффақият қозонди.

«Илоҳий комедия»ни таржима қилиш осон эмас эди. А.Орипов мана шу муаззам ва мураккаб бадий обиданинг биринчи қисмини салобат ва салоҳият билан ижодий қайта яратиб, адабиётимиз хазинасига қўшди, ўзи ҳам ижодий камолотга кўтарилди.²

Ҳам мазмунан, ҳам шаклан «Жаннатга йўл»дан Данте «Илоҳий комедия»сининг хиди келиб туради.

Эҳтимол, Абдулла Ориповнинг ўзи Данте таъсирини инкор

¹ Юқоридаги асар. 127-128 бетлар.

² Н.Комилов. Тафаккур қарвонлари. Т., Маънавият, 119-бет.

қилар, бироқ «Илоҳий комедия»дек буюк асарни таржима қилиш учун Абдулла Орипов йиллаб вақт сарф қилди. Айтиш керакки, бу қимматли вақтлар бекор кетмади. Жаҳон адабиётининг бу ноёб асари ўз бўй-бастига тўғри келадиган таржимонини топди.

Бу ҳақда шоир шундай дейди: «Агар мен Данте билан суҳбатдош бўлиб қолсам, нима ҳақида гаплашар эдим? У менга энг яхши замондош бўларди. Мен у билан бугунги ҳаёт муаммолари юзасидан, яхшилар ва ёмонлар, виждонлилар ва виждонсизлар, ҳалолни ҳаромдан фарқ қиладиганлар ва қила билмайдиганлар ҳақида гаплашардим.

Дантедан порахўрлар, ўғрилар, ҳасадгўйлар, лаганбардорлар ва ҳоказо-ҳоказолар ҳозир ҳам кўрқиб келадилар. Ўзининг шу хислатлари билан Данте бизга замондошдир.

«Бундан олти асрча муқаддам ёзилган ушбу асар одамларнинг иллатларини шафқатсиз фош этади. Бу иллатлар ҳозир ҳам йўқолгани йўқ. Шу боис ҳам «Илоҳий комедия»га бўлган қизиқиш сўнган эмас, ҳеч қачон ҳеч қайси асрда сўнмайди ҳам».¹

Қалмиқ халқ шоири Давид Қуғултинов шоирнинг 60 йиллик юбилеи муносабати билан йўллаган кутловида қуйидаги фикрларни билдиради:

«Азизим Абдулла!»²

60 ёшга тўлишингни эшитиб, қулоғимга ишонмай ўтирибман. Бир вақтлар ёш ёзувчилар семинарида Қайсин Қулиев билан биргаликда сенга чин дилдан қувониб, оқ фотиҳа берганимиз кечагидай ёдимда.

Яна бир нарсa эсимдаки, сен инсониятнинг даҳо шоирларидан бири Дантенинг «Илоҳий комедия»си таржимасига қўл урган эдинг. Сенинг улкан истеъдодинг туфайли ўзбек халқи Алишер Навоий билан бир қаторда буюк итальяннинг илоҳий сўзига ҳам лойиқ бўлди.

Сен буни қойил қилиб уддаладинг!

Ва бугун ўзинг ҳам улуғ шоирга айландинг.

Сенинг улкан таваллуд тўйинг мустақил Ўзбекистон муҳитида нишонланаётганлиги алоҳида ҳодисадир. Бу эса Президент Ислам Каримов янги Ўзбекистон халқининг отаси сифатида адабиётга,

¹ Шарқ юлдузи 1983, 12-сон 155-бет мақола: акад. М Қўшжонов.

² Халқ сўзи. Қутлов. 2001 йил 24 март.

санъатга, маданият равнақига катта эътибор ва ғамхўрликлар кўрсатаётганига гўзал бир далолатдир.

Кадрдоним Абдулла! Сенга она-заминимиздаги бахтли ҳаёт учун бундан-да самарали меҳнат қилиб, фидойиларча курашиб, узоқ ва нурли умр кўришингни тилаб қоламан.

Сени бағримга босаман.

Давид Куғултинов. Қалмиқия халқ шоири».

Адабиётшунос олимлар М.Қўшжонов ва С.Мели Абдулла Орипов шеърияти аҳамиятининг ниҳоясини шундай хулосалайдилар:

“Абдулла Орипов ижодида, ҳатто илк шеърیداёқ поэтик фикрнинг кўлами ва бениҳоя изчил ҳаракати кишини лол қолдиради. Лирик «мен»нинг ранг-баранг кечинмаларида ва тахайюл оламида бир улуғ мақсад сари тинимсиз интилиш кўзга ташланади. Бу – умумхалқ кайфиятини, янада аниқроғи, умумхалқ қадриятини ифодалашга интилишдир. Шоирнинг илк қалам тажрибаларидан бўлган, ўттиз беш йилча муқаддам ёзилган «Куз хаёллари»дан тортиб яқинда яратилган «Ишонч кўприклари» шеъригача – барча-барчасида халқимизнинг алам ва армонлари, дард ва ташвишлари билан йўғрилган ёниқ қалб манзараларини кўрамиз. Аён бўладики, Абдулла Орипов ижодий изланишларининг етакчи нафасини, азалий ва бош мақсадини азиз Ватан, дунёдаги ҳамма нарсалардан қадрли ва табаррук жонажон халқ тақдирини, истиқболини, энг олий ватандошлик туйғуларини куйлаш ташкил қилади.

Умуман, мустамлака давридаги адабиётимизда, хусусан, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдулла Қодирийдан кейинги ярим асрлик адабий ҳаракатда халқ ҳаётини Абдулла Орипов ижодида бўлгандай жонли ва таъсирчан тасвирларда кўрмаймиз. Маълумки, истибдод сиёсати авж олган, айниқса, ўша машъум йилларда адабиёт халқ ҳаётини зўравон ва мустабид мафкура йўл-йўриқларидан, сиёсий-расмий, маъмурий-буйруқ ва кўрсатмаларидан келиб чиққан тарзда ёритишга мажбур ва маҳкум этилганди. Бадиий ва ижтимоий фикрни ушбу қуллик ва мутелик асоратидан халос этишга бел боғлаганларидан бири, эҳтимолки, биринчиси Абдулла Орипов эди. Бутун вужудимизга чирмовуқдай чирмашган, ҳатто қалбимизга ҳам ҳукм ўтказётган манфур мафкуранинг даҳшатли асоратини илк бор у ёриб чиқди. Абдулла

Орипов лирикаси миллий руҳнинг дастлабки ва буюк ғалабаси эди".¹

Хуллас, Абдулла Орипов ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни алоҳида эътироф этмоқ керакки, XX аср ўзбек шеърятининг сўнгги 30-35 йиллик тарихида Абдулла Орипов қадар танқидчилар эътиборига тушган шоир кам топилади. Чунки мевали дарахтга доимо тош отилгани каби, элнинг буюк шоири, халқнинг суюкли шоирига ҳам гоҳо булутли, гоҳо чароғон ва ёруғ кунлар насиб этаверди. "Шу давр шеърятини ҳақида фикр юритилган бирон-бир салмоқли тадқиқот, илмий иш, мақола, шарҳ йўқки, унда Абдулла Орипов асарларига муносабат билдирилмаган, шеърлари таҳлил этилмаган бўлсин. Унинг ижодидан бир қанча диссертациялар ёқланди". Атоқли олим Матёқуб Қўшжонов «Онажоним, шеърят» номли китобида шоирнинг мўъжаз ижодий портретини яратди. Бундан ўттиз беш йиллар олдин матбуотда Абдулла Ориповга илк бор оқ йўл тилаган, унинг келажагига катта ишонч билдирган ва қўп ўтмай бу ишонч оқланиб, шеърларидаги маҳоратни ҳассослик билан таҳлил қилган Озод Шарафиддинов мақолалари шоир ижодини ўрганиш билан бирга, танқидчилигимиз равнақида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов, Наим Каримов, Иброҳим Ғафуров, Бегали Қосимов, Нўъмон Раҳимжонов, Иброҳим Ҳаққулов, Михли Сафаров, Ботирхон Акрамов, Ботир Норбоев, Сувон Мелиев ва бошқаларнинг эҳтирос билан ёзилган ишлари шоир асарларининг ғоявий ва поэтик теранлигини, ўзига хослигини, гўзаллик сирларини очишга қаратилди.

Бу ноёб истеъдод халқаро миқёсга чиқди. Шоир асарлари қозоқ, туркман, қирғиз, тожик, озарбайжон, татар, турк, бошқирд, уйғур, қорақалпоқ, турк, рус, украин, белорус, инглиз, немис, булғор, венгер сингари йигирмага яқин тилга таржима қилинди. «Ҳаким ва ажал» достони Ливан пойтахти Байрутда инглиз тилида босилиб чиқди.

«Мустақил Ўзбекистон Республикаси мадҳияси сўзларининг муаллифи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг совриндори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, улкан давлат ва жамоат арбоби,

¹ М.Қўшжонов, С.Мели. Абдулла Орипов. 132-133 бетлар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулло Ориповнинг шеърий асарлар устида ишламоқда».¹

Замондош шоирларнинг устозига, ўз элининг ардоқли шоирига айланган юксак истеъдод эгаси Абдулла Ориповдан Ватан ва халқ дардини таҳлил этувчи шеърлар кутиб қоламиз.

¹ Н.Каримов ва бошқ. «XX аср Ўзбек адабиёти тарихи». Т., 1999 й. 481-482-бетлар.

ХУЛОСА

XX аср 60–80-йиллари сўнгги давр ўзбек адабиётида миллий уйғониш ғояси ва Абдулла Орипов шеърияти мавзусидаги мазкур илмий-тадқиқот ишининг мустақил Ўзбекистон, унинг бугунги кундаги равнақи ва шу халқнинг миллий уйғонишига қўшилган ҳиссасини белгиловчи туб негизи, мазкур ишнинг салмоғи, унинг долзарблиги, муҳимлиги ҳисобга олиниб, қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Туркистонда миллий уйғониш ва бадий адабиёт, яъни жади́дчилик, унинг намоёндаларининг миллий уйғониш мафкурасига қўшган ҳиссалари, XX аср I чораги ўзбек шеъриятида ўзликни англаш ва истиқлол ғоясига муносабат қандай манзара кашф этди, у Туркистон халқининг тафаккурини, миллий ғояларини ўзида акс эттирилиши билан аҳамиятли ва қимматлидир.

Аввало шуни таъкидламоқчимизки, Туркистон ўлкасида мустабид чор Россияси ва шўролар даврида миллий ғояларга мутлақо йўл берилмади, ҳар қандай миллий интилиш ва ҳаракат шафқатсизларча бостирилиб ташланди ва бартараф этилди.

Жади́длар Исмоилбек Ғаспирали ва бошқа кўплаб унинг сафдошларининг миллий ғоя ва миллатни уйғотишга чорловчи фикрларини ўзлаштирдилар, дастуриламал қилиб, фаолият юритдилар, уларнинг илғор, озодликка ундовчи, даъват этувчи фикрларини халқ оммасига ёйишга ўз кучларини сафарбар этдилар.

Ватан озодлигини, унинг эркини, истиқлолини ўз қарашларида, асарларида, даъваткор нутқларида ифода этдилар, Туркистон тақдири, миллат келажагига замин яратдилар, кўплаб газеталар ва журналлар чиқариб, тарғиб-ташвиқ ишларини кучайтирдилар.

Исмоилбек Ғаспирали ва Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг издошлари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Ҳамза каби ижодкор жади́длар ҳаётларини хавф остига қўйиб, ўз асарлари қаҳрамонларини Ватан тақдири учун курашувчи миллатпарвар, фидойи образ сифатида талқин қилдилар.

Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Назир Тўрақулов каби

рахбар бўлган жадидлар ҳаёти фожиаи хотима топди. Улар шўролар тузумининг ёлғончи ғоя ва мафкураси қурбони бўлдилар.

Қўқон мухторияти тезда тугатилди, уни амалга оширганлар большевиклар тазйиқи билан қатағонга учраб, йўқ қилинди.

Қрим, Қозон жадидлари билан Туркистон жадидлари ўртасида алоқа мустаҳкамланди. Миллий манфаатлар топталса-да, халқнинг мустамлакачиларга бўлган нафрати сўнмади ва жадидлар мафкурасини давом эттирувчи, улар тили билан айтганда, еттига ўн йилликдан кейин большевиклар мафкураси инқирозга юз тутди, тарих саҳнидан улоқтириб ташланди.

2. Ўтган асрнинг дастлабки чорагида ўзликни англаш ва истиқлол ғояси учун бадиий адабиётнинг поэтик жанри — шеърияида халқ руҳиятини уйғотиш учун мутафаккир шоирлар миллий манфаатлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб ижод қилдилар.

Абдулла Авлони, Ҳамза, Ажзий, Тавалло, Чўлпон, Сидқий Хондайлиқий, Камий, Тошқин, Айний каби ижодкор-шоирлар миллий шеърлар, ашулалар яратдилар.

Туркистоннинг жадид шоирлари ўзбек шеърияида маърифатпарварлик ғояларини, шарқона миллий турмуш анъаналарини қуйладилар.

Айниқса, Ҳамза ва Чўлпон шеърияи энг юқори нуқтага чиқди.

Чўлпон шеърияи ўзбек халқининг маънавияти, миллий тафаккури шаклланишида алоҳида аҳамият касб этди.

Эрк, эркинлик, озодлик масаласи миллат шоири Чўлпон қўшиқларининг юқори нуқтаси бўлди:

*Кишан кийма, бўйин эзма,
Ки, сен ҳам ҳур тугилгонсен!..*

ёки:

Ҳақ йўли албатта бир ўтилгувси...

Миллатчи номини олиб, қатли ом қилинган жадид шоирлар шеърияида илгари сурилган ғоялар тугалланган асрнинг сўнгги ўн йиллигида авлодлари томонидан рўёбга чиқди, бу улар ғояси ўлмаслиги ва яшовчанлигидан далолатдир.

3. 60–80-йиллар ўзбек шеърияида миллий уйғониш ва унинг шеърий ифодаси масаласи ҳақида сўз кетганда, гарчи ўлкамиз мустамлакачилик асоратида, коммунистик фирқанинг тажовузкор ғояси тазйиқларида топталса-да, халқнинг умидли ўғлонлари, ижодкор-шоирлари ўз норозилик кайфиятларини шеър

имкониятлари ёрдамида изҳор қила олдилар ва у асосан изтиробли тарзда намоён бўлди.

Ойбек, Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Шайхзода, Миртемир, Шухрат, Шукрулло, Саида Зуннунова, Зулфия каби шоирлар асарлари руҳини ўрта ва кичик авлод вакиллари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳусниддин Шарипов, Чўлпон Эргаш, Рауф Парфи, каби ижодкорлар давом эттирдилар.

«Қизил империя» даврида 60–80-йилларда шеърятда ижтимоий фуқаролик руҳи, даврнинг кескин долзарб вазифалари, айниқса, тил масаласи, ўлканинг хомашёга айланиб қолганлиги муаммоси, қадриятларнинг йўқолиб бориши, диннинг қатағонга учраши каби турли воқеликлар шеърятнинг ҳам бош мавзуси даражасига кўтарилди.

Энг асосийси, миллий ўзлик, ўз-ўзини англаш, ўтмиш тарихнинг йўқола бориши каби нохуш ҳолат шеърятда инқилобий ўзгариш қилишга, миллат руҳиятини очишга ундади.

80-йиллар охирида мафкуравий курашларнинг гирдобиди азият чекаётган «кўп миллатли, ягона Ватан – СССР» таназзулга юз тутди, чунки байналмилал халқни бирлаштиришга коммунистлар мафкурасининг кучи етмай қолди, кўплаб миллатлар ўзликларини англай бошладилар.

Чунки халқ тафаккури ва қадрияти шеърятга кўчди, одамлар фикри ўзгарди.

Бу айниқса, Абдулла Ориф, Эркин Воҳид, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон шеърятида бўртиб кўринди.

Бу ижодкорлар жасорат билан Чўлпон ва Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом шеърятининг тадрижий давомчиси бўлдилар. Замондошларнинг ўзбек халқининг ўзлигини англашга, миллий уйғонишга, истиқлолга бўлган умидларига маънавий озуқа яратдилар, халқимизнинг асрий орзуси даъваткор шеърятнинг, эркак ташналикнинг умидли шукуҳи ила аср охирида рўёбга чиқди, шеърят ўз вазифаси доирасида мустақилликка ҳиссасини қўшди.

4. Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов миллий уйғониш шоири даражасида муносиб шохсупага кўтарилди. Чунки у истибдод кишанлари халқ қўлини банд қилиб турган пайтда ҳам мафкуравий жиҳатдан шеърлари билан эрк ва истиқлолга ташна халқни озодликка даъват этаверди, шу боис халқининг севимли шоири

даражасига кўтарилди, халқ шоири бўлди. У ўз шеърларида халқига миллий истиқлол ғояларини сингдира борди.

Хурриятни куйлади:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?

У 60-йиллар иккинчи ярмида шеъриятга кириб келиб, халқ тақдири, миллат келажагини бир бутун – озод кўришни орзу этди.

У Ўзбекистонни, шу азиз тупроқни, унинг жафокаш халқининг кайфиятини куйлади. Унга қанча маломат тошлари отилмасин, барига сабот билан чидади, қалбини, соғлиғини шу Ватанга ҳадя этди.

У шеъриятда халқ қисматини тасвирлади. Унинг тили, дини, халқи, маданияти, анъаналарига тажовуз қилганларга қалами тиғини қаратди, миллий озодлик ғояларини шеъриятга кўчирди, шеъриятга юклади, миллатнинг дардини, қувончу шодлиғини, унинг ўтмиши, бугунини куйлади.

Жафокаш ўзбекнинг «мен»лигини аңлатди, унинг қарашлари, шеърий ғоялари бекор кетмади, тилла балиқчанинг кўлмак сувга кўника олмаслигини исбот этди.

Ўзбек шеъриятининг улуғворлигини дунёга танитди, меҳрини қозонди.

*Қизгалдоқ баргидек учар дилдан зам,
Тошқинлар киради қалбимга маним.
Баҳоринг муборак бўлмиш ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон – дилбар Ватаним,
Фақат сен қалбимга чўқтирмай малол
Чарчаган руҳимга илҳом солурсан.
Баҳор ҳам, умр ҳам ўтар эҳтимол,
Фақат сен дунёда мангу қолурсан.*

Сиз фаромуш ўйлар, тушкун хаёллар оғушида мажолсиз-мадорсиз ёлғиз қолганингизда, «Наҳотки дунёда ҳақсизлик мангу», дея жавобсиз саволлар гирдобида қийналганингизда, яна қайдандир ўша салобатли ва ғолиб овоз пайдо бўлиб, тантанавор янграйди. Мағлуб руҳингизни ожизлик чангалидан қутқаради...

Ҳойнаҳой, даҳоси туганмас жой бу...

Сиз эркесвар юрак қони билан битилган туткун юрт тарихини ўқиб, мустабид дунёнинг сонсиз ёвузликларидан зада шоир қалбидан отилиб чиққан «Озод бўлармикан нотавон Ватан?» саволи

олдида ҳадик-ла мунғайиб, ҳасратли ўйларга толганингизда, ўша донишманд

*Буюкликдан буюклик тугилиб келган доим,
дея сизга таскин-тасалли бергандек бўлади.*

Абдулла Орипов буюк халқнинг буюк Истиқболига барчадан кўпроқ ишонди. Унинг шеърлятида Истиқлол ғоялари ана шу ишонч туйғуларидан озикланиб, ривожланарди. Миллий маънавият ва халқ ҳаётининг теран бадий таҳлили орқали шоир эрта ёшлигидаёқ Ватани учун Истиқлол муқаррарлигини, ҳаво ва сувдай зарурлигини чуқур англаб етганди. Хуллас, Абдулла Ориповнинг дардманд, пурғам ва шиддатли шеърлятига озодлик нафаси, Истиқлол кайфияти, исёнкор кечинмалар шу тариқа кириб келди...

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Ислон Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т., «Ўзбекистон», 1992 йил.
2. Ислон Каримов. Биздан Озод ва обод Ватан қолсин. - Т., «Ўзбекистон», 1994 йил.
3. Ислон Каримов. Туркистон – умумий уйимиз. - Т., «Ўзбекистон», 1995 йил.
4. Ислон Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997 йил.
5. Ислон Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. - Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.
6. Ислон Каримов. Ўзбекистон ХХІ асрга интиломокда. - Т., «Ўзбекистон», 1999 йил.
7. Ислон Каримов. Баркамол авлод орзуси. - Т. «Шарқ», 1999 йил.
8. Абдулла Орипов, Митти юлдуз. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1965 йил.
9. Абдулла Орипов. Кўзларим йўлингда. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1965 йил.
10. Абдулла Орипов. Онажон. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967 йил.
11. Абдулла Орипов. Руҳим. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969 йил.
12. Абдулла Орипов. Ўзбекистон. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 йил.
13. Абдулла Орипов. Хотира. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972 йил.
14. Абдулла Орипов. Юртим шамоли. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 йил.
15. Абдулла Орипов. Ҳайрат. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974 йил.
16. Абдулла Орипов. Юзма - юз. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил.
17. Абдулла Орипов. Ҳаким ва ажал. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980 йил.
18. Абдулла Орипов. Нажот қалъаси. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 йил.

19. Абдулла Орипов. Йиллар армони. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 йил.
20. Абдулла Орипов. Эҳтиёж фарзанди. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 йил.
21. Абдулла Орипов. Ишонч кўприклари. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 йил.
22. Абдулла Орипов. Қуш тили, - Т., «Чўлпон» 1991 йил.
23. Абдулла Орипов. Муножат. Т., «Нур», 1992 йил.
24. Абдулла Орипов. Ҳикмат садолари. - Т., «Нур», 1994 йил.
25. Абдулла Орипов. Дунё. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995 йил.
26. Абдулла Орипов. Ибодат. - Т., «Ёзувчи», 1996 йил.
27. Абдулла Орипов. Савоб. - Т., «Маънавият», 1997 йил.
28. Абдулла Орипов. Бедорлик. - Т., «Ёзувчи», 1999 йил.
29. Абдулла Орипов. Танл. асарлар. (Биринчи жилд, шеърлар, дostonлар). - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 йил.
30. Абдулла Орипов. Танланган асарлар. (Иккинчи жилд, шеърлар, дostonлар) -Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001 йил.
31. Абдулла Орипов. (Учинчи жилд, таржималар) - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001 йил.
32. Абдулла Орипов, Танланган асарлар. Киносценарийлар, мақолалар, суҳбатлар, хотиралар, қайдлар, - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001 йил.
33. Абдуқаҳҳор Иброҳимов ва бошқ., Ватан туйғуси. - Т., «Ўзбекистон», 1996 йил.
34. Абдулла Авлоний. Танл. асарлар. - Т., «Маънавият», 1998 йил.
35. Абдулла Авлоний. Ўсон миллат. - Т., «Шарқ», 1993 йил.
36. Абдурауф Фитрат. Чин севиш. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996 йил.
37. Абдулҳафиз Жалолов. Мустақиллик масъулияти. Т., «Ўзбекистон», 1996 йил.
38. Алимова Д. ва бошқ. Жади́дчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. - Т. «Университет», 1999 йил.
39. Алимова Д. ва бошқ. Маҳмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури. Т., «Академия» нашриёти, 1999 йил.
40. Анвар Абдусаматов ва бошқ. Диншунослик асослари. - Т.,

«Ўзбекистон», 1995 йил.

41. Абдуғафур Расулов ва бошқ. Университет таълими учун ўзбек филологияси мутахассислиги бўйича ўқув дастурлари. - Т., «Университет», 1997 йил.

42. Азим Суён. Замин тақдири. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 йил.

43. Ақром Каттабеков ва бошқ. Ўзбек адабиёти тарихи. - Т., «Ўқитувчи», 1990 йил.

44. Бегали Қосимов ва бошқ. Ватан ва миллат муқаддасдир. - Т., «Ўқитувчи», 1996 йил.

45. Бегали Қосимов. Маслакдошлар. - Т., «Шарқ», 1994 йил.

46. Бегали Қосимов ва бошқ. Миллий уйғониш. - Т., «Университет», 1993 йил.

47. Бегали Қосимов ва бошқ. Салом, келажак. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 йил.

48. Билал Аминов ва бошқ. Ватан – юракдаги жаҳоҳир. Т., «Ўқитувчи», 1996 йил.

49. Ботир Норбоев. Истиқлол ва истеъдод тарбияси. Т., «Ўқитувчи», 1996 йил.

50. Ботир Валихўжаев, Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т., «Ўзбекистон», 1993 йил.

51. Дилмурод Куронов. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. - Т., «Ўқитувчи», 1997 йил.

52. Жондор Туленов ва бошқ. Мустақиллик ва миллий тикланиш. - Т., «Ўзбекистон», 1996 йил.

53. Зуннунов А. ва бошқ. Адабиёт ўқитиш методикаси. - Т., «Ўқитувчи», 1992 йил.

54. Матёқуб Қўшжонов ва бошқ. Абдулла Орипов. - Т., «Маънавият», 2000 йил.

55. Маҳмудхўжа Бехбудий. - Т., «Маънавият», 1997 йил.

56. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т., 2000 йил.

57. Мустақиллик ва ҳуқуқ. - Т., «Ўзбекистон», 1997 йил.

58. Нажмиддин Комилов. Тафаккур қарвонлари. - Т., «Маънавият», 1999 йил.

59. Наим Қаримов. Усмон Носир. - Т., «Шарқ», 1993 йил.

60. Наим Қаримов. Усмон Носирнинг сўнги қушлари. - Т., «Шарқ», 1994 йил.

61. Наим Каримов ва бошқ. XX аср ўзбек адабиёти. 11 синф учун дарслик - Т., «Ўқитувчи», 1997 йил.
62. Нарзулла Қосимов. Мустақиллик курашлар даври. - Т., «Ўзбекистон», 1997 йил.
63. Наим Каримов ва бошқ. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. - Т., «Ўқитувчи», 1999 йил.
64. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. - Т., «Ўқитувчи», 1999 йил.
65. Озод Шарафиддинов. Чўлпонни англаш. - Т., «Ёзувчи», 1994 йил.
66. Озод Шарафиддинов. Истиқлол фидойилари. - Т., «Шарқ», 1993 йил.
67. Озод Шарафиддинов. Ҳақиқатга садоқат. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 йил.
68. Озод Шарафиддинов. Чўлпон - Т., «Чўлпон», 1991 йил.
69. Омон Матжон. Одамнинг сояси куёшга тушди. - Т., «Ёзувчи», 1991 йил.
70. Омина Суюнова. Туркистонда 1916 йилги миллий озодлик кураши. - Т., «Фан», 1997 йил.
71. Рауф Парфи. Сабр дарахти. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986 йил.
72. Салоҳиддин Мамажонов. Ранглар ва оҳанглар. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 йил.
73. Сайфулла Мирзаев ва бошқ. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи. - Т., «Ўқитувчи», 1993 йил.
74. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. - Т., «Ўқитувчи», 1995 йил.
75. Тохир Қахҳор. Ҳур Туркистон учун. - Т., Чўлпон, 1994 йил.
76. Усмон Носир. Унутмас мени боғим. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 йил.
77. Хайруллаев М. Ўзбекистонда ижтимоий - фалсафий фикрлар тарихидан. Т., «Ўзбекистон», 1995 йил.
78. Чингиз Айтматов ва бошқ. Чўккида қолган овчининг охи-зори. - Т., «Ўқитувчи», 1998 йил.
79. Чўлпон. Адабиёт надир. - Т., «Чўлпон», 1994 йил.
80. Чўлпон. Яна олдим созимни. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 йил.
81. Чўлпон. Баҳорни соғиндим. Т., «Юлдузча», 1988 йил.
82. Шухрат Ризаев. Жадид драмаси. - Т., «Шарқ», 1997 йил.
83. Элбек. Мунгли қушим. - Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ

- мероси нашриёти, 1999 йил.
84. Элбек. Момагулдирак. - Т., "Чўлпон", 1993 йил.
85. Эркин Воҳидов. Муҳаббат. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт санъат нашриёти, 1981 йил.
86. Эркин Воҳидов. Изтироб. - Т., «Ўзбекистон», 1992 йил.
87. Шавкат Раҳмон. Сайланма. - Т., «Шарқ», 1997 йил.
88. Яшар Қосимов. Уйғониш садолари. - Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991 йил.
89. Наим Каримов ва бошқ. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. «Ўқитувчи», 1999 йил.
90. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгил. Т., «Шарқ», 1999 йил.
91. Қозоқбой Йўлдошев. Ўзбек адабиёти. Дарслик. - Т., «Ўқитувчи», 1993 йил.
92. Ғулом Каримов. Халқ тарих, адабиёт. - Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 йил.
93. Ҳамдам Содиқов ва бошқ. Туркистон Чор Росм ва мустамлакачилиги даврида. Т., «Шарқ», 2000 йил.
94. Ҳамид Зиёев. Истиқлол — маънавият негизи. - Т., «Маънавият», 1999 йил.
95. Ҳалим Саидов. Маърифат либосидаги озодлик. - Т., «Шарқ», 1999 йил.
96. Ҳалим Бобоев ва бошқ. Миллий давлатчилик ҳақида. «Ўқитувчи», 1999 йил.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Жадидчилик – миллий уйғониш мафкураси сифатида	9
XX аср I чораги ўзбек шеъриятида ўзликни англаш ва истиклол ғояси	28
60–80-йиллар ўзбек шеъриятида миллий уйғониш ва унинг поэтик ифодаси	55
Абдулла Орипов – миллий уйғониш шоири	80
Хулоса	124
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	129

**МУМИН ҲОШИМҲОНОВ
ГУЛЧЕҲРА ИБРАГИМОВА**

**МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ ВА
АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ**

**Муҳаррир Ҳ.НИШОНОВ
Техник муҳаррир Т.СМИРНОВА
Мусахҳиҳ С.АБДУВАЛИЕВ
Саҳифаловчи Д.ТОЖИАЛИЕВ**

Босишга рухсат этилди 15.08.2007

Бичими 84X108 1/32. Ҳажми 8,5 б.т. Адади: 1000. Буюртма № 116

**Оригинал макет ва дизайн «Tafakkur plus» масъулияти чекланган
жамиятида тайёрланди**

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти**

**Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Х.Сулаймонова кўчаси, 33**